

843

4-79

231089

УМАРАЛИ НОРМАТОВ, ОРТИҚ АБДУЛЛАЕВ

# ИЖОДНИНГ КУШ ҚАНОТИ

Ўзлигинг яралган моддий олам-ла  
Қўшилиш, баъзида бордек сарафroz  
Далаларга қўниш, ёмгирида ёғиш...  
Яна кўклам келиб, бир барг ёзамиш,  
Фарзандлар кўзи-ла курамиз юртни,—  
Совуқ минг йилларни кечирсин зоғлар,  
Бизга бир инсоний умр кифоя!



84

H-

u

843  
Н-19

УМАРАЛИ НОРМАТОВ,  
ОРТИҚБОЙ АБДУЛЛАЕВ

# ИЖОДНИНГ ҚҮШ ҚАНОТИ

Мирмуҳсин ижоди ҳақида очерк

Тошкент

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1981

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

## НАШРИЁТДАН

Ўзбек совет адабиёти «ўрта авлоди»нинг забардаст вакилларидан бирини Мирмуҳсен ўзининг шеър, баллада, поэмалари, ҳикоя, қисса ва романлари билан адабиётимиз ривожида муносаб ўрин эгаллайди. Ўзининг купина асарлари рус ва бир қатор қардош халқлар тилларига таржима этилган.

Мазкур очерк авторлари Мирмуҳсен ижоди ҳақида мумкин қадар батаф-санроқ маълумот бернишга, адабийнг эътиборга сазовор жамиик асарларини маълум система асосида таҳлил этингга ҳаракат қылганлар. Мирмуҳсен ҳам ишларига, ҳам прозада ижод этиб келади. Ишебрият эдис ижодининг бир қанотини, наер эса иккичча қанотни ташкил этади. Шунга кўра мазкур китоб ҳам иккни бўлимдан иборат. Адаб ижодининг бир қаноти — наерий асарлар таҳдиллига бағишланган бўлим филология филиалари доктори Умарали Норматов, боинча бир қаноти — шеърияти таҳдилли эса ёши тақиқидчи Ортиқбон Абдуллаев қаламига мансуб.

Норматов, Умарали; Абдуллаев, Ортиқбой.

Ижодининг қўши қаноти.— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.— 188 б.

1. Автордоши.

Мазкур илмий-адабий очеркда ўзбек совет адабиётининг таникли намоён-даларидан бирин бўлган Мирмуҳсенининг шеър ва поэмалари, ҳикоя, қисса ва романлари кенг таҳдил қилинади.

Норматов У., Абдуллаев О. Крылья творчества. Творчество Мирмухсена.

83.3Уз7

Л 70202—6  
М 352(04) — 81 158—81 4603010202

## БИРИНЧИ БҮЛЛІМ

### ЗАМИН ШЕРІЯТИ

#### ШОИРНИ ТАПИТАР ҚАЛЫВ ИЛА ҚАЛЛАМ

Мирмуҳсин (Мирсаидов Мирмуҳсин) дастлаб шоир сиғатида әлга тәннилди. Үнинг 30- йилларнинг охирлари даёқ матбуот саҳифаларида әзълон қилинган илк шеърлари, буюк рус шоирлари А. С. Пушкин ва М. Ю. Лермонтов асарларининг сөхрли таъсири остида яратылған «Қамар» достони, «Қызыл олма» балладасы адабий жамоатчылық томонидан илиқ қарши олинди. Еш шоирнинг машқуларидаги соддалық, тиниқ тасвирга, табиийликка иитилиш, жонли халқ тили бойлукларидан унумли фойдаланынға жиуддий әтъибор беріши каби фазилаттар Ойбек, Гафур Гулом, Үйгүн, Мақсұд Шайхзода каби устоз шоирларнинг диққатини тортди. Бу улкан сіймалар шу йүлларда «атак-чечак» қилиб адабиёт даргоҳыга кириб келаётгандыкта иштедодлы ёшлар ижодига меҳр билан мұраббийлик құлдилар. Мирмуҳсин ҳам бу улуғ устозларнинг меҳр зиёсідан ҳар томонлама баҳраманд бўлди. Бу ҳақда шоирнинг үзи кейинчалик шундай ёзған эди: «Үттизинчи йыл охирларида «Евгений Онегин» таржимаси муҳокамасыда Ойбекни күришим, Гафур ака билан танишганим, Ҳамид Олимжон үзининг бир сүзинда «Карл Маркс» шеърим ҳақида яхши истакларни билдиргани, Үйғун таҳририда чиққан «Ўзбекистон» альманахида «Қызыл олма» балладамнинг босилиши менга қанот бағишилади» («Ўз ҳақимда», «Шеърлар» тўплами, Ўздавнашр, Тошкент, 1964 йил, 7—8- бет).

Улуғ Ватан урушининг машаққатли йиллари кўплар

қатори Мирмуҳсин учун ҳам «кatta синов бўлди». Немис-фашист галалари Ватанимиз тупрогига хиёнаткорона бостириб кирди. Унинг қонхўр босқинчиларни фош этувчи жанговар руҳда (ҳамкасб дўсти Асқад Мухтор билан ҳамкорликда) ёзилган шеъри урушининг дастлабки кунларида «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиқди. Ватанимиз учун ҳаёт-мамот кунлари бўлиб қолган қизгии жанг йилларида Мирмуҳсин совет кишиларининг юксак ватанпарварлиги, мардлиги, жасоратини улугловчи, меҳнатдаги тенгсиз жасорати ва маънавий дунёсидаги иноситий фазилатларни куйловичи кўплаб шеърлар («Ҳайкал», «Ишонч», «Қадрамонининг келиши», «Қўбузчи», «Ҳаёт симфонияси», «Ҳамширанинг блокнотига», «Кел, чекайлик» ва бошқалар) яратди.

Совет диёрига ғалаба баҳори бўлиб келган 1945 йил ёш шоир учун ҳам самарали бўлди — унинг атоқли шоир Мақсуд Шайхзода муҳаррирлик қилган «Вафо» номли илк шеърий китобчasi ўқувчилар қўлига тегди. Шоирининг урушгача ва уруш йилларида яратилган шеърлари, балладалари жой олган бу тўпламни китобхонлар ҳамда адабий жамоатчилик илиқ қаршилади. Газета, журналлар саҳифаларида у ҳақда самимият билан ёзилган тақризлар пайдо бўлди.<sup>1</sup>

Шоир уруш қаҳрамонлари — мард совет жангчиларининг фидойилиги ҳақида ёзганда ҳам, ўз меҳнати билан фронтга мадад бераётган ажойиб совет кишиларининг тенин йўқ жасоратини назмга согланда ҳам ғалабага бўлган юксак ишонч туйгуларини шеърларининг магзи-магзинга сингдириб юборди. Жамиятимизнииг енгилмас табнатидан келиб чиқсан ва совет адабиётининг етакчи нафосини ташкил этган бу жанговар руҳ, оптистик кайфият оловли йилларда қаламни найзага ай-

<sup>1</sup>А. Олимжон. Вафо ҳақида. «Ёш ленинчи» газетаси, 1945 йил, 19 октябрь, Вафо. «Шарқ юлдузи» журнали, 1946 йил, 4—5-сон.

лантириб, оташин ватанпарварлик туйғуларини жүшиб куйлаган каттадан-кичик барча совет ёзувчилари ижолида бўртиб кўринади. Ана шу катта ижод карвони билан қаторда боришга мұяссар бўлган Мирмуҳсин биринчи имтиҳондан ўтди.

Тўпламдаги шеърларда кейинчалик Мирмуҳсин ижолининг етакчи фазилатига айланган бадий соддалилка инилини хусусияти юз кўреата бошлагани сезилиб турди. Аслини олганида фикрини, асар гоясими ўқувчига содда, тушинарли қилиб етказиши орқали ҳаёт воқеала-рини, ишени кечималәрини ёрқин тасвирлай олини санъати ҳар қандай адаб маҳоратининг дараражасини кўрсатувчи асосий омиллардан бири. Бадий соддалилка инилишини ижоддаги етакчи эстетик меъёрга айлантириши катта фазилат. Шу жиҳатдан қараганимиизда, Мирмуҳсен ишлек шеърларида ё маълум ютуқларни қўлга кирила олгани яққол сезилади. Мана, унинг «Ҳужумдан сўнг» шеъри:

Ҳужумдан сўнг командирлар ва биз,  
Үйни қилдик салқин ўрмонда,  
Иван гармонь чалди, шунда мен-чи,  
Үйни билмай бўлдим шарманда...

Ўрмон қалин эди... дарахт баргларида  
Ялтиради гулхан шуъласи,  
Қаердандир шунда майингина  
Келар эди қиз ашуласи...

Қўрамизки, бу мисраларда ялтироқ ташбеҳлар, жим-жимадор сўз ўйинлари-ю, дабдабали гаплар йўқ. Шоир оддийгина, жўнгина (бир оз насрга мойил) сатрларда ҳаётий бир лавҳа, жонли бир манзарани суратлантириб бера олган. Мазкур парчада тилга олинган салқин ўрмон, гармонь садоси, гулхан шуъласида ялтираёт-

гап дараҳт барғлари (содда, айни замонда дурустгина поэтик деталь!) узоқдан келаётган қизнинг майин ашуласи — кўз ўнгимиизда жангчиларнинг ҳордиқ олаётган пайтидаги ҳолати, кайфиятини аниқ жонлантириб беради. Шоир тасвирга бевосита аралашмасдан, ортиқча сўзлар ишлатмасдан туриб, совет жангчиларига хос мардлик ва осойишталикни, ҳаётсеварлик, руҳан бойлик каби юксак хислатларни яхши ифодалай олган.

Мирмуҳенининг бу йилларда ёзилган бошиқа шеърларинда ҳам шундай тиниқ тасвиrlар, ёрқин картиналарни, шониона деталларни кўп учратамиз. Шоир айниқса бадиий тасвиrnинг энг содда ва кенг тарқалган тури — ўхшатиш приёмини кенг қўллади. Масалан, у «Ҳайкал» шеърида урушнинг типик манзараси — одамларнинг кўплаб қирилиши манзарасини шундай чизади:

Урмон гумбуzlарди, одамлар —  
Баргдек узиylарди... Лекин тинmas жанг.

Гангид қолган душман қиёфаси эса қўйидагича гавдаланади:

Калтак ер эди ёв устма-уст, лекин  
Аждардек буралар, бўларди тажанг...

Маркс ҳайкали ёнида ўқ еб, оғир яраланган жангчининг ҳолати ҳам кўз ўнгимиизда аниқ суратланиб қолади:

Бизнинг командир ҳам бир ўқ билан  
Арслон каби сапчиб йиқилди.  
Ва чанглалаб кўксин, аранг-аранг —  
Маркс юзларига тикилди.

Келтирилган мисоллардаги халқ оғзаки ижодига хос бўлган ўхшатишлар (ўзбек халқи қадим-қадимдан

ботирларин арслонга, ёвузлик кучларини аждарга ўхшатиб келгани маълум) шеърга соддалик бағишилаб, унинг таъсир кучини оширган. Халқ оғзаки ижоди ҳизнасидағи образлар, иборалар, мақол-мatalларга күплаб мурожаат қилиш приёмини уруш йилларида ижод этган барча шоирлар ижодида учратамиз. Бу ҳол асарнинг кўтарики руҳини ошириш билан бирга жангчиларимизга куч—мадад бағишилаб, ватаниарварлик туйгусини кучайтириш учун бевосита хизмат қилган.

Юқоридагига ўхшаш мисолларни Мирмуҳсин ижодидан яна кўплаб келтириш мумкин.

«Вафо» тўйламига кирган «Тўртликлар»да шоир кўнроқ инсоннинг маънавий дунёсида рўй берадиган хилмажил ҳолатларни, мураккаб ички кечинималарни очишга эътибор беради ва содда, самимий мисраларда қалб галаёнларини ифодалайди. Улар анча ҳаётий, жонли чиққан. Мана, бир мисол:

Хар бир ёнган кўзда ёш бўлар экан,  
У юракка қайгудош бўлар экан.  
Гоҳ кулфатга рамздир, гоҳо севинчга,  
Бир томчи-ла ҳиссинг фош бўлар экан.

Шоир инсон умрига чуқур назар ташлаб, унинг «кулфат» ва «севинч»лардан иборат қарама-қарши қутблари ҳақида теран фалсафий мушоҳадалар юритишига муваффақ бўлган. Бу кичик парчада инсон ҳаётининг қирралари маълум даражада ўз аксини топгани деб айтиш мумкин. Шунингдек, инсон билимиининг чеки-чегараси йўқлиги, доимо изланиш, ўрганиш, меҳнат қилиш ҳаётининг асоси эканлиги ҳақида фикр юритувчи тўртлиги ҳам ўқувчини хаёлга толдиради.

Мирмуҳсиннинг тўртликлари танқидчилар томонидан ҳам муносиб баҳоланганд. «Мирмуҳсин ёш шоирлар орасида ўзининг тўртликлари билан ажralиб туради. Қисқа шеърий мисраларга мураккаб фикрларни

жо қилиб беришда ёш шоир анча муваффакият қозонгани<sup>1</sup>, — деб ёзган эди адабиётшунос А. Олимжон.

Шу билан бирга «Вафо» тўпламидан жой олган шеърларда бир қатор камчиликлар ҳам кўзга ташланади. У ўзига таниш манзаралар, мамлакат ичкарисидаги ҳаёт лавҳалари ҳақида ёзганда, инсоний кечинималарни, ишқ-муҳаббатга боғлиқ ҳолатларни акс этирганда эсда қоладиган парчалар яратишга муваффақ бўлади, аммо уруш эпизодлари, тасвирида «схематик қайд қилиш»га йўл қўяди. Бу биринчи навбатда ёш шоирнинг ўзи тасвирлаган айрим мавзуларни яхши билмаганинги оқибатида келиб чиққан. Шу жиҳатдан Абдулла Олимжоновнинг «Фронт мавзуларида ёзилган... шеърларида... воқелик юзаки, бир томонлама тасвирланади. Айрим шеърларида душманга ҳужум қилингани ҳақида гапирилади-ю, лекин ҳужумнинг ўзи йўқ. «Ҳужумдан сўнг», «Кел, чекайлик» шеърлари каби. Кўп шеърларида фронт қаҳрамонларига мадҳия айтилади, лекин қаҳрамоннинг қандай қилиб қаҳрамон бўлгани очиб берилмайди», деган мулоҳазаларига қўшилиш керак. Айни замонда мунаққиднинг «Ҳужумдан сўнг», «Кел, чекайлик» шеърлари ҳақидаги «таъна»лари нотўғрилигини ҳам айтиб ўтиш зарур. Бу шеърларда мунаққид айтганидек, «душманга ҳужум қилингани» эмас, аксинча, ҳужумдан сўнгги ҳордиқ, дам олиш пайтидаги оддий инсоний муносабатлар акс этиган бўлиб, улар самимият билан ёзилган.

Шоирнинг ўзи ҳам илк тўплами нуқсонлардан холи эмаслигини эътироф этиб, самимият билан:

Мақом ожиз, лабимдаги най ожиз,  
Дилин селдай тошдиролмас куйларим,—  
(«Ҳали ёшлик ғурурлари кўнглимда».)

деб ёзган эди.

<sup>1</sup> «Шарқ ўлдузи» журнали, 1946 йил, 4—5-сон.

Урушдан кейинги йиллар мамлакатимиз тарихига тинч қурилиш даври сифатида ёзилади. Бу йилларда фашизмни мардона енгиб чиқкан мағрур совет кишилари халқ хўжалигининг барча тармоқларини юксалтириш, ахолининг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш йўлида янги куч, янги қудрат билан меҳнат жангига киришди. Ватан ўз жароҳатларига малҳам топди. F. Гулом айтганидек, «Тўрт йил жафо чеккан ватандош ўртоқ, энди қўлга олди меҳнат тешасин». Вайрон бўлган беҳисоб шаҳар ва қишлоқлар қайта тикланди, минглаб саноат корхоналари барпо қилинди, қишлоқ хўжалиги янги изга туширилди, қўриқ ва бўз срларни ўзлаштириш ишлари бошлиланди. Маданият, фан, техника соҳасида ҳам катта ютуқлар қўлга киритилди. Бутун мамлакат бўйлаб кенг қулоч ёйган қайноқ меҳнат кўтаринкилиги тўлқинлари адабиёт ва санъатда ҳам ўз муносиб аксини топди. Бу давр адабиётининг характерли белгиси замонамиз қаҳрамонлари бўлган меҳнат кишиларининг тўлақонли образини яратишда, унинг мураккаб сиймосини гавдалантиришда кўринади. Шу вақтда Мирмуҳсин ҳам оддий ўзбек кишилари, феъли кенг, қалби тоза, соддадил қишлоқ одамлари образини яратишга қунт билан киришди. У бу йўлда астойдил меҳнат қилди, классик шоирлар ҳамда совет адабиётининг устоз адаблари ижодий маҳоратини севиб ўрганди, айниқса А. Твардовский ижодидан (жумладан, «Василий Тёркин» поэмасидан) кўп таъсирланди.

Урушдан кейинги йилларда ўзбек шеърияти бир қадар мураккабликларни ҳам бошдан кечирди. Тўғри, шеърият ўз олдиндаги муқаддас гражданлик бурчини ҳалол бажара олди. Айниқса, бугунги кунда бу сўзни ҳеч иккilanmasdan дадил айтиш мумкин. Давр даъват этиб турган долзарб масалалар, халқ ҳаётининг жонли манзаралари, совет кишиларининг тинч бунёдкорлик, яратувчилик руҳи, ватанпарварлик туйғулари Ойбек-нинг ҳаётбахш оптимизм билан суғорилган, драматик

лавҳаларга бой «Раиса», «Қизлар» сингари оташин асарларида, Ғафур Ғулом, Ўйғун, Миртемирларнинг Ватан ва Ленин партиясига муҳаббат, тинчлик, ҳалқлар дўстлиги, қардошлиқ мавзуларида яратилган қайноқ сатрларида ёрқин ифодасини топди, истеъдодли ёш шонрларнинг ўзига хос овози уларга жўр бўлди.

Атоқли танқидчи Озод Шарафиддинов бу давр шеърияти ҳақида шундай ёзган эди: «Бу йилларда сиёсий лирика янада ривожланди. Ўзбек шоиrlари голиб совет ҳалқининг қаҳрамонлигидан илҳомланиб, даврнинг энг муҳим масалаларини баланд публицистик руҳ билан куйладилар. Лирикада социалистик меҳнат темаси, тинчлик учун кураш ва уйғониб келаётган шарқ ҳалқларининг озодлик учун кураши темаси жуда кенг куйлаиди. Поэзиянинг марказий қаҳрамони эса яна аввалги йиллардаги каби оддий совет кишиси бўлиб қолди». («Йиллар ва йўллар», «Адабиётимизнинг яrim асри». Мақолалар тўплами. Ф. Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, Т., 1967 йил, 226-бет).

Тинч қурилиш йилларидағи ўзбек поэзиясида етакчилик қилган маълум бир кўтариқнилиқ, «баланд публицистик руҳ»ни айрим тадқиқотларда кўринганидек бутунисича ҳаётдан узоқлашиш, турмушни рангдор бўёқларда безаб кўрсатиш аломати деб баҳоламаслик керак. Шеъриятда бундай туйғуларнинг пафос даражасига кўтариб куйланиши табиий ҳолат бўлиб, давр тақозоси туфайли рўй берган эди. Уруш туфайли биронта яқин кишисидан ажралмаган хонадон ёки оиласи топиш амримаҳол эди. Одамларни ҳамиша келажакка чорлаб, бунёдкорликка, курашга даъват этиб келган адабиёт бу йилларда ҳам ўзининг юксак, олижаноб, миссиясини тўғри ва сидқидилдан бажариб, умидбахш туйғуларни, ҳаётсеварликни, матонатни жўшиб куйлади.

Айни замонда бу йиллар шеъриятида, айниқса 50-йилларнинг бошида авж олиб кетган ва деярли барча шоирлар ижодида озми-кўпми кўринган айrim нуқсонлардан (реализмдан чекиниш, баландпарвозлик, риторика, иллюстративчилик, юзакилик, жўнлик каби) ҳам кўз юмиб бўлмайди. Улар ҳақида гапирилганда бу мураккаб жараённинг барча қирраларини, объектив ва субъектив сабабларини чуқур ўргангандан ҳолда масалага ёндашмоқ керак. Ана шундагина бу даврда ижод этган шоирлар босиб ўтган мураккаб ижодий йўл тўғри ёритилган, ютуқлар ва камчиликларнинг илдизи очилган бўлади. Юқорида тилга олинган нуқсонларнинг субъектив сабаблари сифатида айrim ижодкорларнинг ўзига нисбатан талабчанликни бир қадар сусайтирганликлари, етарлича изланиш йўлидан бормаганликларини кўрсатиш мумкин. Объектив сабаблар эса хийла мураккаб бўлиб, шахсга сифинишининг салбий оқибатлари туфайли адабий жараёнда юз бераётган айrim нотўғри ҳодисаларга ҳамда бу пайтларда кенг расм бўлган конфликтсизлик назарияси иллатларига бевосита бориб тақалади. Шу йилларда бир қатор кўзга кўринган шоирларнинг адабий ҳаракатчиликдан ноҳақ равишда четлаштирилиши, тарихий мавзуда ёзилган баъзи асарларга (ҳатто Ойбекнинг классик асари — «Навоий» романига ҳам!) «Алпомиши» достонига ва «Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси» китобига нисбатан асоссиз ҳужумлар қилиниши каби нотўғри хатти-ҳаракатлар жиддий салбий оқибатларга олиб келди. Натижада «ёзувчиларнинг халқ ҳаёти билан алоқаси ўша йилларда анча заифлашиб қолди, воқеликни бутун мураккаблиги, барча қарама-қаршиликлари ва бор ҳақиқати билан акс эттиришда ҳадиксираш вужудга келди. Шахсга сифиниши эркин фикрлаш имкониятларини торайтириб қўйди, ҳамма нарсани безаб, бўяб кўрсатишга унгади». (О. Шарафиддинов, Замон, қалб, поэзия. Ўзадабийнашр, Т., 1962 йил, 5-бет).

Маълумки, адабий ҳаётдаги бундай жиҳдий нуқсоналар партиямизнинг XX съездидан кейингина барҳам топди.

Юқоридаги муроҳазалар «конфликтсизлик» назарияси авж олган йилларда кўплаб ёзилган барча рангсиз, бадиӣ жиҳатдан заиф шеърларни оқлай олмайди, албатта. Лекин дикқатга сазовор нуқта шундаки, мавжуд нуқсонларга қарамай, бу йилларда адабиёт олга ривожланди, бугунги кунда шеъриятимизнинг нодир иамуналарига айланиб қолган кўплаб яхши асарлар яратилди.

Хуллас, урушдан кейинги йиллардаги мураккаб адабий жараёни чуқур ўрганиш Мирмуҳсен ижодидаги юкасишлар сирини ва у йўл қўйган айrim камчиликлар сабабини ҳам тўғри англашига кўмак беради.

Мирмуҳсен бу йилларда баландпарвоз, риторик шеърларга қарама-қарин ўлароқ бадиӣ соддалик, ҳастийлик йўлидан бориб, замондошлиларимиз образини яратишда катта муваффақиятларни қўлга киритди. У шеъриятини ҳаётга яқинлаштиришда, тинич меҳнатда фидокорлик кўрсатаётган оққўнгил, ҳалол, оддий кишилар ҳаётини, ўзгариб бораётган қишлоқ манзараларини тасвирлашда кўп ишлар қилди. «Уста Фиёс» поэмасини яратишда қўл келган реалистик принципларини ривожлантириб, оддий кишиларининг турмушини, ўйкечинмалари, меҳнат жараёниларини ҳеч қандай ҳашаменз, дабдабасиз, ҳаётиниг ўзида қандай бўлса, шундай гавдалантиришга итилди. Унинг услубида жимжимадорлик, баландпарвозлилк йўқ. У безакен, ҳатто бир оз дағал туюладиган, аммо турмушдан олинган шоирона, деталларга бой мисралар тузади. Фикрларини жонли, оддий, табиий тасвир орқали баён қиласди, мураккабликдан, мавҳум образлардан қочади. Шоир баъзи-баъзида насрга мойил мисраларни ишлатишдан ҳам чўчиб ўтирумайди. Умуман олгаида, унинг

шеърларида эпик тасвирга мойиллик кучли. (Ижодкор табиатидаги бу ўзига хос хислат кейинроқ адебинг прозага дадил қўл уриб, реалистик ҳикоялар, қиссалар, қатор романларининг пайдо бўлишига олиб келди.) Ў қишлоқ манзараларини, одамларини тасвирланганда айниқса картина яратишга, портрет чизишига катта эътибор беради, характерли белгилар, чизиқлар топиб, ўринида ишлатади. Шеърларининг деярли кўпчилиги воқеабанд бўлиб, ихчам сюжет чизиқларига эга. Буларниң ҳаммаси мазкур шеърларниң осои ўқилиши ва равшан англанишини, китобхон қалбига тез етиб боришини таъминлаганки, шоирнинг асосий мақсади ҳам аслида шу эди. Ў анча кейинроқ ёзилган «Булғор шоири дўстим Матевга» шеърида эстетик принципларини шундай баён этади:

Яхши сўз безашни қилмайди талаб,  
Содда гап аълодир, бу сенга аён.  
Қашча жимжимадор сўзларни қалаб,  
Чулдираб тиљимни қилмайман баён.

Бу мисраларда Мирмуҳсинининг асосий ижодий программаси ўз аксни топган. «Содда гап аълодир»— шоирнинг стук шеърлари мана шу эстетик принцини асосида дунёга келган. Зотан, соддалик бадиийликнинг юксак белгисидир. Машҳур рус совет шоири М. Исаковский шундай ёзган эди:

«Мен ҳар бир шоир ўз шеърларида содда нарсаларни мураккаблаштирмаслиги, аксинча, у ҳаётдаги энг мураккаб ҳодисалар ҳақида ҳам содда ва тушунарли тарзда гапириши (жўплик даражасида эмас, албатта) шарт ва шунга мажбур деб ҳисоблайман». Шоирлар, шеърлар, қўшиклар ҳақида. «Советский писатель», Москва, 1968, 4—5-бет.)

Шеърият пайдо бўлгандан бери барча шоирлар фикрини, ҳис-туйғуларни содда, аниқ, таъсири қилиб

ифодалашга инилиб келгандар. Шеърий образларни равон сатрлар, равшан сўзлар, жозибадор бадий восьиталар, турли поэтик санъатлар либосида ифодалаш орқали ҳаёт ҳақиқатларини акс эттириш ва китобхонга эстетик завқ бериш жуда қийин. Мирмуҳсин бу вазифани чуқур англаган ҳолда қалам тебратганлигига «Далалар ва одамлар» ҳамда «Мөхмонлар» деб аталган туркумларидан жой олган шеърлар далолат беради.

Биринчи туркумнинг номиданоқ кўринниб турибдики, шоирнинг мақсади тйнч месннатни улуғлаш, фидокор совет кишилари — ажойиб замондошларимиз образларини яратиш, гуллаб-яшнаётган қишлоқларимизнинг гўзал манзараларини чизиб беришга қаратилган. Бу олижаноб ниятни амалга ошириш учун шоир юқорида айтилган эстетик принциплари асосида пахтакор ўлкамиз табиатига хос гўзалликларни ва одамлар қалбидаги эзгу фазилатларни содда, оддий мисраларда жонлантиришга инилиди. Унинг «Колхозда ГЭС», «Колхоз чойхонасида», «Қишлоқ врачи», «Ўртоқ Ли», «Қуз бошланди гўзал Фарғонада», «Ойимхон», «Адолатхон», «Селекционер», «Универсалчи» ва бошқа бир қатор шеърларinda қалб қўри, билак қувватини халқ ишига, эл-юрт фаровонлигини оширишга бағишилаган камтарин қишлоқ кишиларининг қиёфаси ҳамда меҳнати, кундалик ташвишлари, ўй-кечинмалари ҳеч қандай бе-заксиз, жимжимадор сўзларсиз тасвирланади. Бу шеърлардаги колхоз раиси, илфор колхозчи, звено бошлиги, агитатор, врач, механизатор, агроном, селекциячи каби далаларимиз ва қишлоқларимизнинг ҳақиқий хўжайнлари, эркин меҳнат сурори, яратиш завқи билан баҳтиёр кишилар сифатида кўз ўнгимизда гавдалади. Ана шу оддий кишилар образи катта меҳр ва муҳаббат ҳислари билан чизилади. Шоир қишлоқ кўринишлари, табиат манзараларини акс эттирганда энг характерли чизиқларни тутиб олади-да, шу асосда ях-

лит картина чизишга киришади. Унинг тасвири рассом қилқаламидан чиққан бўёқлар каби аниқлик, равшаник касб этади. Мана, «Колхозда ГЭС» шеъридаги асосий предмет — сой тасвирини кўринг:

Арслонбобдан оқиб келган сой,  
Далалардан ўтар пишқириб.  
Гоҳ ёйилар улкан дарёдай,  
Гоҳ йўқолар боғларга кириб.  
Гоҳ югурад, етиб олай деб —  
Пахтазорга, кўм-кўк қишлоқса.  
Гоҳо илон каби буралар,  
Гоҳ бўлинар мингта ирмоққа.

Гоҳ қирғоқлар тўлади лиққа,  
Қирқ пуд тошини чир айлантирас.  
Гоҳо тушиб кетар жарликка,  
Гоҳ шаршара бўлиб ҳайқирап.

Бу мисраларда ортиқча ҳашам, дабдаба, мураккаблик йўқ. Оддийгина, самимий айтилган сўзларда сокин далалар жимлигини бузиб пишқириб оқаётган сойнинг ҳаракати, гўзаллиги жонли, табиий акс этган. У ўқувчидаги яхши кайфият уйғотади.

«Асака (кейин «Колхоз чойхонаси» деб аталган) шеърида ҳам ана шундай тиниқ, жозибадор тасвирга дуч келамиз:

Колхоз тепасида тинмасдан  
Елиниади байроқ — қип-қизил.  
Ана, қатор уйлар,  
Мактаб ва клуб.  
Гул, гул, гул... уради дизель.  
Узун дала йўли,

Атроф кўм-кўк рўза,  
Мавж уради бир денгизсимон.  
Бўлганимисиз гўзал Асакада —  
Юлдузларга тўлганда осмон?

Юргаппениз кумуш жийдазорда?  
Жийда ҳиди ётгаңда аңқиб.  
Итгаппениз Асаканинг сувини?  
Оққашада сойлар тишкаб.

Биринчи банд урушдан кейинги илғор қишлоқларимизга хос типик манзараларни кўз ўнгимизда гавдалантиради. Кейинги бандлар эса чинакамига шонронга завқ, ҳиссият билан битилган. Миллий колорит, руҳ балқиб турган мисраларни ўқир эканмиз, юлдузларга тўла сокин кечалар нафаси вужудимизга ором бағишиллаётгандай, жийдазорнииг муаттар ҳидлари димогимизга урилиб, мааст қилаётгандай, тиниқ сувларни ҳовуч-ҳовуч ичиб, роҳатлашаётгандай туюла бошлайди. Шонир ўз кечинималарини ўқувчига юқтириши учун жуда содда, қулай восита топган. У бевосита манзарани чизиб бермайди, балки қатор саволлар билан ўқувчига мурожаат қиласди. Бу сўроқлар ортидаги тасвир эса хаёлимизни олис-олисларга стаклаб кетганини сезмай ҳам қоламиз.

Мирмуҳсин табиат манзараларини ана шундай шонронга акс эттириш ва шу орқали ўқувчига маълум эмоция қўзгатиб, ҳис-туйғуларини уйготиш билан чекланниб қолмайди. Унинг шеърларида жонланган қишлоқ табиатининг такрорланмас гўзал кўринишлари шеърнинг «дебочаси», ёрдамчи фон, холос. Шоирининг асосий диққат-эътибори табиатга сайқал бериб жилолашиб тирадётган, қишилоқлар жамолини, она юрт қиёфасини ҳалол меҳнати билан ўзгартираётган оддий кишиларининг олижаноб фазилатларини, меҳнат жасоратларини улуглашга қаратилган. Жумладан, «Колхозда ГЭС» шеърида ҳам ана шундай одамлар гайрати кўтариники руҳ, публицистик жўшқинлик билан ҳаётий чизиб беради.

Партия XX съездидан кейин мамлакатимиз ҳаётида ва шу жумладан адабий ҳаракатчиликда рўй берган

жиддий олга сиљишилар ва ижобий ўзгаришлар барча совет ёзувчилари сингари Мирмуҳсин ижодига ҳам са-марали таъсир кўрсатди. Унинг бу даврда яратган асар-ларида бошқа ижодкорларда кўрингани каби ҳаёт қат-ламларига янада теран назар солиши, инсон қалбидаги мураккаб ва ранг-барага қирраларни турли бўёкларда кўрсатишга интилиш, реалистик принципларга изчил амал қилини каби фазилатлар кучайиб борди. У ҳаёт-нинг кең маизараларини, одамлариниғ мураккаб тақ-дирларини ҳаққоний гавзалаптиришинга интилар экан, гоҳ селдек ёғилгани туйгуларини шеърга солса, гоҳо фикр кепгликини, эпикликкини тақозо этганида, баллада ва достонга, насрга кўплаб мурожаат этди.

Мирмуҳсинининг кейинги йиллар лирикасида ҳаётни, она юрт гўзалликларини куйлаш, умр мазмунин ҳақида фалсафий ўйларга берилиш, маънавий софлик, олижа-ноблик, эзгулик ҳақида мушоҳада юритини каби хусу-сиятлар бўртиб кўринади.

Шоирининг она юрт ва унинг фидойи одамлари тас-вирига багишлисанга кейинги йиллардаги шеърларида ҳам соддалик ва эпикликка интилиш чамбарчас қўши-либ кетганини кўрамиз. У ўлкамиз гўзалликларини («Она юртга атаб», «Чирчиқ суви», «Бўстонлиқ», «Сўн-маслик», «Паҳлавон»), замондошлиаримизнинг маънавий дунёсини («Соҳибкор», «Ишчилар», «Дунёнинг қалби», «Она», «Хола ва бола») акс эттиришга катта эътибор беради. У фикрини қиёсий образларда ифодалашни яхши кўради. Қалб туйгуларни ўз табиий оқимида, жўшқин-лигида қоғозга кўчиринига катта эътибор беради ва аксари ҳолларда бунига муваффақ бўлади. Масалан, «Чирчиқ суви» шеърида шоир туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган ўлкага муҳаббат ҳисларини назмга со-лар экан, мадҳия айтиш, қуруқ таъриф-тавсиф ўқиш йўлидан бормайди. У яна содда тасвирга интилади. Ҷаҳонлиф бошқа ўлкаларда бўлганда « биллурий қа-даҳларда» ширини сувларини, «лим-лим гулоблар»ни

ичганини, баъзан чашмалар ташналигини қондирганини сўзлайди. Лекин буларнинг барчаси «тот ҳидин берувчи», «нон таъми» анқиб турувчи «муздек, сал лойқа» Чирчиқ сувига — она диёридан оқувчи дарё сувига ҳеч қачон teng келмайди. Шоир:

Узоқдан келаману  
Иўл қурумин артмасдан,  
Пиёлани тўлдириб,  
Муздек ичаман, шу дам  
Йўқолади тамоман  
Чарчаш ҳам, ташналик ҳам,—

деб ёзар экан, бу самимий айтилган дил изҳорида она юрга беқиёс муҳаббат ҳислари уфуриб турганлигини яққол ҳис қиласиз. Шеърнинг соддалиги, туйғуларнинг илиқ, қалбга яқин бир тарзда ифодалангандиги шоир ҳаяжонларини юрагимизга осонгина кўчиргандек туюлади.

Шоир «Бўстонлиқ» шеърида «Чимён тогларининг бағрида» жойлашгани гўзал Бўстонлиқни «юз Венеция»-дан кўра афзал эканлиги ҳақида фахрланиб сўзлайди. У кўтаринки руҳ билан битилган жонли образлар ёрдамида бу масканинг тенгсиз табиати, кўрки, жамолини кўз ўнгимизда шоирона намоён этади:

Сен баланд тогларининг эрка қизисан,  
Кўкламда лоладан юз қирмизисан,  
Сўлим адирларнинг оқ қимизисан,  
Гўзаллик деганинг худди ўзисан,  
Эй, бизнинг оромбхаш, дўидик Бўстонлиқ!

Бу ҳароратли сатрларда тоғли ўлканнинг бетакорр табиати тасвири шоирнинг ўз юртига бўлган қайноқ муҳаббат ҳислари билан омихта бўлиб кетгани бирон сўз айтилмаса ҳам сезилиб туради.

Мирмуҳсиннинг замондошлиаримиз — бунёдкор ин-

сонларнинг маънавий дунёси, ўй-кечинмалари, руҳий оламини акс эттирувчи шеърлари жуда ранг-бараанг. Уларда коммунистик эътиқод билан қалби нурланиб яшовчи, олижаноб, инсонпарвар бугунги совет кишиларига хос ички кечинмалар, башарий ўйлар, оддий ҳаётий қундалик ташвишлар турли бўёқларда, турли пардаларда куйланади. Шоирнинг лирик қаҳрамони шу бугуннинг ҳавосидан баҳраманд бўлган, меҳнат ва ижод иштиёқи қонида жўш урган фаол инсон сифатида кўз ўнгимиизда гавдаланади. У афсоналарда айтилганидек, обиҳаёт ичиб, минг йил яшашдан кўра, оддий бир инсоний умр кечиришни афзал деб билади. Унинг эътиқоди:

Инсоний бўлмаган ҳамма нарса ёт.

Ишлаб яшамоқлик — умрлик ғоя.

Одамий бўлган-чун мазмунли ҳаёт.

Ҳалол меҳнат билан яшамоқлик, одамийликка эришмоқликни жуда катта баҳт, деб англай олиш ҳисси олижанобликнинг, маънавий етуклиknинг юксак белгиларидан бири. Мазкур шеърнинг лирик қаҳрамони бундай фазилатларни ўзида жамлагани учун ўқувчи хайрхоҳлигига сазовор бўлади. У бир инсоний умрни орзу қилас, уни эзгу ишларга бағишлишни, ўзидан яхши ном қолдиришни асосий мақсад деб билади. Бу қаҳрамон ҳаётнинг моддий эканлигини, вақти келиб ўзи ҳам унга қўшилиб кетажаклигини яхши англайди. Бу ҳолат унда пессимистик кайфиятлар уйғотмайди, балки материалист сифатида теран тафаккур юритишига йўл очиб беради. У:

Узлигинг яралган моддий олам-ла

Қўшилиш, баъзида қордек сарафroz

Далаларга қўниш, ёмғирда ёғиши...

Яна кўклам келиб, бир барг ёзамиз,

Фарзандлар қўзи-ла кўрамиз юртни,—

деб қаттиқ ишонади. Инсоний умрнинг мазмуни ва мөҳияти ҳақида мана шундай фалсафий ҳаётбахш ўйларга берилган шоир шеърнинг хуносаси сифатида:

Совуқ минг йилларни кечирсан зоғлар,  
Бизга бир инсоний умр кифоя!—

дея ўз ҳаётий кредосини яна бир карра тақоролайди. Шоир бошқа бир шеърида («Дунёнинг қалби»): «Бу азим куррамизнинг кўксидаги қалби борми? Бор бўлса, ҳаёт бериб айлантириб турган ким?»— деган саволни кўяди. Адибнинг бу саводга жавоби ҳалол меҳнати билан ер юзини жаннатга айлантираётган олижаноб одамлар шаънига мадҳиядек жараглайди. Шоир назарида ер юзига ҳаёт бахш этиб турган одамлар мана булардир:

Улар биз — вагранкалар ёнида терлаганлар!  
Улар — биз — қурувчилар, семиз жаноблар эмас!  
Улар — биз — қадоқ қўллар, чарчамас темир ташлар,  
Биз бўлмасак бу улкан ер куррамиз айланмас.

Шоир меҳнаткаш инсон ҳақида катта меҳр ва ҳурмат билан ганиради. Унинг портретини чизгандаги ҳам оддийлиги, камтаринлиги, маънавий поклигига алоҳида эътибор беради ва қалбга яқин мисралар тизади:

Оддийгина костюм ичра тенадек сийна турар,  
Мускуллари ўйнаб чиққан саичадек, қўллар қадоқ...  
Улар кўпирик, турар-жойлар, ажиб саройлар қуар,  
Шахталарда қораюр қалблар паҳтадан оппоқ.

(«Ишчилар шетри»)

Кўрамизки, бу ҳар қандай безак ва дабдабадан холи мисраларда ишчининг жонли сиймоси — меҳнатсеварлиги, оддийлиги ва оқкўнгиллиги яхши очилган. Ишчи

қалбини пахтанинг оқлиги ва юмшоқлигига ўхшатилини шеърдаги эмоцияни ошириш билан бирга ундаги милларий колоритни кучайтиради. «Соҳибкор» шеърида ҳам меҳнат кишинининг образи катта меҳр билан тасвирланганини кўрамиз.

Мирмуҳсинининг иисон маънавияти ҳақидаги шеърларида яққол кўзга ташланадиган муҳим бир фазилат шуки, уларда шоир шахсияти аниқ намоён бўлиб бўртиб кўриниб туради. У яхши одамларининг хиселатлари ҳақида ганирганда ёки айрим кинилардаги мавжуд иллатлар ва нуқсоиларни қоралаганда уларга иисбатан ўз муносабатини очиқ билдиради. У шеърини ортиқча муракқаблантириб юборишдан қочиш билан бирга ҳукм-холосани ўқувчининг ўзига ҳавола қилини билан шеърни якунлаш усулини ҳам унфа хуш кўрмайди. Унинг айтмоқчи бўлған гапи ҳамма вақт аниқ ва ҳар бир миера, образ, сўздан очиқ-равшан англанилиб туради. У юқорида тилга олинган «Ишчилар» шеърини якунлар экан, ўзининг юрак сўзларини шундай баён этади:

Мен уларнинг ҳар бирiga бир ҳайкал қўяр эдим,  
Багишлардим йиллар ёзган... ҳар бирiga бир китоб.  
Иисоний тасвирини мармарга ўяр эдим,  
Бу одамлар ҳар бирининг сийнасида бор офтоб.

Бу самимий айтилган мисралар биринчи иавбатда яхши одамларни ҳар қанча улугласак ҳам кам эканлигини таъкидлаяти, албатта. Шу билан бирга бу ўриида яна бир фазилат — шоир эстетик принципларининг янги бир қирраси ҳам яққол намоён бўлиб турибди. «Сийнасига офтобни яширган» ажойиб одамларни улуғлаш, мадҳ қилиш ҳақиқий ижодкорнинг муқаддас бурчидир. Шоир буни дил-дилдан ҳис қиласи ва ҳар бир янги шеърда бундай одамларга хос иисоний улугворликни жўшиб куйлаётганлигидан фахрланади. У кейиниги йилларда яратилган бир қанча шеърларида

(«Ақл турғаңда исчүи», «Зарра ҳақида», «Қалб ва қалам», «Юракни сийнадан ажратиб бўлмас», «Маяковский биз билан», «Дала ташна шоир меҳрига», «Тонгни қутлаб» ва ҳоказо) ижодкорнинг гражданлик бурчи ва эл-юрт, китобхон олдидаги масъулияти ҳақидағи эстетик қарашларини маълум даражада ифодалашга ҳарарат қилади. Бундай шеърларда ҳам биз давр билан ҳамқадам бораётган илгор замондошимизга хос ўй-кечималарини, шеърнинг вазифаси ва шоирнинг фазилатига доир поэтик мушоҳадаларни учратамиз. Мирмуҳсин «Тонгни қутлаб» шеърида бу ҳақда катта самимият билан ёзар экан:

«Халқа хизмат қилиш қалбдаги дардим»,— деб очиқ эътироф этади. Бу мисралар катта гражданлик туйгулари, ўйлари билан яшаган шоирнинг дил изҳори, эътиқоди сифатида жаранглайди.

Шоир асарлари билан халқа хизмат қилиш осон иш эмаслигини ҳам чуқур ҳис этади. Бунинг учун минглаб одамларнинг дарду ташвишларини юракда ташиши, ҳамиша у билан бирга бўлиш, бирга куюниш, бирга ёниш лозим. Бундан ташқари халқ ҳаётини чуқур ўрганиш ҳам керак. Мирмуҳсин «Юракни сийнадан ажратиб бўлмас» шеърида ўз ижоди она халқи, эл-юрти билан чамбарчас бўлиб кетгани ҳақида қалб сўзларини қуйидагича самимий изҳор этади:

Элидан ажралган ижод қурйди,  
Бизни узиб бўлмас бу она элдан.  
Биз кучу қувватни, илҳом, омадни,  
Бахтимизни топдик мардона элдан.

Шоир ҳақ. Элидан, халқидан холи бўлган ижодкор ҳеч қачон узоққа бора олмайди. Шоир бу эътиқодни баён этиш билан ижодкор сифатида ҳамиша халқчиллик ва партиявийлик позициясида мустаҳкам турғанигини ҳам эътироф этади. Бундан ташқари ижод ҳақида

мулоҳаза юритиш ва юқоридаги фикрларни изҳор этиш учун ижодкорнинг ўзида катта маънавий масъулият ва амалий тажриба бўлиши лозим. У маълум хизматларни қилиб қўйиб, эл-юрт олқишини қозонган тақдирдагина санъаткорнинг бурчи, гражданлик вазифаси ҳақида ўзгаларга сабоқ бериши мумкин. Мирмуҳсиннинг шоир ва адид сифатида қирқ йил ичидаги яратган кўплаб асарларини талабчан китобхонлар эъзозлаб келётганлиги бунга тўла маънавий ҳуқуқ беради.

Шоир ҳаёт билан, замондошлари билан бир сафда қадам ташлаб, давр кўндаланг қўйган маънавий-ахлоқий, ижтимоий масалаларни қаламга олар экан, биринчи навбатда инсоннинг қалбига теран назар солиш лозимлигини (бошқачароқ қилиб айтсан, адабиёт — инсоншунослик эканини) доимо ёдда тутади. Адабиётнинг азалий вазифасининг ўзи инсон юрагини тадқиқ этишни тақозо қиласди. Шунинг учун адид: «Осмонда чақмоқдек ялт этиб сўнмай, говвосдек дур изла қалб денгизидан!»— деб таъкидлайди. («Юракни сийнадан ажратиб бўлмас» шеърида.) Шоир бу гапларни шунчаки ўзини намойиш қилиш, мақтаниш учун айтмайди. Унинг кейинги йилларда шеъриятга синчиклаб назар солган киши инсон қалбидаги қатламлар, ҳаётдаги нур ва соялар анча кенг тадқиқ этилганини, у ҳақиқатан ҳам «қалб денгизидан» кўплаб дур излаб топа олганини яққол кўради.

Мирмуҳсин ижодкорнинг маънавий фазилатларига, унинг ростгўйлиги, ҳалоллигига ҳам катта эътибор беради. Шоир ўз даврининг фарзанди экан, у юксак хислатлар эгаси бўлиши, ҳамиша ҳақиқатни куйлаши, ўз ҳаёти ва ижоди билан ҳаммага намуна бўлиши шарт. Унинг ёлғон сўзлашга, ҳаётни бўяб-бежаб кўрсатишга ҳаққи йўқ. Зеро:

Ҳақиқатан узоқ, қуруқ мақтов, назм,  
Қаҳатчилик элда қурилган бир базм.

(«Иккиликлар»)

Рост сўзлаш, ижод ва ҳаётда ҳалол яшаш—санъаткорнинг юксак гражданлик бурчидир. Бу хусусда шоир «Дала ташна шоир меҳрига» шеърида батафсил сўзлайди. Унда икки хил тоифа ижодкорлар устида гап боради. Оташ саратон авжига чиққан палла. Фўзалар гуркираб усмоқда. Шоир ажойиб жоплантириш воситасида пахта даласини кўз олдимизда гавдалантиради. У гўза ишхолини мурғак гўдакка ўхшатади:

Ғўза ўсар, тўплар куч ва қон,  
Ташлаб кетиб бўлмайди уни —  
Чақалоқдек чақиран йиғлаб.  
Кўрмоқ керак уни ҳар куни,  
Сув берамиз, қақрамасин лаб.

Бу банд катта самимият билан битилганини исботлашга ҳожат бўлмаса керак. Паҳтакор меҳнатининг заҳматини юракдан ҳис қилган одамгина ана шундай фикр юритади ва меҳр билан қалам тебратади. Лекин гап бунда эмас. Шоир ана шундай долзарб пайтларда — «саратон деҳқон билан... ошна» бўлган дамларда «Дала шоир меҳрига ташна» эканлигини айтади. Ҳақиқий ижодкорлар мана шундай синов пайтларида деҳқонни ёлғиз ташлаб кетмайди, унинг ҳолидан хабар олиб, шеъри билан, ширин сўзи билан мадад бериб, ишига кўмаклашади. Аммо афсуски, шундай шоирлар ҳам борки, улар кўкламда — табиат яшнаганда далада бир кўриниб қўядилар. «Биргамиз деб паҳтакор билан» оғизда гап сотиб, лоф урадилару амалий ишга келганда, ёз иссигидан кочиб, соя-салқин жойларга ўзларини урадилар, ором излаб денгиз бўйларига секингина қочиб қоладилар. Шоир бундайларни қаттиқ ҳажв қиласди ва иши билан сўзи бир бўлмаган кимсалар устидан аччиқ кулади. У истеҳзо билан ёзади:

Кунлар келар, эй деҳқон бобо,  
Пишиб қолар қовун-тарвузинг.

Адиб дўстлар келиб қолади,  
Мадҳ этилар юзинг, юлдузинг...

Бундай вақтда улар яна минбарга чиқиб шеър ўқишдан уялиб ўтирамайдилар... Мирмуҳсин ана шундай «тайёрга — айёр» бўлиб юрадиган бебурд шоирларин «ҳашаротлар» деб атайди. Уларнинг кирдикорлари санъаткор номини қадрсизлантираётганидан афсуслаиди.

Инсон ақл-заковати бугунги кунда қудратли техника, автоматлар системасини бунёд этди. У ер шарини чаманзорга айлантириб, олис юлдузлар бағрига қўй узатмоқда. Унинг куч-қудратига, тафаккурининг чексизлигига ниҳоя йўқ. Лекин барибир, у ҳар қанча буюк қудрат эгаси бўлмасин, оддий инсон, она-ернинг жажжи фарзанди. У азал-азалдан бери келаётган инсоний хислатлар билан яшайди. Севади, севилади, меҳнат қиласи, курашади, улуғ ишларни бунёд этади. Унинг қудрати ва ақл-заковати билан бунёд этилган барча техника мўъжизалари «оддий иш қуроли», холос. Шонир «Іоз йилдан сўнг...» шеърида инсондаги бу ноёб табиий хислатларини жўшқинлик билан назм тилига кўчирар экан, чуқур фалсафий ўйларга берилади ва одамдаги юксак маънавий фазилатларни улуғлайди:

Фалакка учасиз ва лекин оддий  
Оила, оқибат, севги яшайди.  
Инсон — робот эмас, инсонликча қолар,  
Еринг исъматини қувнаб ошайди.  
Сингхапазетрон, Атом, Антимир,  
Реакторлар... булар оддий иш қурол.  
Барибир қардошлиқ, садоқат, умр,  
Ватан туйгулари абадий бўлар!

«Инсон — робот эмас, инсонликча қолар». Бу тезис шеърнинг бошидан охиригача ўтиб, ривожланиб бора

ди. (Бу фалсафий гоя Мирмуҳсининг бошқа жуда кўп шеърларига ҳам ҳарорат бериб турганини кўриш қийин эмас.) Дарҳақиқат, инсон курашлар, ташвишлар, изла-нишлар билан умрини ўтказади. Вақт-соати етгач, бу дунё билан хайрлашиб, моддий оламга қўшилиб кетади. Унинг ишларини янги авлодлар давом эттирадилар. Улар ҳам оила қурадилар, фарзандларини оталар удумига садоқат руҳида тарбиялайдилар, улуғвор ишларни, тенги йўқ кашфиётларин амалга оширадилар ва ниҳоят ҳаёт эстафетасини янги наслларга, ишончли қўлларга тонширадилар. Бу узлуксиз ҳол токи Ер шари Қўёш атрофида чарх уриб айланар экан, абадий давом этаверади. Ҳаётнииг абадийлигини, оламнииг моддийлигини мана шундай фалсафий идрок этиш буюк шоирлар ижодида асрлар оша яшаб келган эди. Бадий ижоддек муқаддас ишга умрини баҳш этган ва ўзига яраша камтарона меҳнати билан халқига, Батанига муносаб хизмат қила олган Мирмуҳсин ҳам ўз замондошлари билан бир сафда бориб, бу поэтик анъанияни давом эттиради. У умр ва олам ҳақидаги фикрлари, қарашларини баён этар экан, ўзига хос тарзда шоирона хәёлларга берилади. Мана, унинг качик бир зарра ҳақидаги мушоҳадалари:

Мен бир зэрраман, кичик, лекин ҳеч йўқолмайман,  
Баъзан учиниб, ёзаман булутлар қатрасида.  
Баъзан шамол — чопаман, силиб асло тојмайман,  
Баъзан борман боддаги гулларининг атир исида.

Кўтарики руҳ билан битилган бу мисраларда олам-нинг моддийлигини шоирона англаш ва теран ўйлар, тафаккур учқурлиги ёрқин кўриниб турибди. Оламини мана шундай фалсафий идрок қилини ва оптимистик ниятлар билан яшаш, халқ билан, она юрт билан, борлик мавжудот билан ўзини ҳамиша биргаликда ҳис

Қилиш ҳамда бу ҳисдан мамиунлигини шодон англатат олишга мушарраф бўлиш ижодкорнииг бахтидир.

Мирмуҳсин шеърлари мавзу жиҳатидан ранг-бараанг эканини юқорида айтган эдик. У она юртимизни, заҳматкаш одамларни, дўстлик, қардошлик ғояларини илгари сурувчи, партия ва Ватан шаънини улуғловчи асарлар ҳамда чуқур пафос билан йўғрилган сиёсий мавзудаги публицистик шеърлар яратнии билан бирга у севги, садоқат түйғуларини куйловчи лирик мисралар ҳам ижод этади. Шоирнииг «Вафо ҳақида», «Ховуз бўйидаги супа», «Бўз бола эдим», «Биттагина сўз учун келдим атай», «Совуқлик ҳақида», «Севиб», «Севги нима?» каби бир туркум шеърларида инсон ҳаётининг ноёб гавҳари бўлган ишқ-муҳаббат жуда самимий бўёкларда акс этади. Маънавий софлик, вафо, садоқат, олижаноблик каби юксак инсоний хислатлар мазкур шеърларнииг етакчи гояснин ташкил этади. Адабнинг бу сирага киравчи шеърлари ўқувчилар ва адабий танқидчилик томонидан яхши қаршиланган. Жўмладан, Ф. Насриддинов бу ҳақда: «Мирмуҳсин лирикасида муҳаббат мавзуи унинг кейинги давр ижодида ҳам ҳамиша ҳамроҳ бўлиб боради. У севгининг инсон қалбига шодлик ва қувоҷ олиб киравчии бахтили онларини тараннум этувчи ғоят ўйноқи ва ихчам мисралар тиза бошлайди»,— деб ёзади ва шоирнииг бир қанча шеърларини дуруст таҳлил қилиб беради. (Ф. Насриддинов, Мирмуҳсин, Адабий портрет, 25—26- бетлар).

Мирмуҳсин поэзиясининг катта бир қисмини ҳажвий шеърлар ташкил этади. Шоир турмушда учровчи турли иллатлар, эскилил сарқитлари устидан қаттиқ кулади. Айрим маънавий тубан одамларнииг бемаъни кирдикорлари, ёмон хатти-ҳаракатларини аёвсиз фош этади. Унинг «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ...», «Бўтажон нега семириб кетди?», «Тайёр гаплар кўп халтада», «Сатанг», «Эзма» сингари бир қурум шеърлари ана

шу сирага киради. Уларда ҳам биз шоирнинг аниқ партияйи позицияда мустаҳкам турган ҳолда ҳаётда учрайдиган иллатларини муросасизлик билан очиб берганини кўрамиз. Бу эса шоир асарларининг катта тарбиявий аҳамиятидан далолат беради.

Мирмуҳсин кейинги йилларда кўпроқ наерда қалам тебратеа-да, шеъриятдан кўнгил узганий йўқ. Унинг «Широқ» (1967) ва «Тонгин қутлаб» (1971) тўпламларига кирган шеърларида замонавий руҳ яида кучайтани, давр ва одамлар ҳақида, умр мазмуни ҳақида фалсафий ўйларга берилиши устуслик қиласётгани яққол сезилади. Айниқса, «Ильичга боқиб...», «Яна багишлардим», «Реквием», «Зилзила», «Тонгин қутлаб», «Юз йилдан сўнг», «Ер айланади», «Бизнинг фалсафа» каби самимият билан ёзилган бир қатор шеърларда юқоридаги хиселат кучли.

Мирмуҳсенининг кейинги йиллар шеърияти таққидчиликда ҳам яхши баҳоланди. Биз бу хусуседа биргина кўчирма келтириш билан киғояланамиз. Салоҳиддин Мамажонов шундай ёзди: «Шоирнинг «Тонгин қутлаб» номли янги шеърий китобида янгича руҳ ва кайфият мавжуд. Тўпламда «Бобо най» деган шеър бор. Шоирнинг ҳозирги эстетик мавқеини тайинлаш жиҳатидан бу шеърий асос қилиб олиш мумкин. У найга қараб: «Сен менинг қўлимдасан», дейди. Тонгда чалинган найни тинглаганингизда юрагингиз енгил тортади, хаёл огунига берилиб, узоқ-узоқларга парвоз этасиз. Мирмуҳсенининг янги шеърларида мана шундай типиқлик, хаёлкашлик, эртаиги оламга парвоз этиш руҳи ётади». («Раинглар ва оҳанглар» тўплами, 1978 йил, 36—37-бет.)

Мирмуҳсин яратган кўплаб шеърий асарлар рус китобхонларининг ҳам маънавий мулкига айланган. Турли йиллар давомида Москвада адабининг «Ферганская весна», «Стихотворения и поэмы», «Лирические строки», «Возвращение в жизнь», «Мастер Гияс», «Не-

угасимость» каби шеърий тўпламлари босилди ва илиқ қаршилаиди. Айниқса, 1959 йилда Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси пайтида ўтказилган муҳокамада кўпгина атоқли адиллар ва танқидчилар шоир шеърлари ҳакида самимий фикр билдирилар. Кейинчалик «Маҳорат мактаби»<sup>1</sup> деб номланган тўпламга жамланган ана шу материаллардан айримларини кўриб ўтайлик. Адиг С. В. Смирнов шундай ёзди: «Менга Мирмуҳсиннинг «Лирик мисралар» китоби жуда ёқади... Мирмуҳсинни акварель бўёқлар билан лавҳалар чизиб беролган шонир сифатида кўриш менга жуда ёқди. Бу лавҳалар бизга узумзорлари, кумуш булоқлари, қуёш ҳароратига тўлиқ сахий қалби билан кишиларга қучоқ очувчи Ўзбекистон манзараларини акс эттиради» (94-бет).

Танқидчи ва шоир Л. Озеров эса: «У сўз билан манзара чизади, шунинг учун ҳам китобхон ундан мишинадор бўлади» (106-бет),— деб таъкидлайди.

Тўпламга кирган В. Тушнова, И. Гринберг, В. Инбер каби шоир ва танқидчиларининг мақола ҳамда нутқларида ҳам Мирмуҳсин шеърлари муносиб баҳолаинган. Булар адабининг ҳалол меҳнатлари, изланишлари беҳуда кетмаганилигини яна бир карра исботлайди.

Катта ниятлар, олижаноб туйғулар билан халқ баҳт-саодати йўлида туиларни тонгга улаб ижод этган адиг камтарларлик билан ўз ҳаётни ва шеърларини бир кичик заррага ўхшатган эди:

Мен — зарра, йўқолмайман, томирларда чопгайман,  
Мисраларим — қон томир юртимнинг боғларида,  
Бу томирлар узилмас — бирни биринга пайланад,  
У доим тирик турар элим қучоғларида.

<sup>1</sup> Маҳорат мактаби. Ўздавнашр, Т., 1962.

Кўрамизки, шоир ҳалқ ҳаёти билан мустаҳкам боғлангани ва унга садоқат билан хизмат қилгани ҳақида шоирона гап айтган. У ҳақ. Яхши ният билан ёзилган самимий мисралар, самимий шеърлар қон томирлари-дек одамлар юрагига ҳарорат оқизиб, эзгулик йўлида бундан кейин ҳам хизмат қилишига, ардоқланишига шубҳа йўқ.

#### ДЎМБИРАМНИНГ ПАРДАЛАРИ СОДДА

Мирмуҳсининг истеъоди эпикликка, ҳаётининг кенг кўлами манзараларини чизишга кўпроқ мойил. Шунинг учун ҳам у йирик шеърий асарларга дадил қўл уриб, замонавий ва тарихий мавзуларда бир қанча балладалар, достонлар ҳамда бир шеърий роман яратди. Шоирнинг дастлабки йирик асарлари — «Қизил олма» балладаси ва «Қамар» достони урушдан аввалги йилларда эълон қилингандай эди. Романтик руҳ билан сугорилган шу шеърий асарларда ҳали шоирнинг мустақил овозидан кўра адабий таъсиirlарнинг кучи кўпроқ сезилиб турарди. Буни шоирнинг ўзи ҳам эътироф этиб: «Менинг дастлабки поэмам «Қамар» бевосита Пушкин асарлари таъсрида ёзилган», — деган эди. «Қизил олма» балладаси эса М. Ю. Лермонтов ижодига назира тарзида яратилган эди. Шундай бўлса-да, бу баллада ва достонда ёш шоирнинг иқтидори, ҳаётни, одамларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда ички кечинмаларини турмушдан олинган деталлар, эсда қоладиган лавҳалар воситасида тасвиrlай олини маҳорати юз кўрсата бошлигаи эди. Жумладан, «Қизил олма» балладасида зўрлик билан хон саройига келтирилган соҳибжамол қизининг қалбида кечачётган алам-изтироблар тасвири ҳаётий чиққан. Мана, тутқунликдаги қизнинг юрагини ёндираётган аччиқ хотиралардан бири:

Шунда мени парвонам бўлган,  
Онам шўрлик сочини юлди,

Лекин кампир — бечора опам,  
Отлар туёғида яңчилди...

Айрим тақрорланган сўзлар, ортиқча сифатлаш мавжудлигига қарамай, бу парча ҳаётий ва таъсири чиққан. Шоир тасвиrlамоқчи бўлган лавҳа кўз ўнгимизла расмда кўрингандек, аниқ намоён бўлиб туради.

«Қамар» достонида ҳам ана шундай аниқ чизгила-ри билан яққол гавдаланадиган шеърий парчалар кўп. Ўндаги номуси тоиталган содда камбағал қиз Қамар, хонининг шафқатсиз, маккор ўғли ҳамда камбағал ямоқчи чол образлари анча маҳорат билан тасвиrlанган. Лекин ҳар икки асарда ҳаётнинг кенг кўламли маңзаралари ва зиддиятларини кўрмаймиз. «Қизил олма» ва «Қамар»ни маълум даражада Мирмуҳсиннинг кейинги йилларда яратган йирик шеърий асарлари учун тайёргарлик, машқ деб баҳоласа бўлади. Ана шу машқлар ва ижодий машаққатлар, ҳаётни синчковлик билан ўрганини иатижасида шонрга катта шухраг келтирган «Уста Гиёс» достони дунёга келди.

Ўзбек шеърияти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган бу йирик шеърий асар ҳақида кўплаб салмоқли мақолалар ёзилган. Урушдан кейинги йилларда чоп этилган газета ва журнallарни варақлаб кўрсангиз, бу достон ҳақида Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор каби атоқли ёзувчи ва шоирлар самимий фикрлар билдирганига гувоҳ бўласиз. Айрим тақризлар ва проблематик мақолалардан ташқари, биргина «Шарқ юлдузи» журналида Шароф Рашидовнинг «Яиги ижодий итилишишиг тўнгич мева-си» (1947 йил, 8-сон), Абдураҳмон Алимуҳамедовнинг «Уста Гиёс» ҳақида баъзи мулоҳазалар» (1948 йил, 1-сон) номли икки йирик мақола босилиб чиққанлиги фактининг ҳамда, академик Т. Н. Қори Ниёзийнинг «Совет Ўзбекистони маданияти тарихи очерклари» (1955) китобида билдирилган самимий фикрлари бу

ла  
ш-  
са  
де  
бу  
ш:

кү  
уч  
за  
ла  
ни  
ла  
эъ  
шу  
да  
ту  
ни  
ас  
ма  
та  
ва  
ни  
ту  
во  
ла  
зў  
қи  
ҳа  
ён

асарнинг ўша давр адабий ҳаракатчилигидаги роли ва аҳамияти тўғрисида яхши тасаввур беради.

Кейинги йилларда Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Нуриддин Шукуров, Саъдулла Мирзаев ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий-танқидий асарларида ҳамда Ф. Насриддиновнинг «Мирмуҳсин» китобчасида ҳам бу асар кенг тадқиқ этилган. Алибини йирик шеърий асар яратишга ундаган ва муваффақиятни таъминлаган омил биринчи навбатда, шоириниг эпик таевирга мойил бўлган иетеъоди билан бояниш, албатта. Бевосита шоир шахсиятига алоқадор яна бир ички омил — адабининг бой адабий меросимизга бўлган оташин муҳаббатидан келиб чиқади. Бу ҳақда Мирмуҳсиннинг ўзи шундай ёзади: «Халқимиз бадий адабиётимизнинг бошқа шаклдаги асарлари билан бир қаторда қадимдан достон ўқиши ва тинглашни севади. Ёзма ёки оғзаки достонларимиз халқ ичидан кенг тарқалгани ҳаммага маълум. Мен ҳам ана шу улуг аиъсанага ҳавас билан қараб, достон жаҳрини жуда севдим». («Тайландга асарлар», 2 том, Тошкент, 1971, 4- бет.) Мана шу ҳавас, ички бир зарурат, иштиёқ шоирни катта мақсадлар сари илҳомлантириди. Бу очиқ эътироғининг ёнига ҳаётни ўрганиш ва урушдан кейинги совет поэзиясида катта роль ўйнаган А. Твардовский, М. Исаковский каби машҳур шоирлардан бевосита таъсир ва илҳом олишини ҳам қўшсак, адаб ижодига қувват берган ички ва ташки омиллар «сири»ни бир қалар англаб стамиз.

«Уста Гиёс» достонида шоир қўлга киритган ютуқлар нималардан иборат? Унишг шу даврдаги бошқа асарлардан фарқ қиласидан қандай фазилатлари бор?

Мақсадд Шайхзода 1947 йилда ёзилган «Шеъrimизнинг йўли ва янги куйчилари ҳақида» мақоласида ёзади: «Мирмуҳсиннинг сўнгги достони — «Уста Гиёс» умуман ўзбек совет поэзиясида ютуқ деб ҳисобланишга лойиқлар. Шоир романтик достончилик қоидаларига

қарши ўлароқ, бу ерда совет колхози турмушининг оддий ва тиник бир характерини очиб беришга уринади. Достоннинг асосий фазилати — оддий совет кишисининг эл ва юрга учун, кўпчилик ва давлат учун гамхўрлик еб курашувини асосий мавзу қилиб олишдан иборат». («Қизил Узбекистон» газетаси, 1947, 9 август.)

Юқорида урушдан кейинги йиллар шеъриятида маътум нуқсанлар юз берганини айтиб ўтдик. Шеъриятнинг юксак парвоз этиши ва минглаб юракларда ўриануб, кўнгил муалкига айланishiiga халақит берәётган асосий иллатлардан бири баландпарвозлик, сохта дабдабабозлик ва юзакилик эди. Айниқса, бу ҳол ёш шоирлар ижодида бирмунча авж олганди. Ялтироқ сўзлар билан ҳастин бўяб кўрсатувчи асарлар турмушдан изоклиги учун уларга ўқувчи хайриҳоҳ бўлолмаеди.

А. Алимухамедов «Уста Гиёс» ҳақида баъзи мулоҳазалар» номли талант ва маҳорат билан ёзилган мақоласида шеъриятдаги мавжуд камчиликларнинг асл илдизларини очишга итилди ва ўз жиддий фикрларини, холисона қарашиларини ўртага ташлади. «Ёш шоиртаримизнинг кўичилиги,— деб ёзади у,— ҳали чинпакам шоир даражасига етган эмаслар. Уларнинг шеърларида нафхиябозлик, қасидачилик жуда катта ўрини тутади. Аксар шеърларда давримизда қилинаётган ишларнинг содда ва оддий тасвирини кўрмайсиз...» Танқидчи бу даъвосининг неботи учун «Шарқ юлдузи» журналида «Уста Гиёс» достони билан бир сонда босилган М. Бобоев, Шуҳрат, Ё. Мирза, Сайд Назар сингари шоиртарнинг шеърларидан парчалар келтиради ва холислик илан таҳлил этиб беради. У бадиий жиҳатдан заиф сарлар ҳақида: «Бу хилдаги шеърлар адабиётимизнинг кўрки, унинг ютуғи эмас, балки нуқсонидир»,— еб куюнчаклик билан гапирадики, буни шеъриятимизнинг савиясини юксалтириш йўлидаги гамхўрлик деб раҳоламоқ лозим. (Бу мулоҳазани шунинг учун айтапизки, мунаққиднинг мақоласида тўғри қўйилган ма-

салалар ва тезислар орадан бир йил ўтгач, асоссиз ра-  
вишда қаттиқ қораланди. Муаллифнинг ўзига эса но-  
тўгри муносабатда бўлинди. Олдинги бобда айтиб ўт-  
ганимиздек, бу ва шунга ўхшашиб кўплаб ҳодисалар шу  
давр адабий ҳаракатчилигида ҳукм сурган мураккаб  
вазият билан изоҳланади.) Мунаққид поэзиядаги юксак  
реалистик принципларини ҳимоя қиласар экан, чинакам  
баднийлик — соддалик ва оддийликда эканини тўғри  
таъкидлайди. У социалистик реализм принципларига  
қаттиқ суюнган ҳолда турмушни ҳаққоний тасвирилаш  
масаласига алоҳида ургу беради. «Эсдан чиқармаслик  
керакки, совет кишиси арzonбаҳо ташқи безакларга  
муҳтож эмас, жимжимадор сўзлар билан тўлган муҳо-  
камаларга унинг зорлиги ҳам йўқ. Унинг ҳаётни ва қи-  
лаётгани буюк ишларининг ҳаммаси соддалик ва кам-  
тарлик билан тўлиб-тошган, шу сабабли бу ҳаётни  
адабиётда ҳам шунингдек соддалик билан тасвир қил-  
моқ лозим», деб ёзди у.

Шу давр шеърияти (хусусан ёилар ижодига) ана  
шунидай жиҳдий талаблар билан ёндашган таққидчи Мирмуҳсенининг янги достоини бадний соддаликини  
яхши намунаси сифатида баҳолайди ва уни бошқа ёш  
ижодкорларга ибрат қилиб кўрсатишга интилади. «Уста  
Фиёс» поэмасининг энг катта хусусияти унинг содда-  
лигидир,— деб ёзди у.— Бу соддалик асарнинг бадний  
қийматини пасайтирадиган сохта соддалаштириш бўл-  
май, балки асарнинг ҳуснига ҳусн қўшадиган бадний  
соддалиқдир. Соддалик даставвал тилда, сўнгра асар-  
нинг тузилишида, қаҳрамонларнинг тавсифида, табнат  
манзараларининг тасвирида яққол кўринади. Мирмуҳ-  
сен бутун воқеаларни тўғри тасвир этишга уринади,  
уларни бўймайди, яъни асарнинг бошидан то охирига  
қадар шонр билан бирга ҳаракат қилган унинг бирдан-

<sup>1</sup> «Шарқ юлдузи» журнали, 1948, 1-сон, 109-бет.

бир ҳамроҳи — ҳақиқий ҳаёт, оддий тирикчилик, оддий одамнинг қилған оддий ишларидир». (Юқоридаги журнал, 111-бет.)

Демак, Мирмуҳсин асарининг адабий жамоатчиликка манзур бўлган биринчি фазилати — бадиий соддаликка эриша олганида кўринади. Шоир бу асарни яратишга киришар экан, турмушни, одамлар характери ва ўй-кечинмаларини ҳаётининг ўзида қандай бўлса, шундайлигича аниқ гавдалантириш вазифасини ўз олдига қўяди ва бунга тўла муваффақ бўлади. Достонда уруш йиллари ва тикланиш давридаги ҳаёт манзаралари ёрқин чизилган лавҳаларда жонли акс этган.

Даингал эътироф этиши керакки, шу даврда адабиёт турмушдан, воқеликдан бирмунча узоқлашиб, «оёғи ердан узилиб» қолган эди. Уни ҳаётга яқинлаштириш, «осмондан ерга қайтариб тушириш»да Мирмуҳсин бирмунча жонбозлик кўрсатдики, унинг шеъриятимиз олдидаги энг катта хизмати ана шу ўринда яққол кўзга ташланади.

«Уста Ниёс» ҳақидаги дастлабки йирик илмий мақола Шароф Рашидов қаламига мансуб. «Янги ижодий итилишининг тўғиҷ меваси» деб номланган бу мақолада адаб мазкур асарни атрофлича чуқур таҳлил этиб, шоир қўлга киритган ютуқларни, достондаги қатор фазилатларни батафсил кўрсатиб беради. У шонрининг воқеликни тасвирлашдаги эстетик принципларига, асарнинг ғоявий мазмунига, қаҳрамонларни тасвирлаш маҳоратига ва ишлатган бадиий воситаларига, тил хусусиятларига кенг тўхталади. Достондаги етакчи қаҳрамон Уста Ниёс образига хос характеристика мақолада айниқса яхши очилган. Адаб бу образни тавсиф этар экан, самимият билан шундай ёзади: «Шоир Мирмуҳсин Уста Ниёс образида меҳнатга, колхоз қурилишига, улуғ Ватанга содиқ бўлган оддий ўзбек деҳқонининг портретини чизиб беради. Бундай деҳқон пахтакор республикализмининг ҳар бир колхозида бор. Шунинг учун ҳам

Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс»ини ўқир экансиз, унинг бош қаҳрамони сизга таниш, юлдузи иссиқ, ҳурматингизга сазовор, азиз ва қадрдан бўлиб кўринади. Ўнга бўлган илиқ муҳаббат юрагингизнинг энг теран жойларидан ўрин олганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз».

Мақола бошидан-охиригача мана шундай илиқ, самий руҳда, шоирга иисбатан катта хайрхоҳлик билан ёзилган. Адиб достоннинг жанр хусусиятлари, композицион қурилиши хусусида ҳам сўз юритади. Маълумки, «Уста Ғиёс»да маълум бир йўналиш бўйлаб ривожланниб борадиган воқеалар тизмаси йўқ. Шоир достонлар учун анъанавий бўлиб қолган яхлит сюжет чизиги яратишдан онгли равишда қочиб, асосий диққат-эътиборни воқеаларга эмас, Уста Ғиёс характерини очиб берадиган турли кичик эпизодларга қаратади. Достон композициясидаги ўзига хосликни кўрсатадиган бу хусусият асарнинг камчилиги эмас, аксийча ютуғи эди. Шоир Уста Ғиёснинг бутун фазилатларини ана шу воқеий эпизодлар орқали ҳаққоний гавдалантириб берганлиги мақолада яхши ёритилган. Шунингдек, муаллиф достондаги жиддий камчilikларни ҳам холис таҳлил воситасида батафсил кўрсатади. Принципиал ва объектив позицияда туриб ёзилган бу мақола «Уста Ғиёс» ҳақида кейинги яратилган барча тадқиқотлар учун маълум даражада пойдевор бўлиб хизмат этиб келмоқда.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадики, соддалиқ, ҳаётни бўймасдан, ҳеч қандай лабдабаю ҳашамсиз, ҳаққоний акс эттириш «Уста Ғиёс»нинг энг муҳим фазилатидир. Достонда тасвирланган турли эпизодик воқеалар ҳам, бош қаҳрамон Уста Ғиёс характери ҳам, бошқа турли кишилар образлари ҳам ҳаётнинг ўзидаидек тиниқ, жозибадор ва табиий чиққан. Шоир асарда рангин, такрорланмас бўёқларда товланувчи, миллий колорит билан лиммо-лим сугорилган шундай шонронга деталлар қўллайдики, буларни усталик билан топилгани ва ўз ўрнида маҳорат билан ишлатилгани ўқувчини мафтун қи-

лади. Қаҳрамонлар тилига ҳаётбахш руҳ берган турли-туман иборалар, мақол-маталлар, қувноқ юмор билан омихта бўлиб кетган қочирим сўзлар достоннинг халқ-чиллиги ва ҳаётийлигини ниҳоятда оширган. Асарнинг бошидан то охиригача биз жонли ҳаёт манзараларини, реал турмушни, замондошлиаримизнинг типик қиёфасини кўрамиз. Фаоллик, жамият ва халқ манфаатлари учун астойдил куйиб-ёниш, жонкуярлик, ҳалоллик, меҳнатсееварлик бу қаҳрамонларнинг маънавий қиёфасини белгиловчи етакчи хислатлардир. Асаддаги хоҳлаган бобини олиб ўқисангиз, бу одамларнинг ишлари, гап-сўзлари, муомала ва юриш-туришлари жуда ўринлатиб тасвиrlанганига, шоирнинг маҳоратига ва ҳаётни синчковлик билан кузатганига қойил қоласиз. Мисол учун достоннинг «Колхоз мажлисида» деб аталган биринчи бобини олиб кўрайлик. Шоир тасвиrда холис туриб, шу йиллар ҳаётига хое бўлған типик манзараларни бирма-бир кўз ўнгимизда жонлантира боради. У воқеаларга аралашмайди, изоҳ бериб, тушунтириб ўтиrmайди. Шоир ўта реалистик пўлдан боради:

Қош қорайғач, ҳамма йигилди,  
Мактаб, ферма, ҳамма хонадон...  
Келмайдиган отбоқар ҳам келди,  
Темирчилар устахонадан.  
Шифтга осиғ қирқинчи лампа,  
Идробада барча эди жам...<sup>1</sup>

Мана шу сатрлар билан достон бошланади. Шоир ўзи тасвиrlаётган, колхознинг қаердалиги-ю, хўжалигининг аҳволи, табиий шароитлари қандайлиги ҳақида бирма-бир ахборот бериб ўтиrmайди. Бу колхоз ўлкамиздаги минглаб хўжаликлардан бири. Юқорида акс

<sup>1</sup> Барча мисоллар достоннинг биринчи нашри (Ўздавнашр, 1947 йил)дан олинади. Зарур бўлиб қолган пайтлардагина кейинги нашрларга мурожаат қиласиз.

этган мажлис тасвири ҳам бизга жуда таниш: шундай ҳолатни деярли ҳамма жойда учратиш мумкин. Айниқса, уруш йилларида ҳар бир дақиқа ғанимат. Ҳудабеҳудага ишни тұхтатиб қўйиб мажлисбозлик қилишга фурсат йўқ. Энг зарур пайтларда, шунда ҳам «қош қорайғанда», яъни даладаги ишлар тамом бўлиб, ҳордиқ соатлари бошланғандагина мажлис ўтказилади. Шонир булар ҳақида изоҳ бериб ўтмаса ҳам, сатрларга сингдирилган мазмун буни мантиқан таъкидлаб туради. Одатда унча-мунча «мажлис»га отбоқару устахонадаги темирчилар таклиф қилинавермайди. Улар баъзи тадбирлардан кўпинча чеккада қолиб кетишади. «Келмайдиган отбоқар ҳам келди» мисрасининг ўзиёқ ҳеч қандай изоҳ, таъриф-тавсифсиз бу галги йигилишининг матьлум зарурат туфайли уюштирилганлиги, муҳимлигини очиқ-оидии кўрсатиб турибди.

Шонир уруш йилларидаги турмушининг нечоглини аҳволда экани ҳақида ҳам ортиқча гап-сўз айтиб, справка бериб ўтирумайди. Бу вазифани оддийгина деталь—«шифтга осиғ қирқинчи лампа» бажаради ва шу давр учун типик бўлган шаронитни тасаввуримизда яққол гавдалантиради.

Мирмуҳсин тасвирилаган колхоз мажлисида оташин хитоблар, дабдабали нутқлар йўқ. Мажлис аҳли ҳам шундайгина «натура»дан олиб чизилади. Ҳатто биз турмушининг бу даражада аниқ, баъзи китоблардагига сира ўхшамаган бўёқларини ҳайратланиб ўқиймиз:

Жой тор эди. Ана, туриб қолган  
Тўғон чолининг қурир тинкаси.  
Гоҳо, бирдан гапини қовуштирмас  
Чақалоқини инга-ингаси...

Жўнгина кўрининган бу мисраларда ҳаётнинг бир бўлаги шундоққина «қўчириб» олиб қўйилгандек. Кундузги оғир меҳнатдан ҳориб келиб, мажлисда зўр-базур тик турган Тўғон чолининг ҳолатию иссиқ, дим ҳа-

вога чидаї олмай чириллаб йиғлаётган чақалоқ овози, йиғилгандарнинг кайфияти — ҳаммаси аниқ англашилиб туради. Мана бу лавҳанинг ҳам ҳаётйлиги, жонлилигини кўрининг:

Қисқагина маъruzадан сўнг,  
Раис турди,  
— Кимда бор савол?  
Орқароқда мизғиб қолган экан,  
Бирдан чўчиб тушди Аппон чол.

Бу ердаги тасвирнинг нақадар тиниқ, табиий чиққаилигини исботлаб ўтиришга зарурат борми?.. Бенхтиёр лабимизга табассум югуради. Бундай парчаларни ўқигач, шоирнинг маҳоратига тан бермай иложимиз йўқ. Шоир, тер тўкиб меҳнат қилгани, оғир изланишларни бошдан кечиргани учун бундай содда, ҳаётий тасвирга эриша олган.

Мирмуҳсин биринчи бобнинг ўзидаёқ бош қаҳрамонини — Уста Ниёс характерини очишга киришади. Бунинг учун у қаҳрамонини таъриф-тавсифи, ижтимоий келиб чиқишию таржимаи ҳолини батафсил ҳикоя қилиш ўйлидан бормайди. Достонда Уста Ниёсни характерлаб берадиган шоир изоҳларини деярли учратмаймиз. Бу вазифани қаҳрамоннинг ишлари, гап-сўзлари, хатти-харакатлари бажаради. Шоир воқеаларга аралашмасдан, холис турган ҳолда турли ҳаётний эпизодлар, картиналар яратадики, буларда Уста Ниёснинг маънавий дунёсини ёритиб турган инсоний фазилатлари бирмабир намоён бўла боради.

Достондаги Уста Ниёс совет тузуми туфайли онги, дунёқараши ўзгарган, халқ манфаати йўлида фидойилик билан тер тўкиб ишлашни муқаддас бурч деб англаган ватанипарвар киши. Шоир «Колхоз мажлисида» бобида қаҳрамони билан ўқувчини илк таништиришидаёқ, унинг чўрткесар, айтган жойидан тутадиган дан-

галчи одам эканлигини кўрсатади. Далада иш оғир. Одам етишмайди. Шундай долзарб наллада уста Ниёс звеносидағи Турди, Ашурлар қийинчиликка бардош беролмасдан бошқа колхозга қочиб кетишган. Бу фақат устанинг звеносига эмас, бутун колхозга катта зарар етказадиган ҳодиса. Шунинг учун уста мажлисда жуда куюниб, юракдан сўзлайди. У аччик-аччик гаплар айтади, ҳатто раисни ҳам «ўйиб» олишдан тап тортмайди. Мана, унинг ҳар қандай китобийликдан холи, халқ ибораларига тўла бўлган оддий, самимий сўзлари:

Хўш,

Бошида гап шундаймиди?

Шундаймиди бизнинг ваъдамиз?

Мана, ўзи сўз бера туриб —

Қочиб кетди четга, бетамиз!

Ҳа, жонимиз ўнтами бизнинг?!

Икки келамизми дунёга?

Шунча одамимиз қосса-ю,

Миқ этмаисиз!

Хўш, рапс, нега?

Ватаппарварлик туйғулари билан тўлиб-тошган бу жонли нутқ қанчалиқ табиний, қанчалик ҳаётий... Турмуш синовларида тобланиб, катта тажрибалар орттирганириб, фикр юрита олади. Бундай одамларни каттадан-кичик ҳамма ҳурмат қиласади, маслаҳатига қулоқ солади, насиҳатини жон деб бажаради. Уста Ниёс нутқидан келтирилган мазкур парчада қаҳрамон харакетини очиш билан бирга шу йиллардаги шароитга ҳам ишора бор. Қаҳрамон: «Ҳа, жонимиз ўнтами бизнинг?! Икки келамизми дунёга?» деб бежиз таъкидлаётгани йўқ. Устанинг сўзлари худбинлик нишонаси ёки шикоят

эмас. Бу ерда ҳам катта ҳаёт ҳақиқатлари яширин. Фронтда Ватан тақдирин ҳал бўлмоқда. Халқнинг мард ўғлонлари ҳаёт-мамот жангида жон олиб, жон бермоқдалар. Ёвани тезроқ енгиш учун меҳнат жабҳасида ҳам фидойи бўлмоқ, жонни жабборга бериб ишламоқ зарур. Уста Ниёсга ўхшаган одамларнинг бир ўзи фронтга кетган ўнта одамнинг ўрнини босиб ишлаётан долзарб бу паллада меҳнатдан қочиш, уз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш жиноят билан баравар. Уста ва бошқалар ҳам ҳамма қатори оддий одам. Ўнта жони бор одамнинг ўзи йўқ! Лекин шароит талаб қиласр экан, ҳамма қийинчиликларга чидаш, бардош бериш керак. Буни чуқур англагани учун ҳам уста аччиқ гапларни очиқчасига ўртага ташлайди. Бу аччиқ таъна-дашномлар остида устанинг мулоҳазакор, ақлли, тадбирли киши эканлиги, галабага ишончи мустаҳкамлиги ҳам сезилиб туради.

Ноинсофлар!  
Наҳотки қочса,  
Наҳот ташлайдилар кўзга чуп!  
Мундоғларни баҳридан ўтмоқ...  
Кўрасанки, юрт қил устида.  
Шундай кунда «чий» деганларни,  
Пасткаш, дейди, гапнинг рости-да..  
Дўст — қайғунгни билишса, у дўст,  
Мундоғлардан ҳамма уялар!  
Ёмон кунлар ўтар-кетару  
Юзларингни куйгани қолар!..

От-улов ҳам қолар етишиб,  
Ўғиллар ҳам қайтишар жангдан.  
Эл қарғиши, ҳой ноинсофлар,  
Бир кун маҳкам тутар ёқангдан!

Уста ана шундай оптимист одам. У эл-юрт билан баравар юради, қайғусига ҳам бахтига ҳам бирдек ше-

рик. Халқнинг күзига чўп ташлаб, панд берганилар узоққа бора олмаслигини у яхши билади, чунки эл қарғишига учраган киши асло кўкармайди... Уста Фиёс образи кўз ўнгимизда мана шундай қиёфада гавдалана боради. Ҳар бир янги бобда унинг характеридаги янги янги қирраларни кўрамиз. Шоир қаҳрамоннинг ўзига хос хислатларини, портрети, гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари, феъл-авторини табиий чизгиларда акс этириш воситасида индивидуаллаштиришга тўла эришади.

Уста Фиёснинг колхоз мулки, колхоз манфаати учун жонкуяр, фидойи киши эканлиги «Тўриқ ҳақида», «Қиши», «Уста Фиёс оғриб қолди», «Ичкуёв» каби бобларда айниқса ёрқин очилади. Бу бобларнинг ҳаммасини ҳам юқорида айтилганидек, соддалик, ҳаётийлик, табнийлик безаб туради. Шоир ҳар бир мисрада аниқликка иштилади ва давр колоритини мукаммал гавдалантира оладиган турмуш деталларидан ўринли ва унумли фойдаланади. Шу жиҳатдан қараганимизда Уста Фиёс портрети ҳам диққатга сазовор. У оддийгина қавима пахтали шим, фуфайка кийиб юради, белида «айилдек камар. Камарида бир газлин ичиш» осилган. Бу содда, лекин аниқ тасвиридаги ҳаётният деталлар (қавима шим, айилдек камар, бир газли ичиш) орқали устанинг кийим-боши қандайлиги ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Лекин гап бунда эмас. Энг муҳими бу деталларда ана шу давр колорити ҳам мужассам бўлиб кетганки, шоир оғир шароит ҳақида бир оғиз сўз айтмаса ҳам, бу чизгилар бизга кўп нарсаларни ҳикоя қилиб бераётгандек булади. Шоир уста Фиёснинг ташки қиёфасини тасвирилаганда ҳам бўяб, бежаб ўтиришни, ундан чиройли жиҳатлар топиб, ана шуларнигина бўрттириб кўрсатиб, хунук жойларини яшириб кетинишни хаёлига ҳам келтирмайди.

Мирмуҳсиннинг бу достони қаҳрамонларни тасвирилашдаги ўзига хос принциплари билан ҳам ажralиб туради. Маълумки, кўп асарлардаги қаҳрамонлар (ай-

иңса ижобий қаҳрамонлар) янглишимайдиган, ҳато қылмайдиган, бенуқсон, бекаму күст одамлар тарзида акс эттирилар эди. Ҳаётдан узоқ, нурсиз, маълум схематик қарашлар таъсирида пайдо бўлган бундай «идеал» қаҳрамонлар давр синовларига бардош бера олмади. Улар ўқувчилар қалбидан жой топа олмагани учун ўз вақтида қаттиқ тақиға учради. Ҳозир бундай бир хил қолипда яратиладиган схематик образлар учтида фақат киноя билан гапирадиган бўлиб қолдик. Шоирнинг барча қаҳрамонларида ҳаётийлик барқ уриб туради. Уларда жонли инсонга хос барча мураккабликлар, зиддиятларни учратамиз. Масалан, Уста Фиёс кўз ўнгимизда ажойиб фазилатлар эгаси бўлган, замона-мизнинг илғор, фаол кишиси сифатида намоён бўлиб, меҳримизни қозонади. Аммо шоир ундаги айрим инсонга хос табиий нуқсонларни яширишга уринмайди. Уста гоҳо қизишиб кетганда дагал сўзларни айтиб юбораверади, жаҳли чиққандә айборни бўралатиб сўнишдан тоймайди.

«Тўриқ ҳақида» бобида шу жиҳатдан жуда ҳаётий эпизодга дуч келамиз. Тўриқ от ботқоққа ботиб қолган. Аравакаш тажрибасизлик қилиб ҳадеб отни савалайди. От бечора типирчилайди, тойиб кетади, ботқоқдан чиқиб кетишга кучи стмайди. Буни кўриб қолган устанинг фифони фалакка чиқади:

— Ҳой Болтавой, нега қамчилайсан?  
От уволи туттур, гўрсўхта!  
Сен ўзингни керак савалаш!  
Қўлингни торт, исинсоф, тўхта,—

дэя югуриб келиб, аравакашга ёрдамлаша кетади. Отнинг абзалларини қирқиб ташлаб, ўрнидан туришига кўмаклашади. Аравакаш ўсал. Унга икки оғиз яхши гап билан насиҳат қиласа ҳам олам гулистон, аммо уста уни қаттиқ шовқин солиб, сўкиб ташлайди:  
[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi

— Ўша сенга отни топширгани...  
Уравер! Чунки колхозники-да!  
Кучинг ҳали шунга етдими?  
Кучинг ошиб қолипти жуда!

Уста Фиёс мана шундай галати феълли ажойиб одам.  
Шонир унинг ҳақида бор гапни айтади. Яхши томонини  
ҳам, феълидаги камчилликларни ҳам очиқ кўрсатади.  
Унда биз маълум схемалар изини кўрмаймиз. Бу эса  
асарнинг табиийлигини ниҳоятда оширган.

Мирмуҳсен бошқа қаҳрамонларини ҳам мана шундай ҳаётий сифатлар эгаси қилиб акс эттиринига катта  
эътибор беради. Мазкур бобдаги Аппон чол тасвири ҳам  
ҳаётий чиққанилиги билан ажralиб туради. Устанини  
шовқин-суронини эшитиб «Курканники каби тўрлама,  
узун бўйин чўзиб» (ўхшатишнинг оригиналлигини қа-  
ранг!) келган бу чол ўйламай-нетмай Болтавойнинг  
ёнини олиб, устага ҳужум қилади:

— Сенга нима? Аравакаш ҳам,  
Жавобгар ҳам Болтавой экан.  
Е рапислик даъво қиласанми?  
Етар дейман битта каттакон!  
Подадаш ҳам бизда қўйичивон кўп.  
Ўҳ-ҳӯ, буни дўқини қара!  
Ҳа, червонинг куйинтими? Мунҷа!  
Колхозники бу от-арава!

Қўз ўпгимиизда ўз феъл-атвори, ўз қиёфаси, ўз фикр  
донраси бўлган иккى қария, иккى характер шундоққина  
гавдаланиади қўяди. Бирин колхоз мулкини кўз қорачи-  
гидек авайлаш мақсадида жони ҳалак, шунинг учун  
тажанг. Иккинчиси эса худди шу фидойиликни ёқтири-  
майди, ғаш кўради. «Рапислик даъвоси бор, шекилли»  
деб хавфсирайди. «Ў-ҳӯ, буни дўқини қара! Ҳа, черво-

нинг куйинтими?» (Нақадар ҳаётин, жонли нутқ!) деб баланддан келади. Ҳатто колхоз мулкига чап кўз билан қарайди... «Беш қўл баравар эмас», деганлариdek, ҳаётнинг ўзида одамлар аслида ана шундай тақорорланмайдиган қиёфага эга. Шонр эса воқеликни асл бүёкларда ҳаққоний тасвирилашга итилар экан, одамлардаги бундай бетакрор томонларни, ижобий ва салбий қутбларни тутиб олади-да, маҳорат билан рўйи рост акс эттириб беради. Қаҳрамонларнинг мураккаб ҳолатларини мана шу тарзда шонронга гавдалантириш адабнинг катта муваффақияти эди. А. Алимуҳамедов сўзлари билан айтганимизда, «қаҳрамонларда тирик одамларга хос бўлган «яхшилик» ва «ёмонлик»ларини топа билиш Мирмуҳсининг асосий ютуғидир!»

Шу ўринда А. Алимуҳамедов мақоласида айрим баҳсли жойлари ҳам борлигини айтиб ўтиш керак. Тўғри, у катта самимият ва талабчанлик билан ёзилган. Мунаққид етук илмий таҳлил воситасида асардаги барча ютуқларни ва баъзи жиддий камчиликларни тўғри кўрсатиб беради. Унинг фикрлари ҳамон ўз аҳамияти ва қимматини йўқотган эмас. Шу билан бирга танқидчининг баъзи мулоҳазаларига эътиroz билдириш мумкин. Фикримиз равshan бўлиши учун мақоланинг айрим ўринларини биргалашиб ўқийлик: «Асарни ўқиб чиқиб, унинг ичидаги қаҳрамонларни яна бир карра хаёлдан ўтказганда, улар икки тоифа одамларга бўлиниб кетадилар. Бир тоифага раис бошлиқ колхознинг ҳамма аъзолари киради, иккинчи тоифани ёлғиз Уста Фиёснинг ўзи ташкил қиласди. Биринчи тоифанинг кишилари колхозда қўл учида ишлайдилар, кўплари оғир ишга чидамасдан колхозни ташлаб қочиб кетган.

Звеномдан Турди, Ашурлар,  
Асакага қочишиб кетди.  
«Бу тўқайга эсиз шунча меҳнат,  
Эсиз ўтган умримиз», дедти.  
[www.zlyouz.com](http://www.zlyouz.com) kultubxonasi

Баъзилар колхоздан шунчалик безор бўлганки, ҳатто қайтиб колхозга қадам босмасликка қасам ҳам ичади:

Ҳафсалам ҳам пир бўлди. Қурвои —  
Ҳосилотта ўхшаса ўлсни.  
Кейин дедим: «Энди колхознингин,  
Нақ, елкамнинг чуқури кўрсчи!

Туф, деганман! Қайтиб олмайман  
Қолганини пешонамдан кўрдим»...

...Колхоз раиси Йўлчивой унча-мунчага тебранмайдиган, бир қадар пошуд, анчагина лапашанг, колхозга раҳбарлик қилишга чомуносиб бир одамга ўхшаб қолган:

Уста,— деди раис,—  
**Гангид қолдим,**  
Қайдан бошлий билмайман ишни.  
Тўғри, ишнинг калаваси бузуқ,  
Тополмайман ипнинг бошини.

Бутун бошли бир колхознинг раҳбари ўз ақли билан иш қилолмайдиган, иродаси бўш бир одам сифатида тасвир қилинади. Ҳатто Аппон чолнинг боя таъриф этилган жонли нутқи ҳам муаллиф эътирозига сазовор бўлади: «Аъзолар ўртасида колхоз мулкига жон кўйдириш ҳисси сира сезилмайди», деб ёзади у (121-бет). Мунаққид ўз тезисларини ана шу тарзда илғари сурар экан, қуйидаги нотўғри хуносагача бориб етади: «Колхоз раҳбарларини бу хилда беғам, бешуд ва қўпол қилиб тасвирлаш шубҳасиз Мирмуҳсиннинг энг катта хатосидир» (123-бет). Ўз-ўзидан равшанки, бу хуносага қўшилиб бўлмайди. Муаллиф қўяётган талаблардан шундоққини маълум ейиб таркинихко қаъди келиб турибди. Кол-

хоз ранси, хўжалик раҳбарими — тамом, у бенуқсон бў-  
лиши керак. Унга гард юқтириб бўлмайди. Акс ҳолда  
улар давримиз учун характерли эмас» (123-бет). Дос-  
тонда яққол кўриниб турибдики, Мирмуҳсин умуман,  
ҳамма колхозлар, ҳамма раҳбарлар ҳақида гапираётгани  
йўқ. У бир кичик хўжаликда юз берадиган ҳаётий воқеа-  
ларни, ютуқлар, ташвишлар, иуқсоиларни бутуни мурак-  
каб қирралари, ички зиддиятлари билан тасвирлашини  
мақсад қилиб олган. Шундай экаи, шоир талқинидаги  
қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, гап-сўзларидаги  
қарама-қаршиликлар, ҳаққоний айтилган баъзи камчи-  
ликларнинг ҳаётйлигига шубҳа тугдирив бўлмайди.  
Аппон чолга ўхшаб боқи бегамликка берилган, ўзини-  
кидан бошқа ҳамма нарсага лоқайдроқ қарайдиган  
худбин одамлар, Йўлчизвой (бу ном фақат журнал ва-  
риантидагина учрайди. Бошқа ҳамма пашрларда—Дўс-  
матвой — **O. A.**) га ўхшиаб, баъзан калавасининг учини  
йўқотиб, гангид қолган, оқилона маслаҳатга мухтож  
бўлган раҳбарлар ҳаётда тўлиб-тошиб ётибди-ку! Шу-  
нингдек, қоюқ Ашур томонидан бир колхоз шаънига  
айтилаётган порозилик сўзларига умумлаштириб баҳо  
бериш ҳам потўғри. Ҳолбуки, бу эпизод достондаги энг  
жонли чиққан ўринлардан бири ҳисобланади. Ҳаётда  
ёнима-ёни жойлашган колхозлар орасида кўпинча бир хў-  
жаликдан порози бўлиб (меҳнатнинг тўғри қадрлан-  
маслиги, инсоний муносабатларда самимиятнинг етиш-  
маслиги ва ҳоказо сабаблар билан), иккинчисига кўчиб  
кетиш ҳоллари тез-тез учраб туради. Достондаги Ашур  
ҳам колхозининг ўзидан эмас, балки пошуд раҳбаридан  
порози. Бу асар текстида очиқ айтилган («Қурвои ҳо-  
силотга ўхшаса ўлсин»). Ашурнинг нутқида жуда уста-  
лик билан ишлатилган бошқа бир иуқта ҳам бор. У кол-  
хозни эмас, «колхозингни елкамнинг чуқури кўрсени»,  
деб гапирадики, бу ерда Ашурнинг кимдан ва нима  
учун порози бўлганлиги ҳеч қандай изоҳсиз равишан  
аングлашиб турибди. Бундан ташкини мана шу суҳбат

давомида Ашур Уста Фиёсга қўнглини бўшатиб, ҳасратларини тўкиб солар экан:

Локин, Уста, ўзингиз биласиз,  
Кохозим деб елдим, югурдим,—

деб очиқ эътироф этадики, бу дангал айтилган (айниқса, «кохозим», деб таъкидлаётганинг эътибор беринг) сўзларинг ўзиёқ танқидчининг даъволари нотўғри эканлигини кўрсатади. Бунинг устига асарда тасвирланган колхоз қўриқда ташкил этилган, ҳали янги, ўзини ўнглаб олмаган хўжалик. Унда турли қийинчиликлар, етишмовчиликларнинг бўлиши турган гап. Баъзи оғир шароитга ўрганмаган одамларда табиий равища учраши мумкин бўлган норозиликларни тўғри тушумоқ даркор. Шоир янги ерларни ўзлаштиришда рўй берган реал воқеаларни, одамлар психологиясини тўғри, холисона тасвирлай олган. Шунингдек, мунаққиддинг Уста Фиёс бир томонда-ю, раис бошлиқ бошқа колхоз аъзоларининг ҳаммаси бир томонда туради деган мудоҳазаси ҳам нотўғри. Бу ўринда танқидчи асарнинг ўзига хос композицион қурилмасиnga ҳамда шоирнинг асл муддоасиnga етарли эътибор бермаганга ўхшайди. Мирмуҳсин оғли равища асар марказига совет тузуми туфайли баҳтли ҳаётга эришган, ўз ҳақ-хуқуқини яхши билди олган, бутун колхоз бойликларини ўзиники деб англаган минглаб фаол одамларнинг умумлашган типик образини Уста Фиёс қиёфасида мужассамлаштириб тасвирлайди. Шунинг учун табиий равища ҳар бир бобининг диққат марказида Уста характеристига хос бирои-бир хусусиятини очиш вазифаси туради, бошқа персонажлар эса маълум даражада ёрдамчи «фон» вазифасини ўтаб, бош қаҳрамонининг фазилатлари бўртиб кўриниши учун «хизмат» қиласидилар. Шоир Уста Фиёс характеристини бўртириб тасвирлар экан, турли тўқишаувларга кескин руҳ, шиддат багишлаш учун қаҳрамонини аксари қолоқ, дан-

гаса, узоқни кўролмайдиган баъзи одамлар билан уч-  
раштиради. Улар қўпинча иккинчи даражали персонаж-  
лар тарзида ҳаракат қиласидилар. Достон воқеалари  
турли эпизодлардан иборат бўлиб қолгани ҳам шу би-  
лан изоҳланади. Асардаги бу ўзига хосликни идрок эт-  
масдан туриб, қаҳрамонларга юклangan гоявий муддао-  
ни англаб бўлмайди.



Ижодкор дўстлар даврасида: (чапдан) Комил Яшин,  
Уйғун, Ойбек, Назир Сафаров ва Мирмуҳсин.

Хуллас, персонажларни реал ташвишларию нуқсон-  
лари, бор мураккабликлари билан рўйи рост кўрсатил-  
гани асарнинг нуқсони эмас, балки катта ютуғидир.

Шу нарса ҳам диққатга сазоворки, шоир ўз қаҳра-  
монини кўпчиликдан ажратиб олиб, байроқ қилиб кўр-  
сатмайди. У нимаики иш қилмасин, қандай ютуқни қўл-  
га киритмасин буларнинг барчаси коллективнинг аҳил  
меҳнати, дўстлари, сафдошларининг мадади самараси  
деб билади. У коллективнинг кучига, қудратига қаттиқ

суюиади. Бу ҳолат айниқса, «Уста Гиёс ва мухбири» бо-  
бига яхши очилган:

Хўн азамат, барака тонкур,  
Шулар менга қанот, дўст-ёр.  
Якка отнинг чангчиқеа ҳам,  
Донги чиқмас, деган мақол бор.

Наригиси Зеби,  
Терим пайти —  
Фарғонада бўлмайди тенги.  
Ҳув аниви, Мамарасул чўтири,  
У колхозга киргандир янги...

Бу гаплар Устанинг камтар иносон эканини, кўпчи-  
ликка таяниб, аҳиллик билан иш юритгани туфайли  
кatta обрў қозонгани ва звеносининг шуҳратини кўта-  
риб, колхоз бойлигига бойлик қўшига олганини кўрсатиб  
туриди. Уста Гиёс қанчалик камтар бўлса, шунчалик  
ҳалол, феъли кенг одам. У ортиқча мақтовларни, ба-  
ландинарвоз сўзларни, ёлгон-яшиқ ваъдаларни ёмон  
кўради. У ҳатто мажбурият олаётгани вақтда ҳам дан-  
галчиликка ўтиб, реал гапни айтади. Қийинчиликлар  
кўп бўлганини, катта ҳосил олишнинг қуруқ ўзи бўл-  
маслигини яшириб ўтирмайди. Қуйидаги сўзлар Уста-  
нинг нечоғлик ҳалол, қалби дарё одам эканини жуда  
равшан таърифлаб беради:

Тешавойдек нотиқ эмасман,  
Қани, топиб-топиб гапирсам...  
Локин,  
Қурултойда айтилган гап-гап!  
Ярашмайди қуруқ кўпирсам...  
Шу паллага етдик меҳнат билан,  
Хукумат ҳам бошни силади.  
Қийналмадик демайман, мана,

Үртоқ Юсупов ҳам билади.  
Юз центнер деб лоф урмайман,  
Кимга керак бундай қуруқ ваъда.  
Қирқ центнер бераман гектаридан,  
Сўз бераман шундай деб, ҳа-да...

Қўрамизки, расмиятчилик, номига кўкракка мушт  
лаб, қуруқ ваъда берниб кўпириншлар Устанинг табиа-  
тига ёт. Кўзбўямачилик қилиб шухрат орттириш, ном  
қозонишни у ҳатто хаёлига ҳам келтириб кўрмайди.  
Шоир қаҳрамонининг бу сўзларини ўқувчи ҳукмига ҳа-  
вола қилиш билан турмушда учраб турадиган кўзбўя-  
мачилик иллатига қарши ўт очади. Уни таг-томири билан  
йўқ қилиб ташлаш шиорини ўртага ташлайди. Бу  
эса ёш шоир дадил кўтариб чиқкан яна бир муҳим ма-  
сала бўлиб, асарининг ҳаётни замонини, актуаллигини  
кучайтиради.

Яқинда оқсоқол адабимиз Назир Сафаров пахта тे-  
римида учраб турадиган сохталиклардан бирини жид-  
дий очиб ташлаб, бу соҳадаги кўзбўямачилик иллатига  
қаттиқ зарба беради. Бу мақола жамоатчилик томоидан  
ҳайриҳоҳлик билан кутиб олинди. Шу жиҳатдан  
қараганимизда, Мирмуҳсенининг урушдан кейинги даст-  
лабки йиллардаёқ бу муҳим, долзарб масалага қўл ур-  
гани ва уни дадиллик билан кўтариб чиққанлиги факти-  
ни шонрнинг яна бир жасорати деб баҳоламоқ лозим.  
Бу ҳолат эса ўз навбатида чуқур замонавий руҳ билан  
ёзилган мазкур достоп актуаллигини йўқотмай келаёт-  
ганидан далолат беради.

«Уста Гиёс» дostonидаги фазилатлардан яна бири  
унда пролетариат доҳийси В. И. Ленин образи яратил-  
ганида намоён бўлади. Шоир бу соҳада ҳам оригинал  
йўл тутиб, халқнинг улуғ доҳийга бўлган меҳр-муҳаб-  
бати, ҳурматини самимият билан кўрсатишга эришади.  
Колхозда «Ленин Октябрда» кинофильми намойиш эти-

лади. Томошага барча йигилади. Уста Ғиёс экранга боқиб, доҳий сиймосини кўриб ўтирас экан, ўзини В. И. Ленин билан бирга юриб суҳбатлашаётгандек ҳис қиласди:

Ана Ленин!  
Сўл қўли билан —  
Ушлаганди костюм ёқасин.  
Колхозчилар орасига кирди  
Юриб келди Устага яқин.

Бирдан ҳамма турди  
Ленин ўртада...  
Ҳамма ўйлаб қолди ўз ишин.  
Ранс таклиф қилди далага:  
— Марҳамат, Владимир Ильич,—  
Ишларимиз билан танишишинг...  
Ҳамма юрди аста дала томон...

Ленин колхозчилар билан бирга далаларни бориб кўради, кексалар, аёллар, ёшлар билан узоқ суҳбатлашади, маслаҳатлар беради. Тўгри, буларнинг ҳаммаси Устанинг хаёлида содир бўлади. Бу ўринда ҳам Мирмуҳсини Уста кечинмаларини табиний тасвирлаш, фазилатларини равшанроқ кўрсатиш йўлидан боради. Масалан, Уста Ғиёс доҳий ёнида бораётганда ҳам хўжаликни, колхоз аҳволини ўйтайди:

Ленин билан бора туриб, йўлда,  
Уста қалби бирдан шув этди.  
«Агар бултур келганида Ленин —  
Роса уялардик,  
Тоза қизаардик...»

Бу парча жуда жонли чиққанлиги ва ўриили топиб ишлатилгани билан алохидаги дикқатга сазовор. Хуллас, шоир мұваффақиятли топилған приём воситасыда В. И. Ленин билән халқнинг бирлигиғоясини илгари суради. Ҳәётимизда, барча соҳалардаги ишларимизда доҳий таълимоти йўлчи юлдуз бўлиб келаётганлигини таъкидлайди. Мазкур боб ўзбек ленинномаси саҳифаларига қўшилған муносиб ҳисса ҳисобланади. Бу ҳақда О. Шарафиддинов шундай ёзади: «Коммунистик партияниң ҳәётимиздаги раҳбарлик ролини кўрсатишда қозонилған жиодий мұваффақиятлардан бири сифатида Мирмуҳсиннинг «Уста Фиёс» поэмасини кўрсатиш керак. Тўғри, поэмада колхоз партия ташкилоти, ундағи коммунистлар бевосита кўрсатилған эмас. Аммо шоир ўзига хос оригинал формада ўзбек колхозчиларини Коммунистик партияга, унинг асосчиси В. И. Ленинга бўлған муҳаббатини очиб берган. Шоир бу муҳаббатни дескларатив тарзда эмас, конкрет эмоционал формада очади. Бу жиҳатдан «Ленин колхозда» боби поэманинг энг ёрқин боби деб ҳисобланиши мумкин». («Замон, қалб, поэзия» 166—167-бетлар).

«Уста Фиёс» достони бадиий тасвир воситалари, тили жиҳатидан ҳам қатор фазилатларга эга. Шоир воқеалар, характерларни тасвирлагандага ҳам, табиат манзараларини акс эттирганда ҳам оригиналликка итилади, содда, ҳәётий деталлар, поэтик образлар асосида фикр юритади. Достоннинг хоҳлаган саҳифасини очиб ўқисангиз, аниқ манзараларга, халқ турмушига хос реал кўринишларга дуч келасиз. Бу кўринишларнинг жонли ва табиийлиги хаёлингизни мафтун этади. Мана бир мисол:

Урик барги тилла ранг олмиш,  
Дарахтларни саваларди куз.  
Ховлиларда азим ёнғоқлар —

Сой бўйнда қайрагоч баргиз...  
Учишади зағчалар қағ-қағ,  
**Чирқиллайди саҳархез чумчук.**  
Қизалоқлар хазон супурар,  
Талашишиб, тортишиб, чечан...  
Хув ана, Нор ота азонлаб,  
Ўз томинга босмоқда пичан.

Мисраларда тилга олинган дараҳтларни шоир қандай илғаб, ҳис қилиб ёзган бўлса, биз ҳам шундай тасавур этамиз. Қизалоқлару, пичан босаётган Нор ота ҳам кўз ўнгимизда аниқ намоён бўлади. Шоир минглаб қишлоқларимиз учун типик бўлган ана шундай манзараларни таинлаб олиб, умумлаштиради ва шоирона суратини чизиб беради. Бу ҳам катта маҳорат нишонаси, албатта.

Мирмуҳсин қаҳрамонларини индивидуаллаштиришида уларнинг сўзлаш тарзига катта аҳамият беради. Ҳар бир персонаж ўзининг савиаси, ёши, ҳаётни тажрибасига мос ҳолда гапирадики, бу асарнинг табиийлигини янада оширган. Бу борада кўплаб мисоллар келтириши мумкин бўлса ҳам биз бир-икки парча билан чекланамиз. Мана, устанинг муҳбир билан суҳбати:

Бизнинг колхоз янги,  
Бу ерларда  
Одам юрса қўрқарди, бироқ,  
Кўчиб келиб, қўриқни очдик,  
Ишлай-ишлай ер қилдик, чироқ...

Сўнгги мисрада қанчалик ҳаётнийлик бор! Муҳбир йигитчага «чироқ» деб мурожаат қилиниши нақадар жонли, табиий жаранглайди. Турмушда кўп нарсани кўрган, билган, мўътабар қарияларгина мана шундай оҳангда гапиради. Бундай сўзлаш оҳангининг ўзиёқ устанинг кўнг-

лида кири йўқ, олижаноб одам эканлигини сездириб турибди.

Яна бир мисол:

Уста Фиёс саркотибга боқди;  
Секин туртди:  
— Қандай картина?  
— «Ленин Октябрда».  
— Ҳа, балли...

Бу ўринда ҳам биз реал инсонга хос сўзлашув тарзига дуч келамиз. Қаҳрамон қандай картина ёки «қандай кино» бўлади деб сўраши ҳам мумкин эди. Лекин унда нутқдаги ширия йўқолади. У «қандай картина» бўлади деб сўрайдики, бу оғзаки нутқда жуда кўп учрайдиган атама мазкур парчанинг ҳаётий кучини янада оширган.

Шоир қаҳрамонлар нутқида ҳалқ иборалари, мақоллар, маталларни ҳам кўп ишлатади. Бунда ҳам у қатъий меъёрни сақлайди, фикрнинг салмоғини, таъсири кучини оширадиган, табиийликка птур етмайдиган ўринлардагина уларга мурожаат этади.

«Уста Фиёс»нинг тил хусусиятлари таҳлил этилган айрим мақолаларда мунозарали фикрларни ҳам учратамиз. Жумладан, Ф. Насриддиновнинг адабий портретида қўйидаги парча келтирилади:

Ана, томорқада бир тўп товуқ,  
Ҳансирашар томоғи лиқ-лиқ...  
Зовурларда бақа қуриллар,  
Сувлар илиқ —  
Ҳонуз,  
Кўлмакларда —  
Бижир-бижир ўйнар итбалиқ,  
Енроқ соясинда ёнбошлиб ётар,

Аппон чолининг кўпаги, ана!  
Ҳаллослайди тили бир қарич...  
Жаҳал билан жунларин тишлар,  
Талар эди итпашиша, канада...

Танқидчи кўзига бу сатрларда реал жонланиб турган манзара «реалистик тасвири ўринига натуралистик нохуш картиналар» бўлиб кўриннади. У фикрини шундай давом эттиради. «Бадий асар, айниқса, шеър ҳариридай нағисликни, жозибадорликни талаб қилади. Унда қўлланиладиган ҳар бир тасвирий восита, ҳар бир сўз—деталь сержило, рангдор, айтилмоқчи бўлган фикр, олга сурилмоқчи бўлган ғоявий мақсад хиёл парда остига яширган бўлиши, ўқувчидаги ёқимли ҳиссиётлар пайдо қилиши лозим. Юқоридаги мисралар эса ана шундай хусусиятлардан маҳрум»<sup>1</sup>. Бу фикрларга қўшилиб бўлмайди, чунки бундай талаб санъаткорни фақат сохталика, сунъийликка етаклади, холос. Бундан ташқари, танқидчи шоирнинг услубидаги ўзига хосликни ҳисобга олмаган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, Мирмуҳсин бу асарда бошдан-оёқ ҳаётийликка интилган, иложи борича турмушнинг ўзидан нозик илғаб олинган деталлар, характерли чизиқлар ишлатган. Борлиқни бўјамасдан, бежамасдан ҳаққоний акс эттириш унинг асосий эстетик шиори бўлган эдики, буни ҳисобга олмасдан туриб, асар таҳлилини тўғри йўлга қўйиб бўлмайди. Мазкур парчага қайтсан, унда юртимиздаги оташ саратон манзараси ўзига хос ёрқин бўёқларда жонли чизилган. Шоир ўринли, топиб ишлатилган деталлар орқали фикр юритади. Товуқларнинг ҳансирараб, томогини лиқ-лиқ қилиб туриши, итнинг ҳаллослаши, тили бир қарич осилиб кетганлиги каби деталларда жазирама иссиқнинг типик белгилари мужассам.

<sup>1</sup> Ф. Насри ддинов. Мирмуҳсин. Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1972, 51—52- бетлар.

«Уста Fiёс» достонида бир қатор нуқсонлар ҳам мавжуд, албатта.

Шоир асарни қайта-қайта ишлайди ва унга жиддий ўзгаришлар киритади, Уста Fiёс образини янада мумкаммалаштирадиган эпизодлар қўшади. Булар яхши. Лекин адаб беъзи ўринларда биринчни нашрда мавжуд бўлган дуруст эпизодларни негадир олиб ташлайди. Жўмладан, анча ҳаётий чиққан ва қизиқиш билан ўқиладиган «Ичкуёв» боби номаълум сабабларга кўра кейинги нашрларга кирмай қолган.

Баъзи ўринларда кейин қўшилган парчалар устани жуда «замонавий»лаштириб қўйган ва табиийликка пуртур етказгани шундоққина сезилиб туради. Масалан, «Кузак» бобининг ҳозирги вариантида шундай деталь ишлатилади:

Уста Fiёс турди эрта билан,  
Сесканмади тонгги совуқда.  
Юзин ювди роса кўпиртириб.  
«Ландиш» деган атирсовунда.

Бундай қараганда, бу парчада эътиrozга лойиқ нарсанинг ўзи йўқдай туюлади. Лекин масалага шоир тасвирлаган давр — оғир уруш йиллари шароити нуқтан назардан ёндашсак, «Ландиш» деган атирсовун ҳақидағи гап қуруқ уйдирма эканлиги равшан англашилади. Мазкур ўринда қаҳрамоннинг бу даражада «замонавийлашиб» кетишида урушдан кейинги йиллар танқидчилигига ҳукм сурган сохта тенденцияларнинг ҳам «ҳиссаси» борлигини сезиш қийин эмас. Демак, асарнинг кейинги нашрлари учун дастлабки нусха танланса, юқоридагидек ўринсиз тузатишлар олиб ташланса, айни муддао бўлар эди.

«Уста Fiёс»да эришилган муваффақиятлар шоирни янги ижодий парвозларга чорлади. У қисқа муддат ичилада (1947—48- йиллар) «Дўнан» ва «Яшил қишлоқ» дос-

тонларини ёзиб битирди. Ҳар икки достон ҳам қишлоқ мавзунда бўлиб, уларда қўриқ ва бўз срларни ўзлаштираётган фидойи совет кишиларининг образлари яратилади, шон-шуҳрат, фаровон турмуш гарови бўлган ҳалол меҳнат, жасорат улуғланади. Шоир бу асарларда ҳам «Ўста Фиёс»даги ижодий принципларига суянади: воқеалар тасвири, қаҳрамонлар нутқи, психологияси, хатти-ҳаракатларини акс эттиришда табиийликка, содаликка интилади, ҳаётий деталларни поэтиклаштириш йўлидан боради. Масалан, у «Дўнан» достонида:

Оёғида баланд пошна этик,  
Елкасида янги чопони.  
Белбогида дандон соп пичоқ,  
Унинг номи:  
«Дўнан чапани»,

бўлган, «зангур, сарик, уч қават қийиқ»ни бўшгина боғлаб, бедана ўйнатиб, чойхоначилик қилиб юрган сода, чапани йигит Дўнан билан илгор колхозчи қиз Зеби ўртасидаги оддий инсоний муносабатларни, севги кечинималарини ҳаётий лавҳаларда тасвирлайди. Асарнинг диққатга сазовор фазилати шундаки, у бошдан оёқ самимий руҳда ёзилган. Автор нутқида ҳам, қаҳрамонлар тилида ҳам баландпарвозлик, дабдабабозлик йўқ. Достон қаҳрамонлари катта ишларни қойиллатиб қўйиб, иззату ҳурматга, шону шавкатга кўмилиб кетган фавқулодда одамлар ҳам эмас. Улар худди Уста Фиёс каби ҳаётимизда деярли ҳар қадамда учраб турадиган, ўзимиз миридан-сиригача яхши биладиган оддийгина кишилар. Шоир мана шу оддий одамлар қалбиди, психологиясида янги тузум туфайли содир бўлаётган ўзгаришиларни, яигича ахлоқий муносабатларни қаламга олади. Чапани Дўнан ишқ-муҳаббат балосига гирифткор бўлган. Унинг бағри кабоб, «пахса девор каби кўкраги ишқ олдида бўлипти юпқа». Бу-ку ҳамманинг

бошида бор савдо, Дўнанин гангитиб қўйгаи нарса қизнинг рад этиб берган жавоби:

«...Сабил қолсин,  
нимасига тегай?  
Беданасигами, чопонига?  
Нима бўпти?  
Битта чойхоначи,  
Ким тегарди у чапанига?!»

Ҳаётийлик, табиийлик балқиб турган қизнинг бу кескин жавоби Дўнанинг бутун ҳаётини, маънавий дунёсини остин-устун қилиб ташлайди: ўзининг турмуш тарзи, юриш-турниши ҳақида дурустроқ ўйлаб кўришга мажбур этади.

Бу борада уруш бошланади. Жанг-жадал, курашлар, мاشақатли йиллар ўтиб кетади. Дўнанвой ҳам кўп қатори кўкрагидага олтита медаль билан жангдан голиб қайтади. У энди бутунлай бошқа одамга айланган:

Жангдан қайтгач,  
Кетмон олди қўлига.  
Қўлга чиқолмади бедана.  
Жангар туллаклару  
«тезотар»лар,  
Дўнанвойга бўлди бегона.

Лекин унда битта нарса ўзгармай қолган. Юрагида ҳамон Зеби севгиси, ишиқ дарди яшайди. Йигит ишқазобини ҳам меҳнат билан енгади. Ҳалол меҳнат эса уига обрў-эътибор келтиради. Илгари уни писанд қилмаган мағрур қиз Зеби ниҳоят таслим бўлади... Достондаги бор гап шу. Шоир мана шу оддий, ҳаётий бир сюжет воситасида совет тузумининг улуғвор қудратини намойиш эта олган. Совет диёрида кишининг қадр-қиммати, иззат-эътибори молу дунё, пул, бойлик, мартаба

билин белгиламийди. Кимки ҳалол меҳнат қиласа, жамоат ишига камтарона ҳисса қушиб, кўпчиликнинг офирини енгил қила олса, ҳалқ ғамида яшаса, иззат-хурмат кўради, қадрланади ва муносиб тақдирланади. Совет тузумининг, социализм үлкасининг характерли фазилати бўлган бу хусусият асар мағзига сингдириб юборилган, унинг етакчи ғоясига айланаб кетган.

Юқорида айтганимиздек, достонда бошдан-оёқ оддий ҳаётий воқеалар, кундалик турмуш лавҳалари содда ва ҳаққоний бўёкларда гавдаланади. «Конфликтсизлик» назарияси куртаклари адабиётда юз кўрсата бошлаган йилларда ёзилган бу асарда оддий ҳаёт манзаралари, реал инсоний муносабатлар тасвиранганинг ўзи таҳсинга лойиқ ҳодиса ҳисобланади.

Шу ўринда «Уста Фиёс» ва «Дўнан»даги муҳим бир муштарак белгини айтиб ўтиш керак. Ҳар икки асарда ҳам шоир ҳалол меҳнат, олижаноблик, эл-юрт ишига фидойиликни инсонга хос маънавий стуклик мезони сифатида талқин этади. Мазкур достонлардаги қаҳрамонлар ҳаётгида рўй берадиган ўсиш-ўзгаришлар, маълум динамика ҳам ҳалол меҳнат туфайли содир бўлади. Оддий колхозчи, звено бошлиги Уста Фиёс ҳосилотлика сайланади, Москвага, съездга делегат қилиб юборилади. «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирланиб, донгдор қаҳрамонга айланади. Чапани, беданабоз Дўнан образи ҳам асар давомида ҳар жиҳатдан ўзгариб, маънавий юксаклик касб этиб боради. У табиатидаги айрим бачканга қусурларидан қутулиб одамлар ҳавас қилса арзийдиган меҳнатсевар деҳқон бўлиб этишади. Қаҳрамонларини мана шундай тарзда тасвиrlар экан, шоир ҳаёт мантиқига жиддий амал қиласи, социалистик жамият табиатидан келиб чиқиб, фикр юритади. Бу ҳол ўз навбатида адаб ижодида социалистик реализм методи принциплари барқарор эканлигини ҳам намоён этади.

«Яшил қишлоқ» достонини юқоридаги икки асарнинг

мантиқий давоми дейиш мумкин. Унда бевосита, қўриқ ерларни ўзлаштириш масаласи қalamга олинган. Партия ва халқ даъватига қулоқ солиб, қалб амри билан Мирзачўлга келган ва мислсиз жасорат кўрсатган фидойи ўзбек кишилари достоннинг асосий қаҳрамонлари сифатида улуғланиди. Шоир қўриққа илк қадам қўйиб, биринчи иморатга пойдевор қўйган одамларни, қатор тушган янги уйларни, дастлабки тузилган колхозни, биринчи туғилган чақалоқни, Мирзачўл кўкламиши меҳр билан тасвирлайди. Айниқса, «Бўрон кечаси» бобида коллективнинг қудрати, шижоати, табиат кучлари билан олишувдаги матонати шоирона завқ ва кўтаринки руҳ билан акс эттирилганини кўрамиз. Асардаги колхозчилар ҳамда уларнинг раҳбари Умурзоқ образи ҳам эсда қоладиган чизгилар воситасида кўз ўнгимизда жонли гавдаланиди.

Умуман, қўриқ мавзуси ўзбек совет адабиётида анча кенг ишланган мавзулардан ҳисобланади. Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» («Янги ер») комедияси, Шароф Рашидовнинг «Голиблар» романидаги ҳамда бир қанча проблематик очеркларда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда жасорат намуналарини кўрсатган фидойи кишиларимизнинг ёрқин образлари яратилди. Мирмуҳсин ҳам юқоридаги достонлари билан халқ жасоратини акс эттирган бу шарафли мавзууни ишлашга муносаб ҳисса қўша олди.

Бу достонлар рус китобхонларига ҳам манзур бўлди. Улар ҳақида Москвада ва Тошкентда қатор мақолалар эълон қилинди. Давримизнинг йирик адиллари А. Фадеев ва Н. Тихоновлар мазкур асарларидаги ютуқларни мамнуният билан қайд этдилар. В. Инбер, С. Гудзенко ва бошқаларнинг мақолаларида ҳам Мирмуҳсиннинг йирик асарлари хайриҳоҳлик билан таҳлил қилинди.

Мазкур уч достоннинг бадиий-тасвирий воситалари, тил ва услубига хос фазилатлар адабиётшунослигимиз-

да анча кенг ёритилган. Жумладан, Озод Шарафиддининг «Поэма ва қаҳрамон», «Поэмада тил ва стиль масалалари»<sup>1</sup> номли мақолаларида бу масалалар ба-тағсил таҳлил қилинганини кўрамиз. Шунинг учун биз бу масалаларга тұхталиб ўтирмасликни лозим тоңдик.

Юқоридаги уч достопнинг гоявий-бадиий йўналишида муштараклик бўлганидек, камчиликларида ҳам маълум бир умумийлик бор. Бу кўпроқ муаллиф услубига боғлиқ бўлиб, риторик хитобларга керагидан ортиқча ўрин беришда, инверсия приёмини нотўғри қўллашда кўринади. Масалан:

Бориниарди капалардан ўтиб,  
Орқасига қарап Умурзоқ.  
Ҳа, Умурзоқ.

Ана, сен қурган уй!  
Сен қургансан ўшани, ўртоқ!

(«Яшил қишлоқ», 1948 йил, 45- бет).

Бу парчада адаб ижодини безаб турувчи шоирона деталлар, образли ифодалар кўринмайди. Услубда тан-танаворлик, хитобийлик ҳукмрон. Такрорланган сўзлар маъниони кучайтиришга хизмат қилмайди.

Шунингдек, шоир негадир «Коммунист» шеърини салгина ўзгаришлар билан «Яшил қишлоқ»да ҳам ишлатиб юборади. Ҳолбуки, бунга ҳеч қандай зарурат йўқ эди.

Адаб кейинги асарларида буидай иуқсоnlарни йў-қотиб борди. 50—60- йилларда ҳам Мирмуҳсин достопчиликда самарали ижод қилди. Бу даврда шоир поэзиясининг мавзу донраси кенгайганини юқорида айтиб ўтган эдик. У ўзи учун анъанавий бўлиб қолган қишло-

<sup>1</sup> О. Шарафиддинов. Замон, қалб, поэзия. Биринчи мўъжиза. Мақолалар тўпламлари.

лоқ мавзуси уфқини ёриб ўтиб, бошқа мавзуларда ҳам асарлар яратади, уларда она юрт муҳаббати, дўстлик, қардошлиқ, СССРдаги барча халқларнинг биродарлиги тоялари тараннум этилади. Бу асарларда ҳам адабистеъдодининг янги қирралари намоён бўлади.

«Қадрдоилар» (1954) достони Мирмуҳсин ижодида алоҳида ўрин тулади. Унда Ватанимизнинг енгилмаслиги, барча ютуқларимизнинг асоси бўлган СССР халқларининг тарихий бирлиги ва қардошлиги, биродарлиги тояси кенг кўламда акс этади. Ўзбек шеъриятидаFaafur Fуломнинг ўлмас «Сен етим эмассан» шеъри ҳамда Ҳамид Олимжоннинг ҳассослик билан ёзилган «Роксананинг кўз ёшлари» балладаси билан бошланган бу муқаддас мавзу Мирмуҳсин достонида янгича оҳангларда жаранглайди.

Маълумки, дўст — бошга иш тушиган дақиқаларда синовдан ўтади. Улуг Ватан урушининиг машаққатли йиллари СССРдаги барча миллатлар учун ана шундай синов даври бўлди. Ўзбек халқи рус, украин, белорус ва бошқа бир қатор халқлар бошинга мусибат тушиганда интернационал бурчига содиқ қолиб, уларга ёрдам қўлини чўзди. Халқимизнинг ҳақиқий ўйиллари немис-фашист босқинчиларига қарши жангга мардонавор отланди. Қақшатқич, оғир жангларда қон тўкиб, жон олиб, жон берди. Мамлакат ичкарисида қолган Ватандошларимиз ҳам қараб турганлари йўқ. Улар меҳнат фронтининг чинакам фидокор жангчиларига айландилар. Миниглаб ўзбек кишилари: қари чол-кампирлардан тортиб ёш йигит-қизларгача колхозларда, завод-фабрикаларда кунии кун демай, тунни тун демай пешона тери тўкиб, меҳнат қилдилар ва фашизм устидан галабани тезлашибга муносиб ҳисса қўшдилар. Ўзбек халқи урушининг энг оғир йилларида яна бир мислсиз мардлик ва фидойилик кўрсатди. Уруш туфайли ўз туғилиб ўсган диёридан маҳрум бўлган, ота-онасидан айрилиб қолган минг-минглаб етим болаларга ёрдам қўлини чўзди,

уларга бошпана берди ва ўз тарбиясига олиб, ғамхұр-  
лик қилди.

«Қадрданлар» достонида халқымизнинг ана шу буюк  
фидойиллиги, меҳрибоилиги улуғланади. Достондаги во-  
қеалар чизиги жуда ҳам оддий. Оғир уруш йилларида  
завод ишчиси Ойниса ҳам күп қатори эвакуация қилин-  
ган болалардан бири — олтин соч Галяни ўз тарбияси-  
га олади. Жажжи қизалоги Жамила билан бирға уин  
ҳам меҳр-муҳаббат билан парваришилаб вояга етказа-  
ди, мактабда үқитади. Галя бу меҳнаткаш оиласиңг  
севикли фарзандыга айланади. Йиллар үтади. Бир күнн  
Галянинг акаси — Василий синглисими дараклаб кела-  
лади. У бир неча күн меҳмөн бўлгач, Галяни Москвага  
олиб кетади. Ҳижрон догоғда қолган она бир неча ой-  
дан сўнг отпуска олиб, жигарбандини кўриш учун Мос-  
квага сафарга отланади. Достон воқеаси бор-йўғи ана  
шундан иборат. Шоир бу оддий, ҳаётний воқеа орқали  
совет кишиларидаги шаклланган янгича чуқур инсоний  
муносабатларни, меҳру садоқат, қардошлик туйғулари-  
ни шоирона эҳтирос, кўтаринки руҳ билан куйлай ол-  
ган. Асар завод билан равон үқилади, китобхон воқеа-  
лар оқимини ҳаяжон билан кузатади.

Достоннинг бош гояси Ойниса характеристини ёрқин  
тасвиrlаш асосида очила боради. Муаллиф ўзининг  
сновдан ўтган эстетик принципларига бу гал ҳам со-  
дик қолади. Асарда биз уруш йилларидағи мاشаққат-  
ли дамларни гавдалантирувчи турмуш лавҳалари қад  
кўрсата борганини кўрамиз. Шоир ўрни билан Ойниса  
ҳаётига шоирона экспкурс қилади ва бу оддий ўзбек аё-  
лининг рус ишчилари ёрдамида (Евдокия Петровна ҳам-  
да Кузьминич) илгор ишчи бўлиб етишиш жараёнини  
қизиқарли лавҳаларда тасвиrlаб беради. Айниқса, Ой-  
нисанинг етим болаларни кўргандаги ҳаяжонлари, Галя-  
ни ўз бағрига олғандаги ҳолати, бу жажжи қизалоқнинг  
қайғу-ғамларни унтиб, ўз қизи билан тотув ўйнаб юр-  
гандаги қувонишлари, қизни Москвага олиб кетиб қо-

лишгандаги согинини-изтироблари жуда самимий акс  
эттирилган. Ойнисасиниг онанинг фарзаандларига меҳр-  
муҳаббати тасвирланган сатрларга эътибор беринг:

Ипак сочин силайди,  
Эркалади, тараиди.  
Попук қизларим, дейди,  
Оппоқ юзларим, дейди...  
Қизамиқ қилич ушлаб,  
Юлмәқ бўлди қатордан.  
Ориасига опичлаб,  
Олиб ўтди хатардан.  
Қириққа чиқса иситма,  
Гиди эриб, бўлди сув.  
Бени кеча-куп сурунка  
Мижжак қоқмай чиқди у.

Она рус қизига ана шундай фидойиллик билан меҳ-  
рибоилик кўрсатади. Унинг қалб изтироблари жуда  
самимий ифодаланган. Мазкур парча оғир йиллардаги  
тиник шаронит ўз аксими тоигани билан ҳам диққатга  
сановор. Шонир халқ достонлари оҳангларига яқин ус-  
лубда ёзади ва мисраларини китобхон юрагига осон  
етиб боришига муваффақ бўлади.

Асарда рус қизи улғайгани сарп ўзбек оиласининг  
ҳақиқий аъзосига айланниб кетгани ҳам ҳаётий чизиб  
берилади. Қизалоқлар мактабга боришадиган бўлганда,  
Галия: «Нега мен — Павловаман, нега Шерматова эмас-  
ман?» деб савол берив, онани довдиратиб қўяди. Алани-  
га ичиди қолган она ортиқ сир сақлашга мадори етмай,  
ҳақиқатни айтишга мажбур бўлади. Галия эса бу гапга  
сира ишонмайди:

«Ёлғон, ёлғон, йўқ, ёлғон,  
Ўзинг туққансан мени!

Айтмабидинг, аяжон,  
Туққашман, деб, мени сени?!  
Айтмабидинг, қиши эди,  
Совуқ эди, деб, жуда...  
Сен-чи, иссиқ тұшакда  
Кулардинг, деб, уйқуда?  
Ұзинг мени туққансан!  
Аяжон, мама, мама!  
Сендан бошқа ким туғар!  
Сен туққансан, алдама!»

Бу мисралар, табиий равишда, үқінган кишини ҳаяжонга солади. Достон бошдан-оёқ мана шундай ҳароратли самимий мисраларда битилган. Үнда бобма-боб үзбек оиласи ва рус қизи үртасидаги қадрдошлиқ, олижаноблик, маънавий дўстлик катта маҳорат билан очиб берилади. Энг муҳими шундаки, шоир бирон ўринда ҳам қардошлиқ, дўстликнинг аҳамияти, қудрати ҳақида қуруқ гапириб, шеърий нутқ сўзлаб ўтирамайди. Бу вазифани асарда иштирок этадиган қаҳрамонлар бажаради. Адиб уларнинг характеристини, қалбида кечётган нозик туйғуларни, қувонч ва ташвишлару изтиробларни изчилилк билан суратлантириб берган.

«Қадрдоналар»— Мирмуҳсин қўлга киритган навбатдаги ижодий муваффақият саналади. У үзбек адабиётида дўстлик ва қардошлиқ, биродарлик мавзуини шоирона ёритиб берган яхши асарлар қаторидан жой олади.

50- йилларнинг иккинчи ярмида Мирмуҳсин яна бир йирик асар устида иш бошлайди. У үзбек шоирлари орасида биринчи бўлиб шеърий роман яратишга дадил қўл урди ва бир неча йиллик изланишлардан сўнг (1954—58- йиллар) «Зиёд ва Адиба» шеърий романини яратди. Романда ёшлар ҳаёти, йигит-қизларнинг илм олиш йўлидаги заҳматлари, севги саргузаштлари, маънавий дунёси самимий тасвирланади. Шоир Зиёд, Адиба, Деҳқонбой ота каби образларни ҳаётий бўёқларда

чишини учун кўп меҳнат қилган. Бу қаҳрамонларнинг рудаи бой дунёси асарда намоён бўлган. Романдаги Талъат образи ҳам жонли чиққан. Муаллиф ҳаётда учрайдиган айрим қуруқ савлат, жамиятга наф етказмайдиган олифта йигитлар қиёфасини маълум даражада бу образда мужассамлаштирган. Зиёд ва Талъат образини қиёсий ҳолда яратар экан, адаб ҳақиқий инсоний гўзаллик кишининг ташқи дунёсида эмас, балки унинг қалбида, меҳнати ва қилган ишларида эканини алоҳида таъкидлайди. Олижаноблиги, тўғри сўзлиги, ҳалол ва меҳнатсеварлиги билан асардаги Зиёд образи меҳримизни қозонади.

Шоир ўзининг эстетик принципларига содиқ қолиб, ҳалол, заҳматкаш оддий кинилар образини меҳр-муҳаббат билан севиб тасвирлайди, ҳаётда учраб турадиган иллатларни, қолоқ одамларни эса қаттиқ қоралайди.

Бу йирик шеърий асар адабий танқидчиликда жiddий мунозараларга сабаб бўлди. Аксари танқидчилар асарда шоир маҳорати ёрқин сезилиб турганлигини қайд этиши билан бирга образлар талқинида, асар композицияси ва сюжетидаги маълум схемалар изи бор деган фикрни билдирилар. Жумладан, «Ўзбек совет адабиёти тарихи» (1972) да шундай ёзилади: «Давр ва кинилар — Мирмуҳсиннинг «Зиёд ва Адиба» шеърий романининг (1959) ҳам асосий темасини ифодалайди. Бу асар совет ёшларининг мусаффо ва ҳаётбахш севгилари, уларнинг колхоз далаларида мўл ҳосил этишибтириш учун олиб борган курашларини ҳикоя қилади. Романдаги образлар системаси ва сюжет линиясидаги схематизм, афсуски, унинг ҳаётий ва тўлақонли чиқишига халал берган» (73-бет). Бу фикрда жон бор. Бу камчиликнинг сабаби Ф. Насриддинов тўғри қайд этганидек, «шоирнинг бу қийин ва мураккаб жанрда биринчи марта үз кучини синааб кўраётганлиги билан боғлиқ»дир. (Юқоридаги асар 48-бет.)

Шоир адабий тақиқидчиликда тұғри баён этилған фикрдан тегишли хуолоса чиқара олди ва кейинги йирик шеърий асарларида жиғдій мұваффақиятларға эришди. Бу гап «Широқ» ва «Невара» достонларынға тааллуклады.

70-йилларда яратылған «Невара» достони ҳамғоявий мазмуны ва йұналиши жиҳатидан «Қадрдоңлар»ға яқын туради. Бу достонда ҳам халқларимиздинг тарих синовларыда тобланған қардошлиғи, дүстлиғи, қондошлиғи гояси ҳәттій лавҳаларда, кеңг күламда тасвирилады. Саксои уч ёшли кампир Норбиби образи орқали үзбек халқининг сахиі қалбии, одамийлигини, меҳри дарёлигини умумлаштириб беради.

Қамириңнинг севикли ўғлы Аҳмадбек фашист босқинчиларига қарши курашда құрбон бұлған. У ҳарбий-далигіда рус қызы Марияга үйланған, үндан бир фарзанд күриб, отини Асқарбек құйған экан. Бомбардимон вақтіда она ҳам ҳалок бұлади, чақалоқни тоғаси Фёдор боқыб катта қиласы. Пиллар үтиб, йигит вояға етгач, ҳарбий хизматта чақирилади ва Тошкентта келиб қолади. Асқарбек неча күнлаб овора бўлиб шаҳар күчаларини пиёда кезади ва ниҳоят, ўз бувиси — меҳрибон Норбибини топиб олади. Шоир мана шу ҳәттій воқеа фонида кинниларимиззә хое олижаноблик, меҳру шафқат, қардошлиқ, биродарлық түйгуларини чуқур очиб беради. Достонда катта меҳр билан гавдалантирилған кампир уруш йилларыда жигарбандларидан ажralған минглаб үзбек оналарининг умумлашған образи сиғатида намоён бўлади. У ўғлы Аҳмадбек ҳалок бўлганинга сира ишонмайды, сабр-бардош билан, ишонч билан фарзандини кутади. Ниҳоят, унинг ҳәттіда мұъжиза юз беради: ўғлы эмас, невараси кириб келади. Күзлари хира тортиб қолған содда кампир солдат йигитни дастлаб ўз ўғлим деб үйлайды. Унинг шу пайтдаги ҳолати, кечинмалари достонда самимий чизилади. Онанинг бир

оз «эзмалик аралашган» шутки табиий, ишонарли чиқ-қан:

Ишонмасдим ўлганингга,  
Мендан ҳам ошени ёшинг.  
Қора мағиз эдинг, болам,  
Озгиниа оқарибсан.

Аҳмадбегим, саллот болам,  
Дема мени қариссан —  
Кута-кута сени, кўзим  
Озгиниа хиралашган,  
Айб қўйма, сўзларимга  
Эзмалик аралашган...

Қўрамизки, бу дил сўзлари ифодасида сохталик, сунъийлик йўқ. Мисралар ўз табиий оқими билан равон оқади.

Кампирининг оққўнгиллиги ва юксак маънавий фази-латлари, айниқса солдат йигит ўзининг ўғли эмас, не-вараси эканини билгаидан кейин янада кучли намоёни бўлади. У невараси атрофида парвона бўлиб, ўзини қўйишга жой тона олмай қолади.

«...Жамолиғини кўрдим, мендан  
Сўнг қоларим, зиёйим.  
Аҳмадбегим ўлган бўлеа,  
Асқарбеким — зурёдим...»—

деб севинганидан катта зиёфат қилиб беради. Шонир бу чинакам иносоний муносабатлар ҳақида ганирар экан, ҳар бир персонажнинг гап-сўзида, муомаласию, хатти-ҳаракатида миллий бўёқлар товланиб туришига ҳаракат қиласди.

Достондаги невара — Аҳмадбек образи ҳам табиий чизилганлиги билан бизни мафтун этади. Солдат йигит-

нинг ота диёридаги саргузаштлари, бувисини топа олмай қийналишларини шоир тиниқ нигоҳ билан тасвирлай олган. Неваранинг қариндош-уругларига, ота авлодига — ҳали ўзи кўрмаган, билмаган одамларга бўлган садоқатининг ўзиёқ кишини тўлқинлантириб юборади. Шоир Асқарбекнинг портрети, кийим-кечагидан тортиб, шаҳар кўчаларида пиёда кезиб, солдат этикларини дўқиллатиб юришигача эринмасдан тасвирлайди ва кўз ўнгимиизда унинг истараси иссиқ сиймосини аниқ гавдалантириб беради.

Мирмуҳсин бу достонида рус ва ўзбек халқи орасидаги қон билан мустаҳкамланган қардошликийн улуглаш билан бирга рус тилига бўлган улкан муҳаббатини ҳам мисралар бағрига сингдириб юборади. Бу муҳим масалага муносабат асарда декларатив тарзда эмас, балки образлар замиридан келиб чиқиб ҳал қилинади. Рус йигити билан ўзбек кишилари бир-бирини рус тили воситасида тушуниб, англаб стадилар Чойхоначи чолнинг солдат йигит -- неварарага айтган сўзларида рус тили ва рус халқига муҳаббат туйғулари самимий ифодаланади:

Гапир, деди чол солдатга,  
Ўрисча гапир, болам!  
Юрак яқин бўлгандан сунг,  
Яқин бўлади калом.  
Бувинг яхши тушунади,  
Билмайдиган одам йўқ.  
Ўрис болам — дуруст болам,  
Юрагингни қилгин тўқ.  
Ўрис тили қийин эмас,  
Қингир одамга қийин.  
Шариллатиб сўзлайман, рост!  
Очилди фикрим, жиян.

Бу очиқ айтилган дил сўзларида барча ўзбек халқининг түйгулари акс этган десак муболага бўлмас... Ўсталик билан ифодаланганди бу фоя ҳам асарда муҳим аҳамият касб этади, унинг ҳаётий заминини оширади.

Достон оптимистик руҳда тамомланади. Байрам куни саф тортиб ўтаётган минглаб солдатлар она кўзига ўз ўғли, ўз невараasidek бўлиб туюлади. Уларга боқиб турар экан, она ўғли Аҳмадбек ҳамда она-Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган барча солдатлар руҳи мана шу сафларда барҳаёт эканлигини ҳис қиласди:

Ўлмаган экан ўғлим,  
Минг бўпти бир Аҳмадбек,— дейди у.

Бу самимий айтилган сўзларда ҳам чуқур мазмун бор. Халқ баҳт-саодати учун, ҳақиқат учун қон тўккан кишилар ҳеч қачон ўлмайди, уннутилмайди. Ёш наслалар, янги авлодлар уларнинг муқаддас номини ёдда сақлаб, олга бора берадилар. Қурбонлар руҳи ёш авлод қалбиди, ишларида яшайди. Бу ҳаётбахш фоя достон финалида зўр куч билан жаранглайди.

«Қадрдонлар» ва «Невара» достонлари фоявий мазмун жиҳатидангина эмас, бадиий-тасвирий воситаларда ҳам умумий хусусиятларга эга. Бу ҳолат кўпроқ асар услуби ва поэтик қурилишида кўзга ташланади. Юқорида таҳлил қилинган уч достон — «Уста Фиёс», «Дунан», «Яшил қишлоқ» вазмин оҳангларда ёзилган бўлса, ке йинги достонлар анча енгил — етти бўғинли («Невара» да етти-саккиз бўғинли ҳижолар аралаш) мисралардан иборат. Бу эса мазкур достонларни равон ва силлиқ ўқилишини, китобхонга тез етиб боришини таъминлаган. Умуман, Мирмуҳсин достонларининг поэтик қурилишида ўзига хос бир қатор фазилатлар мавжудки, бу алоҳида бир тадқиқотни тақозо этади. «Невара» достони поэтикасига доир ўзига хосликлар ҳақида С. Мамажонов

нов дуруст фикрлар баён этган. «Аммо шоир буни (асар воқеаларини — O. A.) жуда кисқа мисраларда тасвирлашга эришади. Қисқаликка шу бўлиб ўтган воқеани—қаҳрамонларнинг руҳий кечинмасини анализ қилиш йўли билан, уларнинг онг оқимини, хотира булогини кавлаш йўли билан драматик асарлардаги каби кенг тарзда қаҳрамонларнинг диалогларини бериш йўли билан эришади. Достонда қандайдир эртак руҳи ва оҳангиги ҳам бор». («Ранглар ва оҳанглар», 74—75-бет.)

Тарихий мавзуу—Мирмуҳсиннинг энг севган ва истеъоди ёрқин намоёни бўлган мавзулардан саналади.

Шоир тарихий мавзуга қўл урар экан, Фридрих Энгельснинг: «Ўтмишга ҳурмат билан қараш чинакам маърифатпарварлик белгисидир», деган сўзларини дастурниламал қилиб олади. Шунинг учун ҳам у кўп йиллар давомида ўзбек халқининг олис ўтмишига доир зарварақ саҳифалар ҳамда қоронги, мусибатларга тўла дамлари ҳақида, халқимиз орасидан етишиб чиққан оташин саркардалар, буюк шоирлар, олимлар, меъморлар ҳақида, тарихни яратувчи ва олга етакловчи қудратли халқ оммаси ҳақида бир қатор шеърлар, балладалар, достонлар, ҳикоялар, қиссалар, романлар ёзди. Булар орасида кўхна тарих саҳифаларини жонлантирган «Широқ» достони алоҳида ўрин туради.

Шоир бу достон ёзилгунча ҳам тарихий мавзуга тез-тез мурожаат этган ва илк ижоди давридаёқ «Қизил олма», «Қамар» каби асарлар яратган эди. Кейинроқ у «Луқмон ва Ўроқбой», «Иби Сино ва томоғига сүяқтиқилган подшоҳ», «Бобир ва бир тилим Фарғона қовуни» каби балладалар ижод қилди. Булардан иккитаси халқ афсоналари асосида, учинчи— Бобир ҳақидагиси эса тарихий ҳужжатлар асосида ёзилган. Биринчи ва иккичи балладада инсоннинг ақл-заковати, тоқирилиги мадҳ этилса, учинчи балладада улуғ юргдошимиз

Заҳириддин Бобирнинг инсоний сиймоси, она юрг ҳажрида чеккан изтироблари ҳаққоний чизиб берилади. «Она юртинг омон бўлса, ранг-рўйинг сомон бўлмас», деганларидек, Бобир гарчи Ҳиндиистон тахтида ўтиrsa ҳам киндик қони тўкилган диёридан кўнгил уза олмайди. Айниқса, умрининг сўнгги йилларини қаттиқ соғинч ҳисси билан ўтказади. Балладада Бобир ҳаётидаги ана шу драматик ҳолатлар аича маҳорат билан акс эттирилгани учун у ҳаяжон билан ўқилади.

Мирмуҳсин навбатдаги тарихий асари «Авесто»да ҳам узоқ ўтмиш қаърига саёҳат этади ва халқимиз яратган, ҳозир жаҳондаги энг қадимий асарлардан бири саналган «Авесто» ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб беради. Бу асар ҳам она юртга ва унинг кўхна тарихига бўлган юксак муҳаббат, фахрланиш туйғуларига тўла. Муаллиф асарнинг бош қисмida тарихни ўрганишда ўзи амал қилаётган программани, эстетик принципларни баралла баён этади. Унинг фикрлари асосида ўзбек халқининг бой тарихига, маданиятига бўлган юксак ҳурмат ва муҳаббат ётади. Шоир айни замонда ўз тарихига менсимай қарайдиган айрим кимсалар устидан очиқчасига аччиқ кулади ҳам:

Баъзан шундай қўл силтаб, кўрмай,  
Ўтмиш бўм-бўш деймиз. Бу хато!  
Баъзилар бор минг йил нарини  
Бадавий деб қарайди ҳатто.  
Кўзларига динозаврлар,  
Форлардаги палеантроп...  
Кўринингандай бўлади бирдан.  
Пўқ! Орада бор зўр даврлар,  
Тарих узоқ, тарихда гап кўп!

Шоир ана шу узоқ тарих қаърида кўмилиб, иомаълум бўлиб ётган кўп гаплар билан халқимизни янада

кенгроқ таништириш ниятида қалам тебратади. У «Авесто»дек муқаддас, күұна китобин яратған қадимги аждодлариміз суғдар, хоразмийлар, массагетлар, шаклар ҳақыда тұлқинланиб гапиради. Бу муқаддас китоб замирида әзгулик, ваташарварлық, иисенийлик ётгалиғи учун у үлмаслик ҳуқуқнин қозонғанлигии бадий ифодалаб беради. Үтмишимиznинг нурли сағифалариниң жүшқин мұхаббат билан күйлаш бу асарнинг етакчи пафосини ташкил этади. Мана шу пафос шоирнинг тарихий мавзудаги барча асарларига сингиб, уларынг лейтмотивига айланиб кетган.

Мирмухсиннинг «Широқ» достони халқимизнинг эрадан олдинги давридаги ҳаётiga бағишиланған. Асар катта илмий ва маърифий қимматта эга. Тарихий фактлар ва машұр олимларнинг асарларынға сүяниб ёзилған бу достонда қадимги аждодларимиз — туркий қабилялардан бири бұлған шакларнинг Эрон босқинчилариға қарши курашиға доир воқеалар кең акс эттирилади. Шоирнинг үзи асарни ёзиш сабабларини шундай изохлайды: «Эрон шохи Доро I катта құшин билан икки дарё үртасыда яшовчи аждодларимиз — суғд, шак, хоразмий, массагет уруғлари устиға бостириб келиб, талон-торож қиласы. Шак уруғларидан бұлған чүпон Широқ үз жониниң құрбон қилиб, душманни құмлайларға чалғытиб олиб кетіб, сувесизликдан қириб юборади. Миссиз қаҳрамонлық күрсатыб, үз мамлакатини босқинчилардан асраб қолади. Шу ер фарзанди бұлишім сабабли ҳам бу баҳодирлық ҳақыда күйламай иломжим бўлмади».

Асарда тасвирланған халқ қаҳрамони Широқ ва қабила бошлиғи Саксфар ҳамда ёвуз босқинчилар — Доро ва Ропосбат образлари мукаммал бүёқларда чизилған. Шоир олис үтмиш даврларини күз олдимизда аниқ гавдалантириш учун этнографик материалларга күп мурожаат этади. Шак қабиляларнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари, кийим-кечаги, диний маросимлари ҳақыда батафф

ил маълумот беради. Масалан, у Широқнинг қиличини гасвирлар экан: «Шер тасвири бор қиличида», — деб ёзди. Бу — шунчаки тасодифий ишлатилган деталь эмас. Мисра чуқур тарихий моҳиятга эга. Ҳозирги иммий маълумотларга кўра, уч йирик қабилалар бирлашмасидан иборат бўлган шак (сак) қабилалари Олтойдан тортиб Днепргача чўзилган улкан територияда яшаган йирик халқ — скифларнинг туркий тилда гаплашганини исботловчи кўпдан-кўп далилларга эга. Скифлар ва шакларга мансуб қўрғонлардан топилган қимматбаҳо моддий буюмлар — қуроллар, асбоб-ускуналар, турли идишиларнинг ясалишида муштараклик бор. Бундан ташқари, ана шу буюмларда жуда ҳам нафислик, нозиклик билан ишланган ва бир-бирига жуда ҳам ўхшаш бўлган ҳар хил ҳайвонлар тасвири мавжудки, бу суратлар «Жонлик услуби» («Звериный стиль») деган ном билан аталади. Шоир қиличдаги шер тасвири ҳақида гапирав экан, ана шунга жуда усталик билан ишора қилиб ўтади. Достонда тилга олинган оловга сигиниш, юлдузларга қараб йилнинг хислатларини аниқлаш, қуёшга топиниш каби одатлар ҳам қадимги халқларга, жумладан, туркий қавмларга мансубdir. Шоир шак қабилаларининг турли урф-одатларини, турмуш тарзини тиниқ мисраларда гавдалантириш учун катта меҳнат қилган ва поэтик деталларни маҳорат билан қўллаш орқали тасвирида аниқликка эриша олган. Фикримизнинг исботи учун қўйидаги парчани ўқиб кўрайлик:

Тун чўқади, қанча қоронғу  
Бўлса, шунча ярқирап юлдуз.  
Кекса чўпон мудрар беийқу,  
Олтин тўла кўкдан узмас кўз.  
Кунботишда турар «Тарози»,  
Ёруғ юлдуз ғоятда чақнар...

Демак бу йил Хоумаварк ёзи  
Иссиқ келар, далалар қақрар.  
Сомон йўли жуда ҳам қуюк.—  
Этизакни кўп туғар қўйлар.  
Кўпаяди сурувда туёқ,  
Кўкка боқиб, чол узоқ ўйлар.  
Пастқам уйлар, қамиш капалар,  
Намат ўтов узра чўкмниш туи.  
Гулхан ёнар, чол ўтин қалар,  
Ёш-яланглар ўрамиши бутун.

Қасби чорвачилик бўлган шакларнинг кундалик турмушига доир бу лавҳалар орқали биз кўп нарсаларни билib оламиз. Айниқса, фалакдаги юлдузларнинг жойлашгани ўрнига, кўринишига қараб каромат қилаётгани ва фаровонлик ҳақида ўй сураётгани кекса чўпоннинг кечинмаларида катта маъно бор. Маълумки, ҳозирги фан-тәхника ютуқлари бўлмаган олис ўтмишида одамлар кузатиш орқали табиат ҳодисаларининг сирини излаб топишга уринганлар ва секин-аста бунга муваффақ бўла борганлар. Юқоридаги сатрларда ҳам ани шунга ишора борки, бу ҳол муаллифнинг тарихни чуқур ўргангани ва ҳис қилганидан далолат бериб турибди. Бундай одатларнинг реалистик тарзда акс эттирилиши, юқорида айтилганидек, катта маърифий аҳамиятга эга. Лекин достоннинг асосий фазилати фақат бунда эмас. Ватанпарварлик, халқи, юрти учун фидойиллик, ёвуз душманга, чет эл босқинчиларига нафрат асарининг бош лейтмотивини ва асосий моҳиятини ташкил этади. Бу юксак гоялар достондаги Широқ образида айниқса ўз ифодасини топган.

Адид олдинги достонларида қаҳрамонларини ҳаётнинг ўзидағидек тасвирилашга ҳаракат қилиб, тасвир принципларида шунга жиддий амал қилган бўлса, бу асарда кўпроқ романтик тасвирни қўллади. Тўгрироғи, реалистик принциплар билан романтик тасвир ўрини-

ўрни билан алмашиб турати. Бу ҳол, айниқса, Широқ образида яққол сезилади. Шоир Широқ образини ранг баранг бүёқларда тасвирлайди. Ф. Насридинов сўзлари билан айтганда: «Широқни шоир афсонавий паҳлавонларга ўхшатиб тасвир этади. У курашда йиқилмайди, отда бургутдек ўтиради, камонда бехато уради. Чорба кушандаси — бўрилар ундан омон топмайди. Ўз ерини, атроф-теваракини беш пашкадай билади. У босмаган йўл, у кезмаган чўл йўқ. Сўзлари маъноли, ақлли, девкор, белгиза қирқ йўлбарснинг кучи бор, ўз қабиласи учун жои фидо этишга шай, ботир йигит. Шуннинг учун ҳам халқ уни ўз фарзандидай севади, ардоқлайди». (Юқоридаги асар, 43—44-бет.) Достоннинг бош қаҳрамони ана шу тахлитда кўз ўнгимизда пайдо бўлади. Асар тарихий мавзуда, бунинг устига халқ афсонаси асосида яратилгани учун бундай тасвир ўзини тўла оқлади.

Оддий чўпон йигит Широқ мислсиз жасорат кўрсатиб, халқнинг севимли қаҳрамонига айланади. Ўз қабиласининг мард ўғлонлари билан бирга ёвуз босқинчи Эрон қўшинига, мустабид Дорога қарши курашга отланади. Тенгиз жаигда шак қўшини қаҳрамонларча курашса-да, озлик қилгани учун чекинишга мажбур бўлади. Қабила оқсоқоллари шошилинч кенгаш ўтказиб, босқинчиларга зарба бериш чораси устида бош қотирадилар. Шунда Широқ ўзининг оддий, аммо пухта ўйланган таклифини — хийла-найранг билан Эрон қўшинини саҳро ичкарисига, сувсиз биёбонга олиб кириб йўқ қилиб юбориш режасини ўртага ташлайди. Довюрак чўпон ўз режасини усталик билан амалга оширади. Душман маглуб этилади. Широқ қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

Шоир ўз қаҳрамонини ана шу буюк жасоратга ундан ички маънавий омилларни, ундаги метин ирода ва ўз юрти, халқига бўлган тенги йўқ муҳаббатни чуқур таҳлил этиб, умумлаштириб беради. Широқнинг юксак

ватанпарварлиги мана бу мисраларда ёрқин ифодасини топган:

Наҳот шаклар ожиз — аёлманд!  
Наҳот шаклар сўйилувчи қўй.  
Наҳот шаклар ейди доим панд!  
Наҳот гафлат ичра қолди ўй!  
Ҳар бир аблаҳ, ҳар бир газанда  
Чўпон шакни қиласи горат!  
Ахир бу жон бор экан танда,  
Кимга ёқар қуллик — ҳақорат!  
...Мен элимни қул кўргушишча,  
Чириганим маъқул тупроқда!

Она юртига нисбатан ана шундай мислсиз муҳаббат, босқинчи ёвга мислсиз нафрат Широқнинг бутун томирларида ғалаён қиласи. Келтирилган парчадаги сўнгги икки сатрдаги сўзлар қаҳрамоннинг ҳаётий эътиқоди, умрининг мазмунига айланаб кетади. Шоир Широқдаги бундай нодир фазилатларни, қалбидаги туғёнлар ва драматик кечинмаларни бўрттириб, поэтик пафос билан тасвиirlар экан, бутун шоирлик қудратини ишга солади ва қалбларни ҳаяжонга келтирадиган ўтмиш афсонасига янги ҳаёт бахш этишга мубаффақ бўлади. Чўпон Широқнинг Эрон босқинчиларини қақраб ётган саҳрого алдаб олиб кириши ва Доро, Реноосбатлар билан тўқнашуви тасвиirlangan саҳифалар асарнинг энг таъсири ва энг жозибадор ўринларидан ҳисобланади, китобхон уларни бефарқ ўқий олмайди.

Юксак ватанпарварлик руҳи жўш уриб турган бу асар адабий танқидчилик томонидан ҳам яхши баҳоланди.

«Широқ» достони сўнгги йилларда ўзбек шеърияти қўлга киритган ютуқлар сафидан муносаб ўрин эгаллашга ҳар жихатдан ҳакли

Шеъриятда лирик тасвир билан эпик тасвирни омихта қилиб юборган Мирмуҳсин ўзининг йирик шеърий асарларини китобхонларга манзур қила олди. Унинг «Уста Фиёс», «Дўнан», «Яшил қишлоқ», «Қадр-донлар», «Широқ», «Невара» каби достонлари, шеърий романи совет кишиларининг маънавий дунёсини шакллантиришдек эзгу, олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

## ИҚКИНЧИ БЎЛИМ

### НАСР ҚҰЛАМИ

Бадиий истеъдод адабий тур, жанрлар орқали на-  
моён бўлади, бадиий ижодга лаёқати бор одам исталган  
тур ва жанрда қалам тебрата олиши мумкин ҳам, шарт  
ҳам эмас; одатда улкан истеъдодлар кўпроқ бир, нари  
борса икки-уч тур ва жанрлардагина ёрқинроқ узини  
кўрсатиши мумкин. Прозада жуда яхши асарлар яра-  
тиб шеъриятда бирор сатр ҳам ёзишга қўли келмаиди-  
ган ёки, аксинча, шеъриятда катта довруғ қозонса-да  
прозага бирор марта қўл урмаган адиллар кўп. Ҳар  
ҳолда проза билан поэзия, аниқроғи шеърий истеъдод  
билан насрый талант орасида маълум, балким жиҳдий  
фарқ бор. Бир одамда бу икки хил истеъдоднинг бараварига намоён бўлиши ноёб фазилат. Бу, бир чеккаси,  
адабиётдаги анъаналар, қолаверса адабиёт ривожи-  
нинг ҳолати, даражаси билан ҳам боғлиқ. Бизнинг ҳалқ  
достонларимиз наср билан назм жўрлигига айтилган,  
барча ҳалқ бахшилари ҳам шеърият, ҳам наср усталари  
бўлганлар, улар оғзаки насрый нақлиётни ҳам, шеър  
ўқишини ҳам жойига қўйганлар. Ўзбек классик адабиёт-  
тининг чўққилари саналмиш Навоий ва Бобир назм билан  
насрнинг тенгиз дурданаларини яратганлар. Бу  
анъана совет даврида янги шароитда, янгича кўриниш-  
да давом этди, ўзбек совет адабиётининг асосчилари ва  
иilk авлоди вакиллари Ҳамза, Абдулла Қодирий, Сад-  
ридин Айний, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон,  
Үйғун, Комил Яшин, Шароф Рашидов, Ойдин Собиро-

ва — барчаси ижодни шеъриятдан бошлаганлар, Ойбек билан Faфур Fuлом шеърият билан прозани умр бўйи бирдек кўшиб олиб борли; алабиётимизнинг ўрта авлоди вакиллари қаторида Мирмуҳсин ҳам якши шоир, истеъододли иносир сифатида олга танилди.

Мирмуҳсенининг илк шеърларидаи бири «Непаи йигитига» 1936 йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» журналида босилган эди. Худди ўша йили пионерлар журнали «Ёш куч»да унинг «Шералининг мардлиги», «Овчи болалар» ҳикоялари эълон этилди. Шу тариқа у бадиий ижодни ҳам проза, ҳам поэзияда бараварига бошлади, мана, қирқ йилдан ошибидики, бу икки соҳани бараварига давом эттираётir.

Шуниси ҳам борки, гарчи автор назм билан насрин ижодни бараварига бошлаган, баравар давом эттирган, унинг илк китоби насрда Сайд Аҳмад билан ҳамкорликда ёзилган, 1942 йили чоп этилган «Эр юрак» тўплами саналса-да, 60- йилларга қадар шеърият баланд келган, ўша кезлари асосан шоир сифатида танилган. Кўплаб шеърлар, ўндан ортиқ поэмалар, шеърий роман — «Зиёд ва Адиба» ўша йиллари пайдо бўлган. 50- йилларнинг ўрталари, 60- йиллардан бошлаб наср олдинги ўринга ўта бошлади, олти роман, ўнга яқин қисса, ўнлаб ҳикоялар мана шу йиллари ёзилди. Адиб билан сұхбатда ижодининг маълум босқичида шеърий ҳолат, бошқа бир палласида насрин майлиниг устун келишиб боисини сұраганимизда у шундай жавоб қиласи:

«50- йилларнинг ўрталарига қадар шеърият устун келгани, эҳтимол, менинг ўша кезлардаги ҳолатим, кайфиятим, майлим билан алоқадордир. Ҳар қандай ижодкор ёшлиқ, йигитлик пайтида шеъриятга яқинроқ бўлади. Лекин мен ўша кезлари ҳам насрни тарк этганим йўқ. Маълум йилларда мен мактабгача ёшдаги болалар учун ҳам қўпгина жажжи ҳикоялар ёздим. Шу ишга жуда берилиб кетган эдим. Менга Лев Толстой бобо илҳом берган эди. Шу 50- йилларга қадар бизнинг бо-

лалар адабиётимизда яхши шеърлар, қиссалар, пьесалар бор эди-ю, кичик ҳикоялар йўқ даражада эди.

Гап бунда ҳам эмас. Сизга бир сирни очиб қўяйин. Пединститутда ўқиб юрган йилларим «Профессор Сайдовнинг боши» номли фантастик роман ёзган эдим. Асар адабий тўгаракда муҳокама қилинган эди... Роман ҳақида ҳам илиқ, ҳам танқидий гаплар бўлган эди, лекин ундан кўнглим тўлмади, босилмай қолиб кетди. Урушдан кейин «Олтин куз» номли повесть ёздим, «Шарқ юлдузи»да ундан каттагина бир парча босилди, сўнг «Коммунизм чироқлари» қиссанини ёздим, ҳар иккала қисса ҳам кўнгилдагидек чиқмади... Шундан кейин мен кўпроқ кичкинотйлар билан гаплашадиган бўлиб қолдим, мен насрда илк бор кичкинотйлар билан тил тоидим, десам хато бўлмас, бу соҳадаги тажриба секин-аста катталар кўнглига ҳам йўл оча бошлади... Дарҳақиқат, кейинги ўн-ўн беш йиллар мобайнинда мен насрда ўзимни яхши сезяпман. Ёзувчи ҳаётида шундай ҳол бўлади. Мени ўз ҳолимга қўймай ёзишга ундаётган фикрлар, воқеалар кўпроқ наср қиёфасида кўринимоқда...»

Ёзувчи сўзидан, у берган маълумотлардан ҳам кўриниб турибдими, автор шеърият билан астойдил банд бўлган йилларда ҳам насрни тарқ этган эмас, бироқ болаларга аталган айрим яхши ҳикояларни мустасно қилганида улар кўнгилдагидек чиқмади, улардан авторнинг кўнгли тўлмади. Бироқ бу машқлар, изланишлар самарасиз қолиб кетмади, кейинроқ адабнинг таниқли носир бўлиб етишувида муҳим аҳамият касб этди. «Уша машқлар мактабидан ўтмаганимда,— дейди адаб,— эҳтимол мен «Дорбозлар», «Сурат», «Жамила», «Араб ҳикоялари», «Умид», «Меъмор» сингари асарларимни яратса олмаган бўлардим».

Мирмуҳсин ижодда бора бора наср томон оғиб кетишининг яна бир сабаби бор. Гарчи адаб шеъриятда ҳам баракали ижод этган, шоир С. Шчилачев сўзлари билан айтганда, «хамон шеъриятнинг олтин қаламини

тарк этмай келаётган, унинг қалами остидан аввалгидек гўзал сатрлар қўйилб турған» бўлса-да, шеъриятинииг, ҳа, поэтик тафаккурининг ўзида прозага мойиллик мавжуд. Бу ҳол баъзиларга эришроқ туюлади, бундай хусусият айrim эътиrozларга сабаб ҳам бўлган. Бу жиҳатдан С. Шчиپачев эътирофи характерли. «Бир вақтлар,— дейди у,— қайси йил экани аниқ эсимда йўқ. Москвадаги Адабиётчилар уйидаги ўзбек шоирларининг асарлари, жумладан Мирмуҳсин шеърлари муҳокама қилинган эди. Ёдимда, менга Мирмуҳсин ижодининг кўп жиҳатлари маъқул тушган эди. Бироқ ўшанда мен ундаги керагидан ортиқ даражада заминга яқинлиқдан койинган эдим. Мен ўша пайлари бу хилдаги заминга яқинлик самарали эканини, вақти келиб... шоирни романлар, повестлар устида ишлашга олиб боришини билмаган эканман».

### ХАЛҚЧИЛ ҲИКОЯЛАР

Маълумки, 50- йилларнинг ўрталарида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида жиддий ўзгаришлар юз берди, догматизмнинг кескин танқид қилиниши, ленинча ҳаёт нормаларининг тикланиши, социалистик демократиянинг кенгайтирилиши — коммунистик партия амалга оширган шу катта муҳим тадбирлар адабиёт ва санъат ривожида муҳим из қолдирди, сўз санъатининг ҳаёт билан алоқаси мустаҳкамланди, адабиёт меҳнаткаш халқнинг кундалик турмушига, унинг дарду ташвишларига яқинроқ бўлиб қолди, маълум вақтлар жамият организмининг «винтча»лари деб қарабган оддий инсонга эътибор кучайди, инсон сўзи мағрур жаранглай бошлади, социалистик реализм санъатининг гуманистик пафоси яна ҳам қудратлироқ намоён бўла борди. 50- йиллар адабиётига хос шу стакчи тенденциялар ҳар бир адид ижодида хилма-хил кўринишда ўз зуҳрини топди.

Мирмуҳсиннинг янги этаңда яратгац энг яхши про-

занк асарлари аввало учта муҳим фазилати билан аж-  
ралиб туради; биринчидан, улар оддий меҳнаткац аҳли  
турмушидан олинган; иккинчидан, уларда шу оддий,  
камсуқум меҳнат аҳлигага хос маънавий фазилатлар  
улугланади; учинчидан, менимча энг муҳими, уларниң  
қаҳрамонлари маълум инсоний дард билан нафас олув-  
чи оддий кишилар, бу асарлар шу оддий меҳнат аҳли-  
нинг ташвишларига ҳамдардлик түйгуси, билобарни  
гуманистик пафос билан йўғрилган. Автор ватандош-  
замондошлари ҳаётидан сўз очадими, хорижий мамла-  
катлар — ҳинд, араб ва афғон ҳалқи турмушини қалам-  
га оладими, Хоразмининг мунгли ўтмиши ҳақида ҳикоя  
қилладими — ҳамма ҳолларда шу уч муҳим фазилатни  
бирдек намоён этади. Мирмуҳсиннинг аввал яратган  
асарларида, ҳаттоқи «Уста Фиёс», «Зиёд ва Адиба» син-  
гари нисбатан эътибор қозонган йирик шеърий иполот-  
ноларида ҳам бу фазилатларнинг баъзилари озми-кўими  
мавжуд бўлса-да, учинчиси — инсон, қаҳрамон ташви-  
шига ҳамдардлик түйгуси заифроқ эди. Мирмуҳсиннинг  
яиги этапдаги энг яхши асарлари яна бир бор шундан  
далолат берадики, инсонга меҳр, чуқур инсоний дард,  
гуманизм фақат санъат асарининг гоявий йўналишига-  
гина алоқадор бўлиб қолмасдан, унинг бадний таъсири-  
чанлигини оширишдаги муҳим фактлардан биридир.  
Ёдимда, Мирмуҳсин асарлари, хусусан «Зиёд ва Адиба»  
ҳақида анча кескин салбий фикр билдирган Абдулла  
Қаҳҳор бир суҳбатда «Араб ҳикоялари» ҳақида, аниқ-  
роғи, шу туркумга кирган «Йўқолган жавоҳир» билан  
«Искандария кўрфази» ҳақида маминуният билан: «Бу-  
ларни асар деса бўлади, бу срда ҳаёт бор, қалб бор,  
кatta дард, одам боласиниг ташвишига чуқур ҳам-  
дардлик бор», деган эди. Айтилганларга яна шуни кў-  
шимча қилиш керакки, яиги босқичда яратилган эл оғ-  
зига тушган энг яхши насрый асарларда ҳаёт ҳақиқати,  
қалб түфёни, катта дард, ҳамдардлик түйгуси ўзининг  
яхшигина бадний шаклини ҳам тоғган.

«Қуламас қоя» ҳикоясининг қаҳрамони Жўрабек ҳаётнинг кўп мاشаққатли сўқмоқларидан матонат билан ўтган одам, қулоқлар ўқидан омон қолган, фашистлар уни ўлдиrolмаган, маъна энди у белаво лардга мубтало, у шу оғир дард билан олиниади; ёзувчи қаҳрамон умрининг сўнгги дақиқаларидағи ўй-хаёллари, ушалгани ва ушалмаган орзу-армонларини гоят табиий, таъсирчан ифода этади.

«Дорбозлар» ҳикоясидаги Тошпўлат отанинг ҳолати, тақдирни ҳам ўқувчини ҳаяжонга солади. Тошпўлат отанинг авлодлари машҳур дорбоз бўлганлар, ўзининг ҳам дорбозлик санъати бобида тенгни йўқ. Қария йигирма йилдан бери дор ўйнамайди, лекин бирор дақиқа бўлсизи дорбозлик касби хаёлидан нари кетмайди. Йўқ, «Дорбозлар» қаҳрамони 40-50- йиллар адабиётида кўп учрайдиган жамики орзу-армонлари ушалиб, қариллик гаштини суриб, ўтгани-кетганга насиҳат қиласидиган, нуқул ақлли гап айтадиган «баҳтиёр отахонлар»дан эмас, дорбозлик касби билан видолашув бу одам учун жўйи кечгани йўқ, йигирма йил бурун қизғин томоша пайтида тасодиф туфайли ҳам ўғил, ҳам набирасидан айрилган, шу фожиа туфайли бу ажойиб дорбозлар сулоласи давом этишдан тўхтаб қолган. Ёзувчи шу фожиа тафсилотларини китобхон кўзи олдида гавдалантиради, фожиа пайтидаги отанинг ҳолатини катта маҳорат билан чизади. Сўнгра адид йигирма йилдан бери шу оғир кўргилик аламлари ўтида қоврилаётган қалбнинг изтиробларига ўқувчини шерик этади, айни пайтда бу аламдийда, камсуқум одам қалбидаги шу оғир мусибатларни енгишга қодир кучини ҳам кўради, топиб тасвиrlайди. Шуниси муҳимки, ҳикоянавис асар замиридаги драматик кескиниликни, зўр ташвиш-аламни сусайтиrmаган, сўндиrmаган ҳолда воқеалар силсиласини оптимистик руҳ билан якулайди: аламдийда отахонни дор ўйинига олиб борадилар, ёш дорбозлар отахонни таниб, унга

Хурмат кўрсатадилар, отахон ўз сулоласи тугаган бўлса ҳам унинг касби—санъетини давом эттираётганлар, уни ҳурмат қиласидиганлар борлигини кўриб, кўнгли тогдай кўтарилади.

«Сурат», «Созанда», «Топилган ҳусн» ҳикояларининг қаҳрамонлари ҳам оддий, меҳнаткаш, заҳматкаш, хокисор одамлар. Улардаги персонажларнинг ўз дардташиши бор.

«Топилган ҳусн» персонажи Нафисанинг мана бу ҳолати кишида мунгли бир кайфият уйғотади.

«Кечқурун эри ҳизматдан қайтганида усигига пахталик чонон кийиб, боинин таңгиб олган Нафисага қўз ташлаб сўкиниарди: «Мунча хунук — исқиrtleсан!» Нафиса сукут ичра йиғлаётган гўдакни овутишга тутинади. Нариги хонадан пиёла олиб чиқа туриб, бир лаҳза токчадаги ойна ёнида тўхтаб, ўзига қарайди: дарҳақиқат, у хунук... Унинг кўзлари бошқаларницидай чарос эмас. У ориқ ва рангпар. У ҳўрсниниб ҳам қўйди: начора, ҳамма ҳам чиройли бўла бермас экан. Бунинг устига унинг тишин ҳам тушган — бу ҳомиладор вақтида содир бўлган эди. Икки қўюли ёрилиб, ҳадеб глицерин сургани ҳам фойда бермасди. У ўзининг «хунукроқ» жувон эканига иқрор эди. Унинг негадир ойнага кўп қарай беришга ҳам, безанишга ҳам майли йўқ эди... Нафиса эрининг жеркишлари, «хунуксан», дейишиларига ҳам чидарди. Аёл кинни учун бундан ҳам оғир гап борми?! У ҳусни йўқлигини биларди, гап билмаслигига ҳам иқрор. Баъзан уҳ тортарди, унинг фикрича, яхши ҳамки осмон бор — ердан кўтарилган қанча-қанча губорларни ютгани билан қорайиб кетмайди...»

Шу тариқа қўз олдимизда аянчли бир лавҳа — етимлик билан ўсган, қариндош-уругларининг тазиёки билан иопок бир эрга учраган, оилада рўшнолик ўрнига нуқул ҳўрликлар кўрган, энг ёмони, ҳўрлигу камситишларга кўникиб қолган аёл қиёфаси пайдо бўлади. Биз персонаж қисматининг давомига қизиқиб қоламиз, бу

аянчли ҳолат — ҳодиса қандай якунланар экан, деб бош қотирамиз. Ёзувчи худди «Дорбозлар»да бўлгани каби персонажни ғам-гуссалар, гурбатлар гирдобидан олиб чиқини йўлини қидиради, афсуски жуда осон йўл танлайди. Эринг тарсакисидан қалби дарз кетгани Нафиса онлани ташлаб комбинатга ишга киради, меҳнатда ўзлигини топади, бирдан ҳусни ҳам очилиб кетади, бир механик йилгитни ўзига ром этади — буларнинг барчаси қуруққина баён этилади.

Ёзувчи ҳикояларида персонажлар бошига тушган кулфатлар, уларнинг дарду ташвишлари ифодаси билан баробар қаҳрамонлар табиатидаги бир қарашда оддий, камтарона, аслида эса ноёб эзгу хислатларнинг кучи ва жозибасини бевосита кўрсатишга интилиш ҳам бор. Буни қисман «Куламас қоя»да, «Дорбозлар»да кузатиш мумкин. «Созанд» билан «Сурат»да эса бу фазилат аяча ёрқин кўзга ташланади.

\* \* \*

«Араб ҳикоялари» Мирмуҳсин ижодида алоҳида ўрин тутади, ўз даврида, адабий тақиҷдчиликда таъкидланганидек, мазкур туркум ўзбек ҳикоячилигида ўзига хос ҳодиса бўлди. Уларда Мирмуҳсиннинг янги этапдаги насрний асарларига хос гуманистик пафос янада кучлироқ кўринди.

Туркумнинг дунёга келиши тарихи ҳақида авторнинг ўзи ёзди: «1958 йили, баҳор ойларида СССР маданият арబоблари делегацияси составида мен Миср ва Сурияга саёҳат қилиб, бир қанча шаҳар ва қишлоқларда бўлдим. Мазлум араб халқи ҳёти билан танишдим. Кўп замонлар инглиз империализми ва маҳаллий бойлар зулми остида эзилгани заҳматкаш халқ бизниниг Совет мамлакатимизга, Москвага катта меҳр ва гойибона

Эҳтиром билан қарайдилар. Бу түйгүни мен ўз кўзим билан кўриб, сезиб, узоқ сафардан қайтиб келганимдан сўнг, шу заҳматкаш халқ вакиллари ҳақида бир қанча ҳикоялар ёздим».

Асримиз ўрталарида Арабистон тарихида юз берган асосий жараёнлар бу ҳикояларда ўзининг ҳақиқий ифодасини топа олган. Империализм зулми, таҳқирангаш, хўрланган оддий меҳнаткаш халқнинг аҳвол-руҳияти, уларнинг ададсиз миллий зулм ва надоматларга қарши нафрат ҳамда исёни, мустамлакачилик ҳалокати, синфий адоват, араб халқининг советлар мамлакатига катта меҳр ва гойибона эҳтироми — буларнинг барчаси Арабистон ҳақидаги ҳикояларининг тематикаси ва гоявий мазмунини ташкил этади.

Ҳикояларнинг кўпчилиги Арабистоннинг яқин ўтмишига, араб халқининг инглиз империализми зулми остида ўтказган оғир кечмиши тасвирига бағищланган. «Ал Маҳдий», «Илон ўйнатувчи», «Жабрдийда», «Мона» ҳикоялари ана шу оғир ҳаёт йилларининг хилма-хил манзараларини китобхон кўзи олдида гавдалантиради. «Ал Маҳдий»да тасвирланишича, инглиз савдогари катта магазин очиб, маҳаллий майдада ҳунармандларни хона-вайрон қиласди, кўплар қатори мисгар Ал Маҳдий моллари ҳам касодга учрайди, қашшоқлик авжига минади, ҳунармандларнинг оч қолган болалари тўда-тўда бўлиб тиланчилик қиласдилар. Инглиз савдогари ёнида: «Мистер, баҳшиш», деб турган тиланчилар орасида ўзининг яккаю ягона набирасини кўрган Ал Маҳдий ғазаб ва аламга чидолмай набирасининг мистерга узатган панжасини янчидан ташлайди. Ёзувчи Ал Маҳдий қалбидаги ўз-ўзини англаш, таҳқириу надоматларга қарши ғазаб ва исёни туйғу аланигасини ана шундай ҳаяжонли лавҳада беради. «Жабрдийда» асарида бошқачароқ манзарага дуч келамиз. Бу ерда инглиз зодагонларининг маҳаллий халққа паст назар билан қараши устида гап боради. Кичқина Абу касаллик тўшагида пажотсиз ётган она-

сининг дардига малҳам қидириб дориҳонага боради. Қибор инглиз аёли Абунинг илтижоларига қулоқ ҳам солмайди. Ёш бола рецепт ва пулни қолдиради-да, шишадаги дорилардан бирини олиб уйга чопади. Боланинг бошқа хил дори олиб кетгани маълум бўлади. Шунда бояги инглиз хотин тамомила лоқайд бир ҳолда: «Дори олиб чиқиб кетибди, жинни... Энди нима бўлади? Ичиб қўяди...» Бу бадавийлар ичida ишлаш жуда қийини,— деда хохолаб кулади... «Илон ўйнатувчи»да биргина инглиз хонимнинг кўнгил очиш истаги учун илон ўйнатувчи араб ҳалок бўлади. «Мона»да эса кекса араб аёлї келгиндилар кўнгли учун маҳаллий амалдорлар томонидан ҳақоратланади.

Бу ҳикояларнинг ҳаммасида миллий озодлик йўлига кирган ҳалқнинг онгидаги бир кайфият — миллий ифтихор туйгуси тарихи ҳаққоний тасвирланган. Автор мазлум ҳалқ вакиллари онгидаги миллий ифтихор туйгусини ифода этаётганда бу кайфиятнинг умумдемоқратик мазмунини очишига, уни зулмга қарши миллий озодлик ҳаракати билан боғлашга ҳаракат қиласи, уни империалистик келгиндилар миллатчилигига қарама-қарши қўяди, империалистлар миллатчилигини реакцион ҳодиса сифатида фош этади. Ал Маҳдийнинг («Ал Маҳдий» ҳикояси) инглизларга нафрати гоят зўр, ундаги миллий ифтихор ҳисси ҳар нарсадан кучли. Шу ифтихор, шу туйгу ҳатто уни катта жиноят йўлига бошлайди, у бегуноҳ набирани жабрлайди. Шунда ҳам китобхон бу дарғазаб кимсани айблагиси келмайди. Ҳамма айб сиртдан беозор, саховатли кўринган инглиз савдогарида эканини ҳис этиб туради, бу савдогарга нисбатан нафрати авж олади. Маданий кийинган араб қизи («Мона» ҳикояси) ўз ватандошининг маҳаллий амалдор томонидан келгиндилар олдида ҳақоратланишига тоқат қилолмайди, бунга қарши исён кўтаради: «Мен ўз ҳалқимнинг бундай ҳақоратланишига ҳеч йўл қўймайман! Бундай аҳволни кўриб тургунча кўзларим оқиб тушсени», дейди.

Қизнинг бу жасоратига китобхон таҳсии ўқийди, амалдор билан келгиндиларга нафрат айтади... «Жабрдийда», «Илон ўйнатувчи» ҳикояларини ўқиганда ҳам шундай қайфият туғилади.

«Онаизор», «Бир ғазал тарихи» ҳикояларида автор чет эл интервенцияси ва унинг оқибатлари билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳақида ҳикоя қиласди. Империализм 1956 йил кузида Араб республикасига қарши интервенция уюштириди. Лекин у тезда жиловлаб қўйилди. Босқинчиларни жиловлаб қўйишда Совет Иттифоқининг хизмати катта бўлди. Буни жаҳон жамоатчилиги, шунингдек араб халқи яхши билади. Араб халқи ана шу катта синов пайтида дўстлар киму душман ким эканини яхши ажратиб олди, ўзининг чин дўсти Совет Иттифоқига камоли эҳтиром билан қарай бошлади. Ёзуви интервенция воқеаларига бағишлиланган ҳикояларда ана шу тарихий ҳақиқатни ҳам ифода этмоқчи бўлади. Бироқ автор бу муҳим фактнинг моҳиятини кўрсатиб беришда бир оз декларативликка, схематизмга йўл қўяди. Чунончи, «Бир ғазал тарихи» асаридаги шоир Муҳаммад Сидқийнинг Советлар юртига, Москвага эҳтиромини кўрсатишга бағишлиланган лавҳалар жўнгина, бетаъсир репортаждан иборат бўлиб қолган.

Жамият синфларга бўлинган ҳолда қолар экан, зиддият ва курашнинг, ижтимоий можароларнинг янги-янги шакллари пайдо бўлаверади, меҳнат билан капитал орасидаги қарама-қаршилик авж олаверади, бу объектив қонуниятдир. Арабистон ҳақидаги ҳикояларнинг қўничилигига, «Пўқолган жавоҳир», «Икки араб қизи», «Иблис қушлари», «Искандария кўрфази» асарларида ана шу ҳаётий ҳақиқат ўзининг бадиий ифодасини топган.

«Йўқолган жавоҳир» Арабистон ҳақидаги энг ўткир ҳикоялардандир. Унда капитал кишиларни нималарга мубтало қилиши, капитал дунёси муҳитига тушиб қолган талант эгасининг фожнали тақдири тасвир этилган. Ҳикоя қаҳрамони раққоса Малак оддий меҳнаткаш

халқ орасидан чиққан. Унинг сийрак учрайдиган истеъ-  
доди ҳаммани мафтун этади. Бу талант эгаси капитал  
дунёси эътиборини ҳам ўзига тортади. Мулкдорлар кат-  
та фойда олиш ниятида уни ҳар мақомга соладилар,  
кўттар-кўттар қиласидилар. Капитал муҳитига, шон-шуҳ-  
рат, алдов гирдобига тушиб қолган қиз ҳамма нарсани  
унутади. «Шон-шуҳрат уни олтин қаноти билан ўраб ол-  
ған. Бу «олтин қанот» унинг тани билан бирга чироили  
кўзларини ҳам қўшиб ўраган. Шон-шуҳрат унинг кўзла-  
рини хидалаштирган. Икки гарниб укаси-ю, касалманц  
отаси ҳам хаёлидан кўтарилади». Бечора отанинг ўлими  
қизининг кўзини ярқ этиб очиб юборади. Энди у ўз фо-  
жнасини англаб ета бошлайди — меҳнат аҳли муҳитидан  
ажралиб аждаҳо комига тушиб қолгани ўзига аён бўла-  
ди. Унинг ишлари юришмай қолади, ундан одамларниңг  
иҳлоси қайтади, мулкдорлар учун у тамомила кераксиз  
бир нарсага айланади. Автор ёзади: «У илдизи қирқил-  
ган дараҳтдек кундан-кунга саргайиб қурни бошлади.  
Қоҳира бўйнида ёниб, жилва қилиб турган жавоҳир  
узилиб, ерга тушиб йўқолгандай бўлди. Бориб-бориб у  
тамоман йўқолди. Бойваччалар уни эслашмади».

«Мен бу ҳикояда ҳеч нарсани тўқиб-бичган эмасман,  
бор ҳақиқатини, бўлган воқеани ёзганман, ҳатто ҳикоя  
қаҳрамони прототипи ҳам ўз номи билан Малак деб  
аталган,— дейди адаб биз билан суҳбатда.— Арабистон  
сафари пайтида делегация аъзолари билан бирга Ма-  
лак хоним билан унинг худди ўша аяничи дамларида  
учрашиб, суҳбатлашдим, унинг гам-гусса, армону надо-  
матларга тўла ҳикоясини эшитиб қаттиқ таъсирландим,  
капитал муҳити тенгсиз ҳусн, мислсиз истеъдод эгасини  
топтаб адойи тамом этганини кўриб қаттиқ изгироб  
ичида қолдим; менда Малак хоним қисмаги баҳонасида  
синфий тенгсизлик асосига қурилган жамият аъзосида-  
ги кичик, аммо хавфли бир жароҳатни кўрсатиш истаги  
туғилди, шу тариқа «Йўқолган жавоҳир» ҳикояси май-  
донга келди».

Қолған ҳикояларда ҳам «Пўқолған жавоҳир»даги каби жамият танасидаги жароҳатларни кўрсатиш, фош этиш хусусияти кучли. «Икки араб қизи»да шаҳар билан қишилоқ, юқори табақа билан қуйин табақа орасидаги зиддият кўрсатилади, оддий одамгарчилик хислатларидан ҳам маҳрум бўлган юқори табақа кишиларининг афт-башараси фош этилади; «Йблис қушлари»да бошпанасиз қолған гарип она билан боланинг аччиқ кечмиши ҳикоя қилинади; «Искандария кўрфази»да эса мулкдерлар муҳитида алданган оддий меҳнаткаш йигитининг фожнаси тасвир этилади; юқори табақанинг сирти ялтироқ дабдабали турмушининг ички тубапликлари, бузукликлари дангал очиб ташланади.

«Искандария кўрфази» кўп жиҳатдан «Пўқолған жавоҳир»га ўхшаб кетади, бу икки асар гўё бир олманинг икки палласи. Агар биринчи ҳикояда мулкдорлар ноёб истеъоддга зулукдай ёпишиб, бор-будини сўриб олиб, сўнг ташлаб юборса, иккичисида меҳнаткаш ҳалқ орасидан чиққан азамат йигитининг жисмоний заковатига кўз тикадилар; бошда йигит атрофида парвона бўлиб унинг қўйинини пуч ёнгокча тўлдирган хоним иши битгача, йигитдан кескин юз ўгиради; биринчисида пулга сотилған аёлнинг, иккичисида алданган ошиқ йигитининг саргузашти психологик жиҳатдан чуқур таҳлил этиб берилади.

Арабистон ҳақидаги ҳикоялар хусусида ўз вақтида бაъзи таңқидий мулоҳазалар ҳам айтилгац, чупончи, мазкур туркумда кураинчи қаҳрамонлар образи йўқ даражада экани, борлари ҳам занфроқ, схематик чиққани қайд этилган эди. Дарҳақиқат, уларда ажнабийлар томонидан каментилган ва хўрланган, ажнабийлар очган уруш туфайли жафо чеккан, маҳаллий амалдорларнинг зулми остида эзилган ёки улар томонидан алданган, қалбида зулмнинг у ёки бу кўринишига қарши нафрат хисси алангаланган исёнкорлар образини кўрамизу бевосита озодлик курашига отланган, бошқаларни кураш-

га унданган, уларни ўз ортидан эргаштириб борган, империализм билан онгли равишда юзма-юз курашга ўтган ёрқин тииларни кўрмаймиз. Ҳолбуки ўша давр араб халқи ҳаёти бунинг учун бой материал берар эди. Ёзувчи орадан йигирма йил ўтиб Афғон сафари асосида яратилган «Чодрали аёл» қиссасида бу танқидий мулоҳазаларни ҳам назарда тутган ҳолда, бошқача йўлдан борди, бевосита курашчи қаҳрамон образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бу қисса устида кейинроқ маҳсус тұхталамиз.

### ҚҰЛИ ҚАДОҚЛИЛАР КУЛГИСИ

Мирмуҳсин 60-йиллари анча вақт республика сатирик журнали «Муштум»га муҳаррирлик қилди. Мана шу йиллари адаб истеъодининг бошқа бир қирраси — ҳажвчилик фаолияти ҳийла жонланди. Мирмуҳсин авваллари ҳам баъзи ҳажвий нарсалар битган эди, шериятида юмористик лавҳалар учраб турарди, «Муштум» муҳити эса ундан ҳажвий истеъодни кенгроқ намоён бўлишига йўл очди, биринч-кетини матбуотда унинг ўнлаб ҳажвий лавҳа, фельетон, ҳикоялари эълон этилди. Уларниң энг саралари кейинроқ адабнинг уч томлиқ таинланган асарлари мажмуасидан жой олди.

Ҳажв кулги билан тирик. Кулги ҳосил этиш йўллари, усуллари беҳад кўп. Улардан иккитаси — характер ва вазият кулгиси ҳажвиётда кенг тарқалган. Мирмуҳсин ҳажвиётдаги мавжуд анъана, тажрибаларга таянган ҳолда кулгили вазиятлар асосига қурилган ҳикоянинг ҳам, ҳажвий персонаж биринчи планда турадиган ҳикоянинг ҳам дуруст намуналарини яратади.

Мирмуҳсин ҳажвияларида ҳам оддий, камсукум меҳнат аҳли томонида туриб, улар ёнини олиб, шу оддий, қўли қадоқ «тўпори» кишилар нигоҳи билан ҳодисага ёндашади, унинг кулгиси ҳам айни шу «тўпори»

одамлар кулгиси, ўта солда, халқчил кулги. Үнинг ифода тарзи ҳам содда, самимий.

«Маданий буюмлар ишлаб чиқарадиган артеллардан бирини планини бажариб, кейинги пайтларда анчамунча яхши моллар чиқараётгани учун Худпромкоопсоюз шу артель усталаридан уч кишига соат мукофоти беришни вайда қилибди. Уч кишини аниқлаб келишни шу артель раиси Сайдваққос Алҳазаровга топширилибди ҳам. Алҳазаров ҳаллослаганича келиб, кабинетига профсоюз раиси Тұражон Парвардигоров билан секретари Тұхфатуллинин чақириди. Улар уч киши бұлып кабинет эшигини маңқам бескитишиб, дарвозада стволи ялтираб, ичи занглаган берданка мильтиққа дағанини тираб умр ўтказаётгап қоровул отага, кабинетга ҳеч киши кирмаслигини буоришиди. «Мабодо эшик тирқишидан бирон киши мұралаб, қулоқ солса, дархол ҳайданг!» деб қўшиб ҳам қўйишиди».

«Қўйнидан тўкилса қўнжига» ҳажвияси ана шундай бошланади. Шу оддийгина хабар, жўнгина ҳодиса галдаги сирли, кулгили воқеа учун гўё дебоча ролини ўтайди, вазият ҳозирлайди. Ҳангаманинг қизиги ичкарида, одамлар нигоҳидан панада «фоят маҳфий» суратда рўй беради. Бояги уч масъул шахс мукофот тақсимотига киришадилар, муносиб номзодлар тилга олиниди, лекин уларнинг ҳар биридан қандайдир бир нуқсон топадилар, сўнгра «масалага одилона қараб» асл муддаога эришадилар, учта мукофотин уч кишига — маҳфий мажлис аъзоларига, яъни артель раиси, профсоюз бошлиги ва секретарига беришга қарор қиласидилар. Бу сирли, пинҳоний ҳодиса гўё хамирдан қил суургандек жўп, табиий тарзда содир бўлади, персонажлардан бири иккинчисини, иккинчиси эса учинчисини мукофотга тавсия этади ва ҳар бири ўз сўзининг асосли эканини мантиқан далиллашга тиришади. Мажлис аҳли учун мукофот тақсимотида ҳеч қанақа ғайритабиилик йўқ, ҳодисанинг кулгили жойи ҳам йўқ, улар учун ҳаммаси қо-

нуний, табинийдек туюлади. Кулги тугдирадиган восита, омил бошқа ерда — гарчи ҳодиса эл-юрт кўзидан ичкарида, маҳфий тарзда юз берса ҳам, уни худди шу мукофотларнинг ҳақиқий эгалари — қўли қадоқ одамлар пинҳона кузатиб тургандай бўлади, маҳфий мажлис аҳли учун табиий, қонуний туюлган мукофотнинг файритабиий, файри-қонунийлиги ўқувчида кулги уйғотади.

«Кўринмас ҳалқа» ўзбек адабиётидаги вазият кулгиси асосига қурилган ҳажвиянинг энг яхши намуналаридан. Унда эркаклар ишига, ўзлари учун мутлақо даҳли йўқ соҳага беҳуда аралашиб компаниялар ташкил этадиган тантик, бойвучча аёллар қилмиши масхара қилинади. Мирмуҳсиннинг кўпчилик ҳикоялари сингари «Кўринмас ҳалқа» ҳам оддий хабар, кулгили вазият учун замин ҳозирлашдан бошланади: «Илмий текшириш институтларидан бирининг директори бошқа вазифага ўтганлиги сабабли шу ўрин буш турарди. Бу лавозимга кўпдан кўз тикиб юрган кишилар ҳам йўқ эмас, айниқса анча йиллардан бўён маъмуриятда хизмат қилаётган Сиддиқ Азларович ҳам бу лавозимга гоятда ишқибоз... Кейинги кунларда бу тўғрида мишишлар ҳам тарқалиб қолди... У энди бу мартабани эгаллаш учун жиддий ҳаракат қилди — у ёқ бу ёққа югурмай ўз таш маҳрами Бодомхонга айтди... Бодомхон Хонзода-хонга...

Шанба куни Бодомхон телефон қоқди. Пушкин кўчасидаги уйлардан бирида телефон жиринглади.

— Алло, Хонзодахонми? Ойнониб кетай Хонзодамдан, тан-жонинг соғми? Мен — Бодомман. Эринг келдими? Қелмаган бўлса ҳозир келиб қолади. Эрингга тушунтир. Азларовни кўтариш керак. Гап бор, фойдасини кейин биласан, тушундингми?..

Шундан кейин Урицкий кўчасидаги уйлардан бирида телефон жиринглади...»

Шу тариқа катта компания — Азларовни кўтариш учун аёллар жанги бошланиб кетади, Хонзодахон Ол-

махонга, Олмахон Жаниатхонга, Жаниатхон Хуморхонга, Хуморхон Гуличкага, Гуличка Чиннихонга, Чиннихон Маликахону Жорияхонларга телефон қоқади, ҳамма-ҳаммаси оёққа туриб эрларини Азларовга овоз бериншга ундаидилар. Телефонда ғоят шиддатли жанг, ишиҳоний кампания давом этади. Сўнг ёзувчи гүё бу кампаниянинг биринчи даврасига якун ясагандай бўлади. Автор ёзади: «Орадан уч кун ўтди, бу уч кун ичida яна бир неча телефонлар телефонга уланиб, Мисқол париларнинг қуршов ҳалқаси борган сари қисиб кела бошлади».

Сўнгра кампаниянинг иккичи давраси бошланади: «Учинчи кун охирига бориб, тарағ асабий шнурлар бўшишиб, телефонлар бир чеккадан яна қувноқ оҳаигда жиринглай кетди.

— Алло, Бодомхон,вой ўзим ойнониб кетай Бодоммидан, чиройли кўзларингдан опанг ўргисин! Азларов акамлар директор бўлганга ўхшайдилар, қутлайман! Зап иши бўлди. Эринг ҳам ўғил бола экан...

— Алло, мен Олмахонман, ўзим ўргилиб кетай Хонзодаҳондан, иши тўғри бўлганга ўхшайди...»

Кампаниянинг бу янги давраси тантанавор тарзда якуланаиди:

«Шундай қилиб, кўзга кўринимас қуршов каттакои шаҳарни олгаңдай бўлди. Шу орада Хоизодаҳон гап берди — базми жамшид авжига чиқиб, ойимтиллалар, Мисқол парилар йиғинининг асосий мавзуи — Азларовнинг янги лавозимга кўтарила жагига ҳар кимнинг қўшган ҳиссаси ҳақида баҳс кетди. Базмга Азларовнинг ўзи хонтахтадек торт киритиб, устига «Жонопларимиз омон бўлсин» деб ёздирибди...»

Шу орада воқеалар ривожи бирдан чапласига айланаб кетади, кулгили вазият кескинлашади, Азларов эмас, бошқа одам институтга директор қилиб тасдиқлангани маълум бўлади, энди телефонлар аввалгидек қувноқ, илтижоли оҳаигда эмас, мотамсаро жиринглай-

ди, мағлуб хонимлар танг аҳволга тушиб қоладилар: «Бодомхон чаккасини ушлаб, пирамидон ютди. Жаннатхоннинг қон босими ошиб кетибди, эртадан стационарга борса керак. Хонзодахоннинг капалаги учиб, юраги ўйнаб, йигирма томчи валокардин ичди. Олмахон қайси бир уругиникига қочиб, қорасини кўрсатмай қўйди. Хулласи қалом, шаҳарни ўраган нобоп ҳалқа узилиб кетди...»

Кулгили вазият, унинг тўлқинсимон ривожи, ҳар бир тўлқинининг мавжи, авжи ва якуни, ва ниҳоят, компания аҳли учун кутилмаган оқибат — барчasi ўқувчида сўнмас қаҳқаҳа уйғотади; ўзларини она шер санаган тантн, танноз хонимлар, улар хатти-ҳаракатини пинҳона кузатиб турган қўли қадоқ заҳматкашлар нигоҳи олдида ожиз-нотавон, кулгили, аяичли ҳолга тушиб қоладилар.

Ҳар иккала ҳикоядаги кулгини ҳам биз вазият кулгиси деб атадик. Дарҳақиқат бу икки асарда кулгили вазият, воқеа олдинги ўринда туради; персонажларнинг хатти-ҳаракати, қиёфаси, табиатига оид баъзи деталлар тилга олинса ҳам, улар яхлит, ўқувчи кўз олдига келтириш мумкин бўлган жонли одам сифатида батафсил таъриф-тавсиф этилмайди; эҳтимол, вазият кулгиси асосига қурилган ҳикояларда ҳодиса иштирокчиларнинг бир эмас бир неча («Қўйнидан тўкилса қўнжига» ҳикоясида уч-тўрт, «Қўринмас ҳалқа»да ундан ортиқ) бўлиши ҳам ҳажвиянинг кичик ҳажмли доирасида алоҳида персонажларнинг индивидуал бисотига чуқурроқ кириш, уларни батафсилроқ таъриф-тавсиф этиш имконини бермас. Гарчи жаҳон ҳажвий ҳикоячилиги тажрибасида бу хил асарлар учраб турса-да, кулгининг юксак тури — характер кулгиси эканини, бевосита персонаж хатти-ҳаракати ва характеристидан келиб чиқадиган кулги эканини таъкидлаб ўтишни истар эдик.

Мирмуҳсиннинг «Фаришта», «Супургига сажда», «Мусича одам», «Иғвогар у дунёда» ҳажвияларидаги кулги персонажлар хатти-ҳаракати ва таъриф-тавсифи-

дан келтириб чиқарилган. Агар «Құйнидан түкілса құнжига», «Құринмас ҳалқа» ҳодиса ҳақида хабар, кулгили вазиятта замин ҳозирлашдан бошланса, кейинги тур ҳикоялар бевосита персонажларнинг таъриф-тавсифидан бошланади. «Фаришта»нинг ибтидосида шундай:

«Хузуржонов бошлиқ ёнига кирадиган бұлса, анча аввал келиб, қабулхонада кутиб үтиради. Агар ичкарида одам бұлмаса ҳам кутарди. Секретарь аёлнинг, «кираверинг, ҳеч ким йүқ», деганига ҳам қулоқ солмай, «бир оз кутайлик, вақтимиз күп...» деб құярди, гүё шундай қилиб кирса ширинроқ бұладигандай... Агар бошлиқ чиқиб қолиб: «Э, Хузуржонов, кутиб қолибсиз-ку, қаниқани, ичкарига марҳамат...» деб қолгудек бұлса, катта баланд әшикдан ҳам бош әгіб үтиб, стулнинг бир чеккасига токчага құйилған тухумдек әхтиёткорлик билан үтиради.

Бу ташкилотнинг бошлиқлари ҳам тез-тез үзгариб, янги бошлиқ келиб туради. Лекин келгандарнинг ҳаммаси ҳам бу маҳкамани ёмон ходимлардан тозалайман дерди-ю, гал Хузуржоновга келганда құл теккизмай үтиб кетаверишарди...

Мана шу дастлабки таъриф-тавсиф, ундағи характерли деталлардан ҳам Хузуржоновнинг кимлиги аён бўлиб турибди — у ниҳоятда әхтиёткор, журъатсиз, мұмин-қобил, бошлиқ олдида хоксор бир одам. Унинг ичкарида ҳеч ким бұлмаса ҳам бошлиқ олдига кирмай туриши, бошлиқ хонасининг катта баланд әшигидан ҳам бош әгіб үтиши, стулнинг бир чеккасига токчага құйилған тухумдек әхтиёткорлик билан үтириши — бу ларининг барчаси персонаж табиатини бирдан очиб юборадиган ёрқин юмористик деталлардир.

Таъриф-тавсиф давом этади, уннинг ишу бошлиқни ҳурмат қилишдан башқа ҳеч нарсаны үйламайдиган, ҳамма нарсага лоқайд қарайдиган одам экани айтилади; бу фикрни ривожлантирадиган кулгили деталлар қалашиб келаверади: у ишга «...эрталаб келиб, кечқу-

рун кетар, келишда ҳам, кетишда ҳам бир йўлкадан юрарди. Асфальт йўлка уйигача беш ерда қайрилиб, икки ерда кўприкдан ўтади. Лекин, қизиқ, қайтишда у негадир икки минг бир юз саккиз қадам бўлиб, келишда ўттиз беш қадам фарқ қиласди...» У идора иши юза-сидан ёки бошлиқ устида бирор танқидий гап чиққудек бўлса бамисоли зилзила пайтидагидек ларзага тушади, аммо ўз ҳаётидаги завқли ҳолларга ҳам, кўнгилсиз ҳо-дисаларга ҳам бепарво қарайди, чунончи, хотини туқ-қанида пинагини ҳам бузмайди, одамлар уни янги меҳ-мон билан табриклаганида: «Бундай гапларни қўйинг, ишлаш керак. Ўртоқ Каримовни қўллаб-қувватлайлик, иш соатидан унумли фойдаланайлик. Бу ҳақда кўрсат-ма бердилар-ку»,— дея жавоб қиласди. Биттагина исен-сионер акаси қазо қилганида одамлар кўнгил сўрашса ҳеч нима бўлмагандай: «Ҳа, шундай бўлди. Тирикларни ўйлаш керак»,— деб қўя қолади. Йўлда кета туриб ўт тушган уйнинг устидан чиқиб қолганида: «Бу ҳам ҳар замонда бўлиб турадиган ҳол»,— дея йўлида давом эта-веради. Ҳиндистонда юз берган сув тошқини, неча минг киши ўлгани ҳақидаги хабар ҳам унинг учун шунчаки «ҳар замон, ҳар замонда бўлиб турадиган ҳол...» Ҳам-касбининг бодринг ҳақидаги жўнгина гапига: «Гапга тушунинг... мен сизга ҳозирги бодрингларнинг ҳаммаси тахир чиқяпти деганим йўқ, менинг бундай дейишим ҳам мумкин эмас. Наҳотки, мен шундоқ десам! Мендан бунақа гап чиқмайди. Ҳозирги бодринглар асосан ях-ши, ширин дейиш ҳам мумкин. Эҳтимол, тахири ҳеч чиқ-мас, менинча шундоқ бўлиши керак. Ҳозирги илфор тех-ника методлари билан экилган бодринглар ҳеч тахир бўлмайди. Қатъий фикрим шу...»

Ҳа, унинг фикрлаш тарзи ана шунаقا ўта тор бир қобиққа ўралашиб қолган. Қисқаси, кўз олдимизда ҳам кулгили, ҳам аянчли бир кимсанинг жонли қнёфаси ба-ралла гавдаланади. Бу ҳикоянинг фазилатлари билан бирга шу тур ҳажвияларга хос характерли бир камчи-

лигъни эслатиб ўтмоқчимиз. Автор персонажнинг таъриф-тавсифи билан банд бўлиб кетиб, персонаж характёрини бевосита ҳаракатда кўрсатадиган яхлиг, тугал комик воқеа-ҳодиса тасвири устида етарли бош қотирмайди, ҳикоя персонажининг таъриф-тавсифиу ва шу таъриф-тавсифни тўлдирадиган, лекин бир-бири билан изчил боғланмайдиган майда эпизодик ҳодисалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолади. «Супургига сажда» ҳажвиясида эса автор шу хил камчиликдан қочишга интилган — бу ерда персонаж характерининг таъриф-тавсифи ҳам, яхлит, ривожланиб маълум бир мантиқий интиҳога етиб борувчи комик-драматик ҳодиса ҳам мавжуд, энг муҳими, персонаж «бисоти» бу ерда бевосита комик ҳодиса жараёнида унинг хатти-ҳаракати орқали намоён бўлади.

«Чет эллик меҳмонлар «Бўстон» колхозига боради, деган хабарни эшигтан Қамчинбек у ёқ-бу ёғига қараб қўйди-да, секин маҳкамадан чиқиб кетди. У тўппа-тўғри маҳалла чойхонасига кириб, самоварчининг қулоғига шивирлади:

— Эрта билан бу ерда чет элликлар бўлади...

Чойхоначи ҳайратланиб Қамчинбекка қаради:

— Нима қилсан экан?

— Азонлаб кўчага сув сепларинг,— деди Қамчинбек зағча кўзларини чақчайтириб.— Хонадонлардан палак, гилам, сўзана олиб чиқиб, чойхонани ясатиш керак. Ола-була байроқчалар осиш лозим...

Шу лаҳза Қамчинбекнинг кўзи чегаланган бир чойнакка тушиб қолди.

— Бу нима? Уларнинг кўзи тушиб қолса нима деб ўйлашлари мумкин?— У чойнакни ерга уриб чил-чил синдириди.— Яна бошқа шунга ўхшаш чойнаклар борми?— У янги чойнак, пиёлалар ичидан иккита эскирғини топиб, шу оннинг ўзидаёт ерга урди...»

Ҳикоянинг бошланишидаёт комик ҳодиса билан персонаж характерининг таъриф-тавсифи ёндош ҳолда

боряпти, аниқроғи характер бисоти ҳодиса жараёнида очиляптын. Мәҳмонарни кутиш тараддуғи давом этади, Қамчинбек таърифи тұлиша боради: «Қамчинбек чойхонадан чиқиб, маҳалла комиссияси раисининг уйында, «фавқулодда ҳолат»дан уни ҳам хабардор қылди. Эртага чет әлликлар үтаётгандай пайтда күчага Түриңкори билан Абдуқодир отага үшашшларни чиқармаслик кераклигини ҳам тайинлади».

Сұнгра ёзувчи персонажининг руҳиятига құл уради, уннинг хаёлидан үтган кечинмалар, шу кечинмалар ифодасында оид күлгіли деталлар, бир томондан, комик воқеа ривожини теззатса, иккінчи томондан, бу одамнинг асл табиатини янада равшанроқ очишига хизмат этади. Мана үша руҳий ҳолатдан бир парча:

«У маҳалла комитети раисининг ҳовлисидан чиқиб кета туриб үзіча үйлади: чет әллик мәҳмонарни «Бұстон» колхозида қандоқ кутиб олишаркин? Үша Құзибай ака бұладиган бұлса ҳеч нима қымайды, индамай кутиб олади... Молхонага ҳам киришса керак, сигирлар шундоқ бемалол кавш қайтариб ётишган бұлса-я! Эх Құзибай, Құзибай, бир чатоқ иш бұлмаса яхши бұлардын. Ихтиёр Қамчинбекда бұлғанда-ку, сигирларни үрнидан турғазиб, қатор сағта тортиб құярды. Иложи бұлса шохларини, түёқларини бүяб, йилтиратиб ҳам құярды. Құчқаларнинг ҳам бүйніга ҳар турли ленталардан боғлаған құярды».

Ходиса шиддат билан давом этади, кутиш тараддуғи авжига минади:

«Тонг қоронғисида Қамчинбек бошлиқ чойхонанинг кунда-шундалары ҳайхайлашиб, күчага сув сепишиді. Ҳовлилардан келиніларнинг палагини олиб чиқиб, чойхонага осишиді. Құча томондаги шўралаган деворларга гиламу палос, бўғотларнинг тагига нафталинда ётган дарпечларки узун тортишиді. Соат түққизларга бориб, ўттіз чоғлик одам фармонга бардор бўлиб, ўт үчириш командасининг сафига үшшаб, чойхона олдида савлат

гүкиб туришди. Қамчинбекнинг юраги дук-дук уриб, йўл ўртасига тушди. У узоқ-узоқларга қўлини соябон қилиб тикиларди. Баъзи ўткинчи юк машиналарни ҳам кўчадан ўтказмай, бошқа кўчадан ўтишга мажбур этарди. Сомон ортиб келган тия карвонини калтаклагандай қилиб боши берк кўчага қамаб, чўктириб қўйди. У физон бўлиб тякашни сўкарди. Ахир тия деган нарсани меҳмонлар кўриб қолса нима бўлади! Э, туяниг бошингда қолсин! Бу бесўнақай ҳайвон янгиликларга эришишимизга тўғаноқ, ҳозир силлиқ-силлиқ автомобиллар чиқиб турганда бирон ери тўғри бўлмаган бу ҳайвон кўчамизда юриб нима қиласиди?!»

Ёзувчи одатдагидек воқеа ривожида кутилмаган қайрилиш ясайди, гўё елга тўлиб шишган пуфак бирдан ёрилади, чет эллик меҳмонлар бошқа кўчадан колхозга ўтиб кетгани маълум бўлади. Автор ҳали ҳикояга охирги нуқта қўйишга шошилмайди, воқеа давом этади. Қамчинбек меҳмонларга дуч келади, меҳмонларга таъзиму тавозени жойига қўяман деб ўзини шарманда-ю шармисор этади, ҳатто меҳмонлар қўлидаги супургига сажда қилиш даражасига бориб этади.

Бошда биз Мирмуҳсин кулгиси — оддий, «тўпори», қўли қадоқ кишилар кулгиси, ёзувчи худди шундай кишилар ёнида туриб ҳодисага ёндашади, улар нигоҳи билан иллатларни фош этади, деб эдик; адабнинг баъзи ҳажвияларида бу хил муносабат яширин, пинҳона бўлса, баъзиларида ошкора, шу хил одамлар ҳодиса ичиди иштирок этади, ҳажвий персонажларга тўқнаш келади ёки уларни фош этишда қатнашади. «Фаришта» ҳикоясида шундай бир шахс ўз номи билан Дангалбой деб аталади, «Супургига сажда» ҳикоясида эса Қамчинбек ҳаттони меҳмонлар келганда кўчага чиқармасликка буйруқ қилинган Абдуқодир ота бўлиб ўтган ҳангомаларга, Қамчинбек қилмишига хulosса ясаб: «Ишқилиб юртимиз мана бундай ўз қадрини билмаган ўпкаси йўқ тойлоқчаларга қолмасин-да», — дейди ғазаб билан.

## ҚИССАЛАРДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Мирмуҳсин ҳикоялар, ҳажвиялар билан ёндош ҳолда қисса жанрида ҳам қалам тебратди. Юқорида эслатиб үтилганидек, дастлаб у урушдан кейинги йиллар бу жанрда күч синаб күрди, «Олтин куз», «Коммунизм чироқлари» повестларини яратди, лекин улар күнгилдагидек чиқмади, «Олтин куз»дан эълон этилган бир парчани мустасно қилганда, улар босилмай қолиб кетди. Нашр этилган илк йирик насрый асари 1956 йили битилган «Жамила» повести бўлди. Шундан сўнг унинг бинрин-кетин «Оқ мармар» (1957), «Чўри» (1962), «Тунги чақмоқлар» (1964) қиссалари эълон этилди. «Араб ҳикоялари» туркумига кирган «Искандария кўрфази», «Ғурбатдаги одам», «Мўтилал» асарларини ҳам автор кейинчалик қисса деб аташни раво кўрди, ниҳоят, 1979 йилги Афғонистон сафари таассуротлари асосида «Чодрали аёл» повестини яратди.

Мирмуҳсин қиссалари тематик томондан ҳам, уларда ифодаланган воқеалар даври жиҳатидан ҳам рангбаранг. «Жамила»да замондошлари ҳёти акс эттирилса, «Оқ мармар», «Чўри» қиссалари Хоразмнинг уқубатли үтмишидан баҳс этади, «Тунги чақмоқлар»га тарихий ҳодиса — чор Россияси қўшинларининг Тошкентга кириб келиши асос қилиб олинса, «Искандария кўрфази», «Мўтилал», «Ғурбатдаги одам» воқеалари Арабистон, Хиндистон ва Яқин Шарқнинг турли мамлакатларида бўлиб үтади, «Чодрали аёл»да эса Афғонистон янги тарихининг муҳим палласи — 1978 йилги аурель инқилоби воқеалари қаламга олинган.

Қайси давр ҳақида, қандай мавзуда ёзилган бўлишидан қатъи назар, Мирмуҳсин қиссалари ҳам худди ҳикоялари сингари оддий, камсуқум кишилар тақдирини билан астойдил қизиқиш, уларнинг дарду ташвишларига чин дилдан ҳамдардлик туйғуси билан суғорилган.

Аёнки, ҳикоя инсоннинг маълум ҳолатини ифодалашга қулайроқ жанр саналса, қисса инсон тақдирини, ҳаёт йўлини ёки ҳаётидаги маълум бир босқични кўрсатишга қулайроқ. Эҳтимол ёзувчининг 50-йиллар иккинчи ярми, 60-йиллар бошларидағи руҳий-ижодий ҳолати, инсон тақдиринга астойдил қизиқиши майли уни қисса жанри томон ундағандир. Ёзувчининг бу жанрдаги ҳар бир асари инсоннинг мураккаб, чигал тақдирни ҳақидаги мунгли, аммо пессимистик кайфиятлардан ҳөли ўзига хос ўйлардир.

«Жамила» қиссанини адабий тақиҷидчилик дастлаб нохушроқ қабул қилди, бу асарнинг ўша давр адабиётидаги ўрни, фазилатлари етарли очиб берилмади, ўша давр тақиҷидчилигига ҳамон сақланиб келётган айrim догматик қарашлар, асарга схематик ёндашиш ҳоллари, «Жамила»га баҳо беришда ҳам озми-кўпми ўз таъсирини кўрсатди, асарнинг асосий пафоси камситилди, характер мантиқига зид ўлароқ Жамила образи пассивликда айбланди, қисса жанри табиатига, авторнинг ғоявий ниятига хилоф равишида ижобий муҳитни кенг тасвирлаш талаб этилди ва ҳоказо. Жўмладан, бу нарса бизнинг «Ёш ленинчи» газетасида (1957 йил 17 сентябрь) босилган повесть ҳақидаги тақризимизда ҳам сезиллади. «Жамила» қиссани кейинроқ Ф. Насриддиновнинг «Мирмуҳсин» номли рисоласида анча батафсил таҳлил этилди, бирмунча объектив баҳоланди; муаллиф асарни асоссиз тақиҷидлардан ҳимоя қилди<sup>1</sup>. Гарчи бу асарни ҳар жиҳатдан мукаммал дейиш мумкин бўлмаса-да, унда ёзувчи ижодий эволюцияси, қолаверса 50-йиллар ўзбек қиссанчилиги ривожига хос баъзи характерли мусбат томонлар мавжуд эди.

<sup>1</sup> Ф. Насриддинов. Мирмуҳсин. (Ҳаёти ва ижодий фаолияти) F. Фулом номидаги Бадий адабнёт нашриёти. Тошкент—1972, 63—70-бетлар.

Ўзбек адабиётида маълум сабабларга кўра узоқ вақт қиссачилик майший ҳаёт муаммоларидан четроқда турди, 30- йилларда пайдо бўлган «Ёдгор»ни (F. Fўлом), яна баъзи асарларни мустасно қилганда 50- йилларга қадар бизда бевосита инсоннинг майший турмушини таҳлил этадиган қиссалар айтарли яратилмади, фақат 50- йилларнинг ўрталарига келиб қиссанинг бу тури жонлана бошлади ва 60—70- йиллари етакчи ўринига ўтиб олди. «Жамила» ўзбек қиссачилигидаги худди шу тенденциянинг бошида турган асарлардан биридир.

Мирмуҳсин қиссада оиласвий-майший турмуш икирчикирларини жуда яхши билиш, уларга ёзувчи кўзи билан қараш, улар таҳлилидан муҳим маъно топиш маҳоратини намойиш этди. «Жамила»да жуда изчил, ҳаётий тавсир этилган оиласвий-майший турмуш тасвиридан келиб чиқадиган муҳим маъно шуки, турмуш «икир-чикирлари» шунчаки «майдада масала» бўлмай, улар инсон тақдирига кучли таъсир кўрсатиши, баъзан ҳаёт-мәмот масаласи даражасига бориб етиши мумкин. Икки овснин Лутфиниса билан Қутбиниса орасидаги арзимасдек туюлган гиди-бидилар икки қариндош оиласи бир-бирига рақиб этиб қўяди. Жамиланинг онаси Попукой айни шу майдада гапларнинг қурбони бўлади, оиласидаги можаро, қолоқ қайнана, қайната зуғуми туфайли Жамила ҳаёти ҳалокат ёқасига келиб қолади, ишдан кетиб уй чўрисига айланади, фарзандидан айрилади, рўзғори барбод этилади... Яхшиямки Жамиланинг теварак атрофида катта, жўшқин, нурли муҳит бор, заҳматкаш, меҳнаткаш, меҳрибон одамлар бор, шулар таъсири ва кўмагида у катта ҳаёт ўйлига чиқиб олади. Шу тариқа ёзувчини бу асарда жаҳолат тузогига, қолоқ оиласвий можаролар гирдобига тушиб қолган бир бегуноҳ, покиза, итоаткор қизнинг аянчли ва нурли тақдири ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилиб беради.

«Жамила» қиссаси яна бир жиҳатдан ибратли, унда автор ўзбек турмушига узоқ йиллар оғу солиб келган,

ҳаттоки бугунги кунда ҳам заҳри тугаб битмаган, айрим одамлар онгида ҳамон сақланиб келаётган мутелик, тобелик, итоаткорлик психологияси устида жиддий баҳс қўзғайди, шу хил кайфиятнинг кўнгилсиз оқибатларини кўрсатади.

«Жамила»да тилга олинган, қўтарилиган маънавий-ахлоқий муаммолар кейинчалик ўзбек қиссаларида, қолаверса, прозасида кенг миқёсда ишланди, чуқурлашиди, жумладан, Мирмуҳсин ҳам ўз романларида бу мотивларни давом эттириди, кенгайтириди, тўлдириди.

Бадиий асарда ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиш, жиддий ижтимоий-маънавий масалаларни қўтариш, салмоқдор гап айтиш ҳам муҳим, азалий талаб; жонли, тирик одам образини яратиш бадиийликнинг зарур шарти; менимча сўз санъятининг туб моҳиятини, таъсирчанлигини белгилайдиган яна бир муҳим шарти, талаби бор; бу, Мирмуҳсин насрый асарлари баҳонасида такрор-такрор айтилаётган, инсонга меҳр, унинг тақдиди билан астойдил қайғуриш, дарду ташвишларига ҳамдардлик туйғусидир; асарнинг бадиий кучи, асосий пафоси кўп жиҳатдан худди шу туйғунинг қай даражада ва кўламда ифода этилишига боғлиқ. Мирмуҳсин асарлари орасида Хоразм ўтмишидан олиб ёзилган икки қиссаси, хусусан «Оқ мармар» худди шу гуманистик пафосининг шиддагкорлиги билан ажralиб туради. Асарнинг ёзилиш тарихи, ёзилишига сабаб, туртқи бўлган омил — факт ҳақидаги ёзувчи қайдларидаёқ буни сезиш мумкин. Автор «Оқ камар» хотимасида ёзади: «Йўлингиз Хоразм томонга тушиб, Хивага борсангиз, бу ерда ажойиб боғларда бўлиб, меҳмондўст ёр-биродарлар билан мулоқатда бўласиз. Бу қандай соз! Шу билан бирга осмонга бўй чўзган қадимий миноралар, оқ мармарларга ўйилган нақшлар, кошинлар, зарҳал қуббалар, баланд, кўхна иморатларнинг кунгурадор пештоқлари диққатингизни тортмай қўймайди. Шаҳар атрофидаги ўркач-ўркач бўлиб қолган, қулаган қўрғонлар ўтмишдаги қонли қир-

ғинларнинг шоҳиди бўлиб турибди. Қўҳна сарой томларини кўтариб турган оқ мармарлар устидаги баҳайбат устунларга ҳам кўз ташламай илож йўқ. Саратон жазирамаси, совур ойларининг шиддатли ёмғирлари, қум барханлари оша юргурган шамоллар бу устунлар нақшини ялайвериб, оқартириб қўйган. Мана шу қатор турган баланд устунларнинг ўнгдан иккинчиси остида турган улкан мармар азамат Мардонни мажақлаб ташлаган; унинг суюклари ҳамон шу тош тагида ётибди. Бу оқ мармар ёнида гариб Бибижоъ ёниб кетган. Устуннинг бир томони қорайиб кетгани ҳам ана шундан...

Мен экскурсия қилиб, мана шу ерга келганимда оқ мармар тош остидан Мардонқулнинг овози эшитилгандай бўлди: «Нақш ва кошинларни кўриб ҳайратда қолганингда сен тош тагида янчилганларни, уста наққоларни ҳам эслаб қўй. Бунда қанча-қанчалаб қулларнинг ҳаёти бор...» Бу нидо илҳом бериб, ушбу қиссани ёзишимга сабабчи бўлди».

Бутун қисса давомида шу зўр аламли нидо акс-садо бериб тургандай бўлади, зулм тоши остида янчилганлар нидоси ёзувчи қалбини ўртаб, аламдийда, заҳматкаш кишиларга беҳад катта меҳр, ҳамдардлик ҳисси билан қалам тебратгани баралла сезилиб туради.

Қиссада кичик бир меҳнат эпизоди — бир гуруҳ банди-қулларнинг дарё бўйлаб саҳро оша хон ўрдасига — кошоналар қурилишига мармар тош келтириш жараёни тасвир этилади, шу жараён орқали адив чўрланган, алданган, таҳқирланган меҳнаткаш халқнинг хонликлар давридаги аянчли ҳаётини, фожиали тақдирини кўрсатади.

Қиссада биз бир қатор меҳнаткаш халқ вакиллари образини учратамиз, булар — Мардонқул, Жуманазар, Мусулмонқул, Жапақбой, Ураз. Улар ўз номи билан қул — хўрланган, таҳқирланган, азоб-уқубатли ҳаётга маҳкум этилган кишилар, энг даҳшатлиси, улар шу ҳа-

ётга кўнишиб кетган. Ёзувчи замонавий мавзуда яратган «Жамила» повестидаги муаммога — мутелик, итоаткорлик, тобелик психологияси ва унинг аянчли оқибати ма-саласига ўтмиш ҳақидаги бу қиссада ҳам мурожаат этади, у ҳақда бизни жиддий ўйлашга ундаиди. Жуманазарни эслайлик. У ўзининг оғир табиати, кўнгилчанлиги, итоаткорлиги билан ажралиб туради. Бу одам йигирма йилдан бери саройда қул бўлиб ишлайди, у бу ерда хон ва унинг амалдорлари зулмига, ҳар қанақа таҳқир-надоматларга оддий турмуш тартиби тарзида қарайди. «Тақдирга тан бериш керак. Мен ҳамма вақт тақдирга тан бериб келаётирман»,—дейди у. Асарда оллои-таолодан, қолаверса, хондан шафқат-марҳамат кутадиган, бундай шафқату марҳаматга астойдил умид боғлаган, худонинг номини доимо тилдан қўймайдиган, борига шукур қиласидиган Мусулмонқулнинг характеристи яхши очилган. «Худои таоло хон ҳазрати олийларининг кўнглига меҳри шафқатни солса ажаб эмас. Ўн саккиз минг оламни иғнанинг тешигидан ўtkазиб юборишга қодир обло-карим, биздек мўмин бандаларини озод қилиб юбораман деса, ҳеч гап эмас», шу хил сўзлар унинг тилидан тушмайди. Унинг бутун умри шу хил умид билан меҳнату таҳқир-надомат остида ўтган. Бу хоксор одам таҳқириу надомат остида ўлиб кетади — мансабдорларнинг оддий эрмаги — заҳарли илон билан қилган таҳқирил ҳазили орқасида минг азоб билан оламдан ўтади, ҳамиша бўталоқдек ортидан қолмайдиган етим набираси эса бўзлаб қолаверади...

Шуниси характеристики, мислсиз кўргиликлар, таҳқир-надоматларга маҳкум этилган, мутелик, итоаткорлик қараши исканжасида баттар эзилган бу жабрдийда кишилар шу оғир шароитда ҳам меҳнат аҳлига хос гўзал фазилатларини сақлаб қолганлар, улар орасида бир-бирига ҳурмат, шафқат, меҳро-оқибат устивор, ғам, алам-изтироб тўзони ичидаги ҳам ҳаёт завқини туядилар, умид, орзу-ҳавас билан нафас оладилар.

Қиссада Мардонқул образи кенг ўрин олган, бу одамнинг ҳаёт йўли, тақдирни нисбатан батафсил кўрса-тилган, характеристи, руҳий кечинмалари анча чуқур очилган. Болаларча гўл ва соғдил, дўстларига меҳрибон, ишқ дардидаги беором, оғзидан ёр васфи тушмайдиган романтик-ҳаёлий орзуласар қанотида юрувчи, куч-қувватга тўлиб тошган жўшқин қалбли бу йигит ўқувчи хаёлини банд этади.

Мардонқул хон зулми остида азоб чекаётган минглаб оч-яланғоч қулларнинг бири. У қишлоғида хон ва унинг амалдорларига қарши кўтарилиган халқ ғалаёнида қатнашганлиги учун Хивага — хон саройига банди қилиб келтирилиган. Бу ерда у оғир меҳнат қилишга, машаққатли ҳаёт кечиришга мажбур. Лекин бу оғир меҳнат, машаққатли ҳаёт унинг руҳини туширмайди. Ўсоҳибнинг алдовларига, хоннинг қулларни озод қилиш ҳақидаги сохта ваъдаларига ишонади. Унинг фикр-ёди зиммага юкланган оғир топшириқни бажариш — зилдай оғир оқ мармарни саройга етказиб бериш, сўнг озод бўлиб жонажон қишлоғига кетиш, қишлоғида уни Хивага бадарға бўлишида юм-юм йиғлаб кузатиб қолган, ҳозирда интизорлик билан кутаётган севгилиси Бибижоннинг васлига етишиш. Мана шу умид уни мислсиз жасоратга ундаиди, оғир тошни сарой томон суришда у жонбозлик кўрсатади... Бироқ Мардонқулнинг умидлари сароб бўлиб чиқади, манзилга яқин қолганда озодлик ҳақидаги ваъдалар ёлғон экани маълум бўлади: энди у дўстлари мададида қочмоқчи, қочиб муддаога етмоқчи... Шу орада у севгилиси Бибижоннинг хон ҳарамига тортиқ қилиб келтирилганидан хабардор бўлиб қолади. Энди унинг учун ҳаётнинг сира қизиги йўқ, қочиш режасидан воз кечади, кўнгли тўла алам ва армон, у ярим телба ҳолда зулмга қарши исён кўтаради, хондан ўзича ўч олиш пайига тушади, жон-жаҳди билан тошга ёпишади, бутун аламини шу тош орқали олмоқчи, хаёлида шу тош билан хон ҳарамини мажақлаб ер билан

яқсон этмоқчи бўлади. Шу дақиқалар асарда ғоят таъсирчан ифода этилган:

«Мардон ҳеч қаёққа қочмади. У яна ҳарамни ҳам бостириб, мажақлаб ўтиб кетиш учун тошни итаришга тутинди. Лекин улкан тош дўнг тепалиқдан орқасига қараб ағдарилиб, думалаб, Мардонни бир ҳадам тислантириди-да, унинг зўр беришига қарамай, устига босиб тушиб, мажақлаб тўхтади. Атрофга қон саҷраб кетди. Мардоннинг тошдан чиқиб қолган икки оёғи билан ўнг қўли бир силкинди-да, кейин шалпиллаб ерга тушди. Тош остида мажақланиб ётган тана ва калласидан оқиб чиққан қон тепалиқдан бир неча ариқча ясадб оқиб пасга силқиди...»

Қисса ҳақида ўз вақтида кўп илиқ гаплар билан бир қаторда унда курашчанлик руҳи заиф экани, персонажлар, жумладан Мардонқул образи пассив шахс бўлиб қолгани айтилган эди. Эндиликда бундай мулоҳазалар таҳрирга муҳтоҷ экани аён. Тажриба шуни кўрсатаётирки, ҳар қандай персонаждан курашчанлик, исенкорлик талаб этаверуш тўғри эмас. Жуманазар, хусусан Мусулмонқулдан бу нарсани талаб этиш ўринсиз; чунки Мусулмонқул образидан ёзувчи кузатган асл мақсад— итоаткорлик, мутелик, тобелик қарashi қон-қонига сингиб кетган одамнинг тақдирини, бинобарин пассивлик нинг даҳшатли оқибатини кўрсатиш, қолаверса, бадиий асарда зулмга, ҳақсизликка қарши нафрат, исён, кураш хилма-хил кўринишида содир бўлиши мумкин. Масалан, Мардонқул бошда зулмга қарши ошкора, юзмайоз курашда қатнашган, шу туфайли ҳарам қулига айланган, маълум муддат хондан адолат кутади, пуч вайдаларга ишонади, охирида ҳақиқатни англаб етади, алдов, таҳқир-надоматларга қарши исён кўтаради, соддадил йигит ўша тифиз аламли дақиқаларда курашнинг бошқа чора-тадбирларини тополмай бутун аламини меҳнатдан — тошдан олади, телбаларча улкан тошга ёпишиб, у билан хаёлан хон ҳарамига ҳужум бошлайди,

хәёлан хөн ҳарамини мажақлаб, руҳан тантана қилиб шу курашда ҳалок бўлади.

Бу асарда, ўша вазиятда, Мардонқулдан бундан ортигини талаб этиб бўлмайди.

Бадий асарда ҳамдардлик туйғуси фақат шахс бошига тушган кулфатларни, алам-изтиробларни, аянчли дамларни тасвир этиш орқалигина ҳосил этилади, деб ўйлаш бирёқламалик бўлар эди; инсон шахсига, унинг имкониятларига ишонч, унинг маънавий куч-қуввати, заковатини, бунёдкорлик қудратини улуғлаш ҳам ҳаёт-бахш гуманизмнинг муҳим шарти; ҳар қандай асардан бу нарсани талаб этиш жоиз бўлавермаса ҳам, ҳар ҳолда бунга етарли эътибор бермаслик бирёқламаликка олиб бориши мумкин. Мирмуҳсин буни яхши тушунади. Қатор асарларида, жумладан «Чўри», айниқса, «Чодрали аёл» қиссасида персонажлар бошига тушган ададсиз кулфатлар билан баробар улардаги исёнкорлик, курашчанлик хислатларини кенгроқ очишга, тасвирлашга ҳаракат қиласди.

«Чодрали аёл» ўтмишда феодаллардан, мустамлакачилардан кўп зулм чеккан, ҳамиша озодликка интилган афғон халқига, озодлик инқилобига бениҳоя катта ҳурмат-эҳтиром билан ёзилган.

Қисса тарихий ҳужжатлар, аниқ фактлар асосида яратилган. Авторнинг гувоҳлик беришича, асардаги баъзи маълумотлар Қобулда чоп этилган «Инқилоби савур» қитобидан, бошқа расмий манбалардан олинган, баъзилари саёҳат пайтида тўпланган. Айни вақтда муаллиф тарихий ҳужжатларни ижодий фантазия, бадий тўқималар билан тўлдирган. «Сидқий ва Мадина образларида инқилоб қаҳрамонларини умумлаштиридим»,— деб ёзади адид.

Қисса жаҳон жамоатчилигининг эътиборини жалб этган, афғон халқи тарихида муҳим бурилиш ясаган «Инқилоби савур» деб ном олган 1978 йил апрель революцияси воқеалари ҳақида маълум тасаввур беради.

Ёзувчи ўқувчини революция арафаси ва революция пайтидаги Кобул шаҳри, шаҳардаги турли табақа, гуруҳлар ҳаёти билан таниширади. Бизни Афғонистон жамолини кўз-кўз қилувчи сершовқин Кобул бозори сари бошлайди; гоҳ қолоқ феодал урф-одатлар маскани — имом хонадонига, гоҳ фанатиклар уя қурган мозористонга, гоҳ дабдабали базм-жамшид, фисқу фасод авж олган шоҳ саройига, гоҳ зулм-таҳқир, азоб-уқубат, дод-фарёд макони — ёруғ дунёнинг нақд дўзахи ҳибсонага, гоҳ Афғонистоннинг порлоқ истиқболи хаели билан юрган инқилобчилар даврасига, қўли қадоқ ҳунармандлар пири кулбасига, шулар гуруҳига мансуб Сидқий билан Мадинанинг кичкина оиласига олиб киради; инқилоб пайтидаги кўча ҳаракатлари, шоҳ саройига ҳужум, саройдаги отишмалар, шоҳ Довуд салтанатининг, оила аъзоларининг ҳалокати, инқилоб тантанаси, тантанага бағишлиланган оломон йиғини — бу тарихий ҳодисаларнинг барчаси кўз олдимизда жонли гавдаланади. Иўл-йўлакай автор Мирзо Бобир асос солган Афғон давлати, тарихи, тож-тахт талашишлар, афғон ҳалқининг озодлик, эрк учун машаққатли қураш йўли билан танишириб ўтади.

Қиссада автор афғон ҳалқи ҳаётини мураккаблиги, зиддиятлари, мусбат ва манфий, кучли ва ожиз томонлари билан ҳаққоний кўрсатишга интилган. «Афғон ери кенг; жаннат ҳам шунда, дўзах ҳам шунда... Бой ҳам шунда, гариб ҳам шунда. Бировлар гадо, нонга зор, бировлар «Форд» машиналарида кеккайиб ўтириб, «Интерконтинентал» меҳмонхонасида ўйнашига бриллиант сирғалар тақиб, минг-минглаб афғонийларни совурмоқда. Бировлар тахтда, бировлар зинданда... Афғон шунақа!» «Ҳам гарибу қашшоқ, ҳам бою бадавлат, ҳам ҳақири хор, ҳам гуруру кибор Афғонистон бу!» Конкрет ҳаёт лавҳалари тасвиридан ёзувчи ана шундай хуносага келади.

Мұхими шундаки, афғон халқи орасида мана шу зиддиятларга барҳам бериш йўлини қидираётган куч бор, бу — Халқ партияси. Ёзувчи Халқ партиясининг Афғонистон тарихида тутган ролини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Асарда талқин этилишича, Халқ партияси тенглик, саводхонлик, эркинлик, ер ҳуқуқи, киши киши кучидан фойдаланмаслик, жаҳон афкор оммаси билан байналминал оға-инилик баҳти сари халқни бошлайди. Аммо бу иш осонликча кўчмайди... Халқ партияси бошлиқлари, оддий аъзолари, тарафдорлари қатъий тақиб остида эзгу мақсад сари мардона курашга отланадилар. Асарда Халқ партиясининг қатор раҳбарлари, оддий аъзолари, тарафдорлари номлари тилга олинади; шу партияга мансуб Сидқий ва унинг рафиқаси Мадина қиссанинг бош қаҳрамонлари даражасига кўтарилади.

Сидқий билан Мадинанинг севги, оила тарихи, улкан инқилобий ҳаракатларга келиш, қўшилиш йўли асарда анча батафсил, қизиқарли ҳикоя қилинган. Оддий ишчи қизи Мадина таомилга кўра қари бир имомга сотилган, имом хонадонига учинчи хотин бўлиб тушган. Инжиқ, хасис имом жаҳл устида гўзал Мадинани уч галоқ қиласди, лекин унга жавоб бергиси келмайди, қиз учун кетган сарф-ҳаражатдан кўнгил узолмайди, қизни уй чўрисига айлантиради; гарчи қарид, эрликдан чиқиб қолган бўлса ҳам «ҳийлаи шаърий»— ҳалола йўли билан уни қайта никоҳига олмоқчи бўлади. Фалокатнинг шарофати деганлари дай, ҳалолага танланган йигит Мадинанинг эски жазмани Сидқий бўлиб чиқади; Сидқий Мадинани бу шармандали вазиятдан, таҳқири хўрликдан қутқариш йўлига киради; шу орада имом қазо қилиб Мадина Сидқий васлига етишади. Энди қиз ҳақиқий оила баҳтини татииди. Бугина эмас, «Офцери кўчек»— ҳарбий киши, Халқ партиясининг аъзоси саналмиш Сидқий билан яқинлашув Мадина тақдирида бурилиш ясади. Оддий чўри, шунчаки бироннинг хасми саналган, шу таомил-

ларга ўрганган, тақдирга тан берган Мадина эри таъсирида оқу қорани таний бошлайди, ўзининг инсонлик, аёллик шаъни, халқ аҳволи, унинг тақдири ҳақида ўйлайдиган онгли бир аёлга айланаборади; Сидқий тухмат-бўхтонлар билан ҳибсга олинганида энди у аввалгидек тақдирга тан бериб қўйл қовуштириб турмайди; ҳақиқатни аниқлаш, эрини Қутқариш чорасини ахтаради; тўғри, ҳали у ҳаёт чигалликлари сири, сабабини, ҳақиқий нажот йўлини биладиган ҳолда эмас; лекин нима бўлганда ҳам ҳаракат қиласди, нажот қидирио азиз авлиёлар мозорига, турли-туман идораларга, мансабдорлар ҳузурига боради; секин-аста улардан иш чиқмаслигига ишонч ҳосил қиласди. Шу оғир дамларда Халқ партияси аъзолари унинг таянчига айланадилар, Сидқийнинг дўстлари унга чинакам нажот йўлини кўрсатадилар, шулар кўмагида бирорларга қарам бўлмасдан, ўз қўли билан рўзгорини тебратади, Сидқий ҳолидан хабар олиб туради, даҳшатли кўргилик — эри ҳалокати мусибатларига дош беради; сўнгра эри бошлаган ишни давом эттиради, ҳаяжонли инқилоб пайтида қалтис топшириқчи адо этади — инқилоб режаси битилган қоғозни тегишли одамлар қўлига етказади... Шу тариқа чодра ичидаги бу аёл мамлакат тақдири ҳал бўлишида иштирок қиласди ва катта қаҳрамонлик кўрсатади.

Қиссанинг бош қаҳрамонлари Сидқий ва Мадина тақдири билан боғлиқ воқеалар, қисқача айтганда, шулардан иборат.

Асарда маҳорат билан битилган саҳифалар кўп. Хусусан Сидқийнинг қамоқдаги ҳолати, сўроқ, ададсиз қийноқ, мислсиз таҳқир-надомат, қаҳрамондаги шу қийноқ ва надоматларни кўтаришга қодир куч, букилмас ирода, матонат, бардош тасвири китобхонни ларзага солади. Мана, ўша даҳшатли лавҳалардан бири:

«Мұҳаммад Амин Сидқий ёнида турган икки йигит дарҳол унинг гирдибонидан ушлаб курсига ўтқазишиди.

арқон билан курси оёғига маҳкам боялашыди. Ўнг қўлини ҳам белига тушириб, тасма билан ўрашди. Чап қўлини тахтага қўйиб, тоғорада турган узун ғаровлардан бирини олиб, ўрта бармоғи тирноғи орасига тиқа бошлади. Сидқий типирчилаб, ўтирган жойида оҳ уриб додлай бошлади. Кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Бир лаҳзада пешоналари терга ботди. У тинмай оҳ ура бошлади. Рўпарасида турган барзанги икки кўзини ундан узмас эди.

— Қалай? — у кулимсиради. Қейин шерикларига имоқилди. — Тиқавер! Бошмалдоғига ҳам тиқ! Икки шеригинг қофозга имзо чекишган! Мана, кўрсанг бўлади Улар бир қун ғаров тиқишда имзо чекишди.

Сидқий мислсиз оғриққа чидолмай оҳ уарди. У бу азобдан кўра тарсса отиб ташлашса жони ором оладигандек ўлимига жуда ҳам рози бўларди.

— Икки бармоғига ғаров тиқдиларингми?

— Ха.

— Яна ичкарироқ тиқинглар.

Сидқий оҳ уриб, оғриққа чидолмай ҳушсиз йиқилди.

— Энди ғаровларни тортиб олинглар. Бошига сувқуйиб, занбилда хонасига олиб чиқиб ташланглар. Эртага яна бошқатдан ишни бошлаймиз».

Шу хилдаги сўроқ, таҳқир, азоб билан Сидқийни ўйлдан оздирмоқчи, ундан сир олмоқчи, қалбаки айбномага имзо чекдирмоқчи бўладилар. Бироқ Сидқий соғилмайди:

«Сидқий иситма ичида алаҳсирагандай кулди.

— Фашистлар гестапосида одамларни шундай қийиноққа солган деб эшигтан эдим. Сизлар афлонлардан чиққан гестапочилар — разилларнинг разили бўлиб чиқдингиз! Минг қийиноққа солиб, жодида қирққанингизда ҳам, мен бу қуруқ тұхматларни бўйнимга олмайман! Овора бўласиз! Хоҳлаган вақтингизда ўлдиришингиз мумкин! Виждонимни сотмайман!»

Бу хил лавҳалардаги дард-азоб беихтиёр китобхон қалбига ҳам қўчиб ўтади, азобдан бағри эзилади, қаҳрамоннинг бардошига, матонатига тан беради, унга оғарин айтади.

Шуни ҳам айтиш керакки, асар тезкорлик, ҳозиржавоблик билан тарихий воқеалар изидан бориб, ҳали ҳодисалар тошқини босилмай, тарихий жараёнлар маълум нитиҳосига етмай туриб ёзилгани учун бўлса керак, қаламга олинган айрим тарихий ҳодисаларнинг туб мөҳияти яхши очилмай қолган; ёзувчи икки қутб — салтанат билан озодлик тарафдорлари орасидаги курашни кўрсатишга интилади-ю, ҳар икки қутбнинг ўз'ички зиддиятларини бир оз эътибордан четда қолдиради. Бунинг устига асарда турли-туман фактлар, воқеалар, иштирокчилар ҳаддан ташқари кўпайиб кетгани учун персонажлар, ҳаттоқи етакчи қаҳрамонлар руҳиятини, руҳиятидаги жараёнлар, ўзгаришларни кўрсатиш, аниқроғи бадий таҳлил этиш имконияти бирмунча торайиб қолган. Чунончи, оддий чўри Мадинанинг онгли инқиlobчи даражасига кутарилиши анча қизиқарли ҳикоя қилиб берилса-да, бу фоят мураккаб жараён психологик жиҳатдан етарли далилланмай қолган.

Бироқ шу ҳолда ҳам «Чодрали аёл» қиссаси маълум маърифий-бадиий қимматга эга; аввал айтилганидек, у Афғонистон тарихининг муҳим бир палласи, инқиlob даври ҳақида ўқувчига муайян тасаввур беради. Мирмуҳсин, эҳтимолки, сўз санъатида биринчи бўлиб «Инқиlobи савур» воқеаларининг эпик манзарасини чизади, афғон инқиlobчилари образини яратишга, муҳим тарихий факт — «Инқиlobи савур»да жафокаш афғон аёлининг иштирокини кўрсатишга интилади; Довуд режимиининг антигуманистик мөҳиятини фош қиласи, меҳнаткаш афғон халқи тарихида янги саҳифа очиши мумкин бўлган инқиlobга, унинг иштирокчиларига чуқур меҳр-эҳтиромини изҳор этади.

## РОМАН ЙЎЛИДА ИЗЛАНИШ

50- йиллар иккинчи ярми, 60- йиллар бошларида ро-  
ман жанри теварагида жаҳон миқёсида қизғин баҳслар  
бўлиб ўтди, «романинг умри тугаб битгани», бу жанр  
«инқизозга юз тутгани» ҳақида ваҳимали гаплар айтил-  
ди, ҳаттоқи эндиликда роман ёзиш керакми ёки йўқми  
деган саволлар ўртага ташланди. Ўша қизғин баҳс пайт-  
лари атоқли совет ёзувчилари М. Шолохов, Л. Леонов  
сингари роман усталари бу жанрни қаттиқ турниб ҳимоя  
этдилар, чунончи, М. Шолохов қатъий қилиб: «Деҳқон  
ўз олдига «дон экиш керакми ёки йўқми» деган савол  
қўймаганидек, шахсан мен учун «роман керакми ёки  
йўқми» деган жумбоқ йўқ»,— деган эди. Яқдиллик ои-  
лан шу нарса таъкидландики, роман жанри ривожида  
маълум қийинчиликлар, камчиликлар мавжуд, аммо бу  
ҳол «жанрнинг инқизози» ҳақида ҳукм чиқариш учун  
асос бўлолмайди, бу жанрнинг имкониятлари ҳали бе-  
ҳисоб. Бу принципиал эстетик позиция кўпмиллатли со-  
вет романчилиги ривожи учун муҳим аҳамият қасб  
этди; роман йўлига кираётганлар, бу йўлда бораётган-  
лар руҳини кўтарди. Худди ўша қизғин баҳслар пайтида  
50—60- йиллар миёнасида, жумладан ўзбек романчили-  
ги тараққиётида жиддий изланиш, катта кўтарилиш юз  
бераётган эди; адабиётимизнинг ўрта авлоди вакиллари  
Ш. Рашидов, А. Мухтор, Сайд Аҳмад, Шуҳрат, Ҳ. Гулом,  
улар изидан адабиётга кириб келган П. Қодиров, О. Ёқубов,  
шулар қаторида Мирмуҳсин бу жанр билан астой-  
дил шуғулландилар, улар 60—70- йиллар давомида худ-  
ди шу жанрда муқим туриб ижод этдилар; Ш. Рашидов-  
нинг «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», «Голиб-  
лар», А. Мухторнинг «Туғилиш», «Давр менинг тақди-  
римда», «Чинор», Сайд Аҳмаднинг «Уфқ», Шуҳратнинг  
«Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», Ҳ. Гуломнинг  
«Машъал», «Бинафша атри», П. Қодировнинг «Уч ил-  
диз», «Қора кўзлар», «Юлдузли тунлар», О. Ёқубов-

нинг «Улугбек хазинаси», «Диёнат» каби асарлари орқали ўзбек романчилиги янги босқичга кўтарилиди.

Ўзбек романчилигининг янги босқичдаги тараққиётида Мирмуҳсиннинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ў «Зиёд ва Адиба», «Чиниқиши», «Умид», «Дегрез ўғли», «Меъмор», «Чотқол йўлбарси» асарлари билан романчилигимиз ривожида ўзига хос ўрин эгаллади.

Мирмуҳсин шеърияти, ҳикоя ва қиссалари устида ҳам тортишувлар бўлган, бироқ энг қизғин баҳс-муноزارалар унинг романлари теварагида кетган. Мирмуҳсин роман томон узоқ, машаққатли йўлни босиб ўтди. У ижодининг бошидаёт бу жанрга мурожаат этган, аввал эслатилганидек, урушдан бурун бир фантастик роман ёзган ёди, бироқ асар бадиий жиҳатдан буш бўлгани учун қўллэзма ҳолида қолиб кетди. Сўнг 50-йиллари «Зиёд ва Адиба» устида иш олиб борди, бу ўзбек адабиётида шеърий роман яратиш йўлидаги илк тажриба ёди; асар бир қатор фазилатларига қарамай, роман сифатида ожизроқ чиқди, унда ҳали романбоп салмоқдор гап, улкан типик характерлар, ҳаётнинг яхлит, кенг кўламли, чуқур таҳлили етишмас, асар композицион жиҳатдан ҳам паришонроқ чиққан ёди. Ҳикоя, ҳажвия, қисса жанрларидаги кўп йиллик меҳнат, маълум муваффақият, қолаверса, йиғилган бой ҳаётий тажриба адабни яна роман томон етаклади, 60-йилларнинг бошлирида «Чиниқиши» романини яратди, асар дастлаб қисқартирилган ҳолда нашр этилди. У ҳақда матбуотда хилма-хил фикрлар ўртага ташланди, адолатли танқидий мuloҳазалар айтилди, айрим ўртоқлар эса асарни асоссиз равишда ҳимоя қилишга уриндилар. Чунончи, Ф. Насриддиновнинг «Чиниқиши» ҳақидаги тақризида, сўнг ёзувчи ижодига бағишлиланган рисоласида шу ҳол сезилди. Танқидчи романнинг энг жиддий ютуғи сифатида шуларни қайд этади: «Ундаги образлар ҳаётий ва ёрқин гавдаланади. Сиз унда хумдондек қизиган саратор кунларининг бирида ховлига юрганича кириб кел-

ган «ёқавайрон» Алижонни ҳам, унинг киши эисасини қотирадиган номаъқул қилиқ-қиёфаларини ҳам, онаси Холниса холанинг ҳайратдан ўтирган жойида анграйиб қолишини ҳам, «сўқимдай йигит ишласа ўладими!» деб тўнғиллаб ўтиб кетган маҳалланинг шопмўйлов қорувулини ҳам, укаси Алижонга сўзини ўтказолмай, кўкайи кесилган хафақон Валижонни ҳам, севгисига жавоб ололмай, дардини дилига ютган оқила қиз Фаридаю, пул-молни ҳар қандай одамгарчиликдан устун қўйган хасис чол Бўрихўжани ҳам — ҳамма-ҳаммасини аниқ тасаввур этасиз<sup>1</sup>. Қисқаси, танқидчи романнинг асосий ютугини образларнинг ҳаётйлиги, индивидуал қиёфага эга экани, тирик инсондек жонли гавдаланишида кўради. Танқидчи фикрини давом эттиради, асар сюжетини гапириб беради, йўл-йўлакай характерларнинг индивидуал хусусиятлари ҳақида бир неча бор тўхталади. Қолаверса, романнинг баъзи камчиликларини ҳам қайд қилиб ўтади, камчиликларини ҳам худди шу индивидуаллаштириш масаласидан қидиради, асардаги энг жиддий камчиликлардан бири сифатида Алижон характерига хос индивидуал хусусиятларни чизишда баъзан мантиқ бузилганини айтади. Дарҳақиқат, танқидчи санаб ўтган персонажларнинг аксарияти романда ўзларининг бетакрор қиёфа ва хусусиятлари билан ажralиб турадилар, тирик одам тарзида жонли гавдаланадилар. Бу ҳам фазилат, бадиийлик белгиси, ҳар қандай бадиий асар олдига қўйиладиган биринчи талаб. Бироқ шу фазилатнинг ўзи билангида образ, бадиий асар, айниқса романнинг қимматини белгилаш қийин.

Хўш, танқидчи мароқ билан қайд этган «индивидуал хусусиятлар» қанақа идеяни ташишга қаратилган, шу «индивидуал хусусиятлар»га эга бўлган характерлар

<sup>1</sup> Ф. Насридинов. Мирмуҳсин. (Ҳаёти ва ижодий фаолияти). Тошкент, 1972, 77-бет.

романбоп қаҳрамон, бадий тип даражасига кўтарила олганми, улар зиммасидаги юк роман қаҳрамонига хосми, мабодо улар бадий тип даражасига кўтарилиган бўлса, қанақа ҳодисанинг моҳиятини, ҳаётнинг қайси муҳим томонини очиб беришга қаратилган, автор ана шу «ёрқин индивидуал характерлар» орқали китобхонга зарур муҳимроқ гап айтганми, персонажлар тақдири орқали ўқувчини ҳаяжонга сола олганми?! Бу зил саволларга мақоладан ҳам, романдан ҳам жавоб топа олмайсиз; мунаққид ҳеч қанақа далил-исботсиз: «Уларнинг (персонажларнинг — У. Н.) ҳар бири ўзига хос типик характерга эгадирлар. Улар елкасига қўйилган «бадий юк» ҳам уларнинг ана шу характерига жуда мос ва монанд тушади!», — деб ёзди, лекин персонажларнинг типиклиги, «елкасига қўйилган, характери мос ва монанд бадий юк» нимадан иборат экани ҳақида лом-мим демайди.

Шу хилдаги бирёқлама, қуруқ мақтовларга қарамай ёзувчи ўз асаридан кўнгли тўлмади, роман устидаги ишини давом эттириди. 1970 йили асарнинг танқидий мулоҳазаларни, истакларни ҳисобга олган ҳолда қайта ишланган, тўлдирилган янги нусхаси чоп этилди. «Чиникиши»нинг янги нашрида образлар анча мукаммалашган, асар сюжети, композицияси бирмунча тақомилашган бўлса-да, барибир, ҳар жиҳатдан мукаммал асар, тўлақонли роман даражасига бориб етган эмас. Гарчи «Чиникиши» роман деб аталган бўлса-да, романдан кўра қиссага яқинроқ. Жанрнинг хусусияти аввало қаҳрамон билан уни қуршаб олган муҳит, шароит орасидаги муносабат кўламига қараб белгиланади. «Чиникиши»даги ана шундай муносабат кўлами ҳали роман имкониятлари даражасида эмас, инфантлизм касалига мубтало бўлиб қолган йигитнинг катта ҳаёт йўлига чикиб олиш тарихи қиссага хос торроқ доирада ифода

<sup>1</sup> Ф. Насиддинов. Мирмуҳсин, 77-бет.  
www.ziyouz.com Kutubxonasi

этилади; бунинг устига бош қаҳрамон Алижонни йўлдан оздирган, йўлига ғов бўлган ҳаётий омиллар чуқур, атрофлича бадий таҳлил этилмайди; улар воситасида илгари суриш лозим бўлган ёзувчининг маълум ҳаётий муаммолар устидаги ўй-мулоҳазаларини, теран фикрларини, ўзини қийнаган жумбоқларга излаган жавобларини кўрмаймиз; асарда тўқнашувлар, руҳий драмалар учун асос бору бу имкониятлар етарли ишга солинмайди, нобоп ўғил билан муштипар она — Холниса, ғаламис ўгай ота — Бўрихўжа, илфор ишчи ака — Валижон, севикли ёр — Фарида муносабатлари қутилган драматик вазиятларга олиб бормайди, баъзан юз берган драматик ҳолатлар, масалан Фариданинг Алижон хатини олгандан, бевафолиги маълум бўлгандан кейинги оғир руҳий кечинмаси шунчаки қайд этиб ўтилади холос.

### УЛГАИИШ

Галдаги асари «Умид» ёзувчи учун роман «сирлари»ни, романчилик маҳоратини эгаллаш йўлида олға ташланган қадам бўлди. Бу асар китобхонлар, танқидчилар орасида ҳам, ёзувчининг қаламкаш дўстлари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотди. «Умид» устиди кетган баҳслар пайтида, асарнинг қатор камчиликлари хийла кескин танқид қилинган бўлса-да, барибир ўша баҳсда ҳам роман ёзувчи ижодида улгайиш эканлиги эътироф этилди<sup>1</sup>. Асар кўп ўтмай рус тилига таржима қилинди. «Новый мир», «Литературное обозрение», «Литературная газета» саҳифаларида ижобий баҳо олди, 1974 йили Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Хўш, бундай муваффақиятнинг сири қаерда?

<sup>1</sup> Қаранг: «Шарқ юлдузи», 1970, № 11, 227—232- бетлар.

Ёзувчи Сайд Аҳмад «Умид» ҳақидағи мақоласыда: «Китоб автори, айниңса роман ёзадиган автор ўз бошидан кўп савдоларни ўтказган, турли тақдирлар билан тўқнашган, бахт ва бахтсизлик, муҳаббат ва айрилиқ, қаҳрамонлик ва қўрқоқлик, эркинлик ва мутелик... ҳамма-ҳаммасини кўрган, ҳис қилган бўлиши керак»<sup>1</sup>, – деб ёzáди. Асар ёзганда ўзгалар тажрибасига эмас, ҳаёт ҳақидағи маълум ва тайёр тасаввурларга эмас, биринчи галда ўзининг шахсий ҳаётий тажриба ва кузатишларига таяниб иш кўриш реалистик ижоднинг муҳим шартидир. Мирмуҳсиннинг аввалги асарларида ҳам унинг ҳаётий тажрибаси озми-кўпми акс этган эди. «Умид»да эса автор ўз бисотини тўлароқ намоён қилган. Сайд Аҳмаднинг гувоҳлик беришича «Умид» автори ўзи кўрган, тақдирларини кузатган, бирга, ёнма-ён яшаган кишилар ҳаётини қаламга олган. Мақола автори ёzáди:

«Романда тасвирланган кўчаларда ёзувчининг ёшлиги ўтган. Ўқувчи ниҳоятда севиб қолган Чўтир хола билан кўп гаплашган, лапанълаб турган омонат зинасандан бир қўлини белига тираб чиқиб кетаётганини деярли ҳар куни кўрган.

Ёзувчи Чўтир холани тасвирлаётганда шундоққина уни кўриб, овозини эшишиб турган. Салимхон Обидийни Мирмуҳсин танийди. Тўғри, ёзувчи таниган, тасвирлаган олимнинг исми ҳам, фамилияси ҳам бошқа. Аммо қиёфаси ўша. У Салимхон Обидийни тўғрига ўтқазиб қўйиб суратини чизганга ўхшайди. Бутун қиёфаси, қиликлари, қош-кўзлари, юриш туришлари ўқувчига кўриниб турипти».

Ёзувчи қаламга олган лавҳалар, образлар, жонли, ҳаётий, персонажларнинг индивидуал хусусиятлари яхши очилган. Бироқ, «Чиниқиши» романни муносабати би-

<sup>1</sup> Сайд Аҳмад. Давр нафаси. «Ўзбекистон маданияти», 1973 йил, 19 октябрь.

лан уқтириб ўтилганидек, чинакам реалистик бадиј тасвир учун булар ҳали камлик қилади. Яна Саид Аҳмад мақоласига мурожаат этамиз, унингча: «Ёзувчи китобхонни ўзи хаёлида яратган қучаларига етаклаши, сурган ўйларига шерик қилиши, тортган азобларига оҳ урдириши, яратган баҳтидан энтикириши, қувончидан кулдириб, ғамидан йиглатиши керак». «Чиниқиши»дан фарқ қилароқ, автор бу романда персонажлар характери, уларнинг шахсий ҳаёти, мулоқотлари воситасида ўз қалбини ифода этган, қалбидаги қувонч, дард-ташибишларини китобхонга юқтира олган, ҳаёт ҳақидаги ўй-мулоҳазаларини у билан баҳам кўрган.

Саид Аҳмад мақоласидаги «Умид»да қаламга олинган қаҳрамонлар ҳаёти ёзувчига яхши таниш, деган фикр бир оз изоҳга муҳтож. Гап шундаки, асар бош қаҳрамони Умид — ёш селекционер олим, бинобарин роман воқеаларининг бир қисми селекция уруғчилик институтida бўлиб ўтади. Умид олимларнинг мураккаб муҳитига тушиб қолади, иш юзасидан хилма-хил характер, эътиқодга эга кишилар билан учрашади. Ёзувчи Умиднинг касб-кори, илмий иши, касбига оид кечинма-ўйларини ҳам беришга интилади; шулар воситасида асар ёзилган пайтлари пахтакорлар учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолган вильт балосига қарши кураш, пахтачиликда қўлланадиган кимиёвий дориларнинг зарарли оқибати, табиатни, атроф-муҳитни асраш-авайлаш муаммоларини тилга олиб ўтади. Афсуски, асадаги бу ўналиш юзакироқ чиқиб қолган; ёзувчи қаҳрамонларининг шахсий ҳаётини, тақдирини яқиндан билса ҳам, персонажнинг касб-кори, асадга фон бўлмиш селекция институтидаги ҳаёт унинг учун бегонароқ, бу борадаги тасвирини юзакироқ, мавхумроқ чиқиш сабаби аслида шунда. Адид бош қаҳрамоннинг касб-кори, илмий ишлари билан боғлиқ ўй-кечинмаларини, меҳнат жараёнини, меҳнат билан боғлиқ ғоялар курашини, эътиқодлар түқнашувини бевосита конкрет кўрсатиш бадиј таҳлил

этиш ўрнига, кўпроқ ўша жараён оқибати ҳақида ахборот бериб ўтади. Мана шулардан бири:

«Қиши ичи, февраль ойида Умиднинг илмий иши – кандидатлик диссертацияси институт илмий совети муҳокамасига қўйилди. Унинг ишларини зимдан кузатиб юрган Салимхон Обидий икки юз саҳифадан иборат илмий ишнинг бир нусхасини уйига олиб кетиб, ўқиди. Советда у сўзлаб, бу ишнинг «ҳеч нарсага арзимаслиги»ни айтди. Унинг бир неча ишонарли далиллари ҳам бор эди. Умид профессор Салимхон Обидийнинг диссертацияни бекор қилишга қаратилган сўзларидан кўра ҳам, баъзи далилларига, ўз ишининг мавҳум томонларига боқарди. Дарҳақиқат, яна аниқлаши лозим бўлган ишлар бор экан. Илмий раҳбари Шукур Каримович анча муҳофаза қилиб, у ҳам бирмунча камчиликларини кўрсатди. Мунзорада Салимхон Обидий билан Шукур Каримович олишиб кетишди. Бу, ёш илмий ходимни буйдалаб, илмий ишидан кўра ҳам ўзини балчиққа қориб ташлаётгани сабаб бўлди. Лекин Умид миқ этмай тинглар, жиндак бўлса ҳам, асабга куч бермасликка интиларди. Салимхон Обидий «бўлмайди»га чиқарди. Бошқалар яна жиддий иш олиб бориши кераклигини таъкидлаб, бошқа масалага ўтишди». («Умид», 1969, 318—319- бетлар.)

Бу хил ахборотда биз чинакам, асосли илмий баҳс манзарасини кўрмаймиз, ҳаттоки баҳс-мунозара нима устида кетаётганини ҳам билмаймиз, бир-бiri билан тўқнашаётган одамлар руҳиятидан, ўша олишувлар ичinda ўтирган Умиднинг ҳақиқий ҳолатидан бехабар қоламиз. Ишлаб чиқаришга, қаҳрамоннинг касб-корига оид қолган можаролар, ўй-кечинмалар ифодаси ҳам деярли худди шу тарзда. Шунинг оқибати ўлароқ ўқувчи ўмидни ўз ишининг одами, селекциячи олим сифатида старли тасаввур этолмайди. Ёзувчи Борис Володин билан атоқли биолог олим Ёлқин Тўрақуловлар суҳбатида Умид пахтачилик бўйича иш олиб борадиган олимдан



Адабиёт билан адабий танқид ҳамиша яқин алоқада. Чапдан: филология фанлари доктори Үмарали Норматов, шоир, прозаик, Ҳамза мукофоти лауреати Мирмуҳсин, адабий танқидчи Ортиқбай Абдуллаев.

кўра филология соҳасида фикр юритувчи кишига ўхшаброқ қолгани тўғри таъқидланган. (Қаранг: «Литературное обозрение», 1976, № 3.)

Ёзувчи персонажлар характерини илмий баҳслар, олишувлар, бинобарин ишлаб чиқаришга оид конфликтлар фонида эмас, кўпроқ улар ҳаётининг ўзи яхши биладиган соҳаси — шахсий турмуши, оиласвий мудити, севги мулоқотлари орқали очишга интилади, оиласвий, шахсий-интим муносабатларни автор муҳим ижтимоий-ахлоқий муаммолар даражасига кўтаради.

Танқидчининг бирор асар, бірор адабий ҳодиса устидаги танқидий мулоҳазаси ҳеч қачон узил-кесил ҳукм, ўзгармас қоида бўлган эмас. Танқидчи фикрининг ҳақ

ёки ноҳақлигини давр синови, адабий тажриба-сабоқлари белгилайди. Ёзувчининг бутун ижоди номаълумликка саёчат, тажрибадан иборат бўлганидек, танқидчи фаолияти ҳам ҳамиша бадий ҳақиқат мөҳиятини, бадиият сирларини қидиришдан иборат. Ҳаётий-илмий тажриба жараёнида, адабиёт ривожининг қонуниятларини кузатиб, ўрганиб бориш жараёнида унинг фикр-қарашлари ҳам ўзгариши мумкин. Ўзи йўл қўйган камчиликларни ошкора эътироф этиш, уни тузатишга интилиш, менимча, принципдан чекиниш эмас, бу фавқулодда бир жасорат, мардлик ҳам эмас, балким оддий инсоний, гражданлик бурчига, адолат туйғусига амал қилишдир. Бизнинг «Умид» романни ҳақидаги баҳсимизда («Шарқ юлдузи», 1970, № 11) айтилган романнинг қатор камчиликлари, чунончи ишлаб чиқаришга оид конфликтнинг бўш ва юзаки экани, кўп ўринларда диалоглар оддий савол-жавобдан иборат бўлиб қолгани, Обидий образининг карикатурага айланиб кетгани, асарда ортиқча эпизодлар борлиги хусусидаги мулоҳазалар ҳамон ўз кучида турибди; шу билан бирга Умид образининг пассивлиги, Фотима образининг асардаги ўрни ҳақидаги мулоҳазалар аниқлик киритишга, асэрдаги оиласвий-интим йўналишнинг танқиди тузатишга, Жанна, Ҳафиза образларига оид ижобий Фикрлар кенгайтиришга муҳтоҷ.

Ёзувчининг қатор қисса ва ҳикояларидаги етакчи қаҳрамонлар каби Умид ҳам бошидан кўп оғир савдолар кечган, маълум инсоний бир дард билан нафас олувчи шахс. Асарда автор ўз олдига асосан қаҳрамоннинг балофат ёшидаги, институтни тугатиб мустақил ҳаёт — меҳнат, илм-фан йўлига қадам қўйган, севги, оила муаммоларига рўпара келган кезлардаги саргузашлару кечинмаларини ифода этишини мақсад қилиб қўйса-да, йўл-йўлакай қаҳрамоннинг ўтмишига ҳам мурожаат этади, унинг етимликада ўстан, ғам-ғуссага тўла болалик йилларини кенг ҳикоя қилиб беради. Умид кўз очиб илк

бор уруш даврининг машаққатлариға дуч келган, онаси жангга кетган отаси йўлига кўз тикиб чор-ночор оила тебратган; уруш тугаб, жангчи ота ярадор ҳолда қайтиб, эндинга оиласа файз кирай деганда, уруш даври машаққатларида ўзини олдириб қўйган она оламдан ўтади, олти яшар Умид бўзлаб қолаверади. Ота бошқа бир аёл — Фотимага уйланишга мажбур бўлади. Кўп ўтмай урушда оғир дардга чалинган ота ҳам дунёдан кўз юмади. Умиднинг сўнгги таянчи — меҳрибон бувиси ҳам қазо қиласди. Мана энди гирт етим Умид жоҳил ўгай онанинг қўлида. Биз ўгай онанинг зуфуми, ўгай боланинг азоб-изтироблари ҳақида кўп ўқиганмиз, эшитганмиз; романда шундай ҳодисаларнинг яна бирига дуч келамиз; Фотиманинг ўзи ҳаётда омади келишмаган, оиласи бузилиб, кетма-кет баҳтсизликка учраган аёл, шу омадсизлик уни шафқатсиз бир кимсага айлантирган; бироқ у «кичкина» одам, унинг шафқатсиз қўли фақат етим гўдак — Умидга етади, у аламларини мана шу бегуноҳ боладан олади. Ададсиз зуфумлар гирдобида қолган гўдак кўнглидан кечган ўйлар, унинг «жаннатда юрган она» ҳақидаги хаёллари, ота шаънини ҳимоя этиш йўлидаги кичкина жонбозликлари ғоят таъсирили чиққан. Автор Умид тушиб қолган тор, чиркин муҳитни бутун даҳшати билан гавдалантириб беради, ҳаётдаги, одам боласи табиатидаги шафқатсизликка қарши кўнглида қўзғолган нафрат-надоматларини тўкиб солади, ҳаётнинг шу хил чигалликлари ҳақида бизни ўлашга ундейди; айни пайтда асарда Умид бошига тушган кўргиликлар, таҳқику надоматлар ўтган урушнинг оқибатларидан бири тарзида талқин этилади. Муҳими шундаки, теварак-атрофда катта нурли ҳаёт бор, яхши, меҳрибон одамлар бор: Умидни совет мактаби ўз қучогига олади, Сукрот домладек кишилар унга далда, меҳрибон онажонлар эса ошу нон беради. Шулар кўмагида, шулар паноҳида Умид ўзи одам бўлади, ҳаётнинг катта йўлига чиқиб олади. Би-

роқ ҳаёт мураккаб, ҳаётнинг катта йўлидан бориш ҳам осон эмас. Романдаги асосий гап шу ҳақда.

Роман Умиднинг энг баҳтли дамлари ҳикоясидан бошланади. У институтни тугатиб, катта илмий даргоҳга — Селекция ва уруғчилик илмий-тадқиқот институтига йўлланма олган, уни ишда хуш қабул қиласидар; Умид ишқ ўтида маст, аломат қиз Ҳафизанинг севгисини қозонган. Кўпинча зулматдан ёруғликка чиққан одамнинг кўзи анча вақт қамашиб туради, ёруғликдаги ашё, ҳаракатларни яхши ажрата олмайди. Худди шунингдек, болалиги ғурбат ва машақатда кечган Умид дастлабки омад ва қувончлар олдида энтикиб, гангид қолади. Ишда у Салимхон Обидий деган олимга шогирд тушади, бу маккор шахс истеъододли йигит Умидга кўп илтифотлар кўрсатади, оиласи билан таништиради. Ширин сўзга, меҳрга, илтифотга ташна Умид катта олим илтифоти, Обидий хотини Сунбулхоннинг ширин сўзи, «оналик меҳри», қизи Жаннанинг илиқ муомаласи қаршисида ўзини йўқотиб қўяди. Умид анои эмас, ундаги виждон, адолат туйфуси сўниб битган эмас. У ножӯя иш қилаётганини, мустақиллигини йўқотиб, Обидийнинг шунчаки дастёрига айланиб қолаётгандигини билади, ҳис қиласи, лекин Обидийнинг чексиз илтифоти, оила-да унга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром йигитдаги муқаддас туйғулар ҳаракатини тизгинлаб қўяди; Жанна билан яқинлашув илк севги—Ҳафиза олдида хиёнат эланлигини билади, аммо Обидий оиласи муҳитидаги гирдоб ҳаракатига беихтиёр ўзини қўйиб беради. Ҳаётдаги илк омад, Салимхон Обидий оиласидаги муҳит таъсирида Умид онгига қандайдир худбинлик, шуҳратнарастлик, бевафолик, келишувчанлик ҳислари ҳам аралашиб қолди. Мана шу ҳис уни тубанликлар, баҳтсизликлар сари етаклайди.

Ёзувчи қаҳрамоннинг ана шу мураккаб муҳит, чигал вазиятдаги руҳий ҳолатини, Умидни хиёнат ва жиноятга бошлаган омилларни, энг муҳими Умид руҳиятидаги

зиддиятли жараёнларни анча чуқур, таъсирчан ифода этади.

Мана, Умиднинг бахтли дамларидаги ҳолатидан бир лавҳа:

«Умид болохонада, шинам ҳужрасидаги эски сим каравотда чалқанча ётарди...

Хафизанинг иши ўнгланганлигидан ва бунинг устига гўзал қизнинг уни деб атай уйидан ҳаллослаб, чопиб келганидан ниҳоятда хурсанд эди. Юрагидаги бебаҳо гавҳар билан ўзини дунёда энг бахтли ва бой одам ҳисоблаб юрган Умид ётган ерида эркин нафас олиб фахрланди. Угай она зулмида қаттиқ ээилган етим қўзи албатта бахт топажагига ишонарди. Негадир шундай бир қоникиш кайфияти унда кўпдан бор. У шундай бўлишини орзу қиласидан ва шундай бўлишига ишонарди ҳам». («Умид», 128-бет.)

Шу ишончнинг рўёбга чиқа бошлиётганидан фахр тўйғуси секин-аста унинг хаёлини шуҳрат кўчасига етаклайди, у хаёлан болохонадаги ҳужкрадан чиқиб санъат қасри сари сайр этади:

«У жимжит хонада деразадан пастак томларга, эт-да-бетда қўққайиб турган мўриларга тикилганича хаёл наҳрида сузарди... Болохонадаги ҳужрасида эмас, Алишер Навоий театри саҳнасида ўтирибди. У вильт касалига қарши кураш мавзууда ёзган илмий асари учун Беруний мукофоти лауреати бўлган эмиш... Бугун «лауреат» шарафига шаҳар жамоатчилиги катта театр залига тўплланган. Унинг ёнида партия ва давлатнинг кўзга кўрининг арబоблари, олимлар, ёзувчилар, донгдор пахтакорлар ўтиришибди. Ҳамманинг кўзи Умидда, у ҳаяжонланар, дам-бадам ёнида ўтирган Ҳафизага қараб қўярди. У бўлса жуда сиполик билан ўтиради. Унинг димогига Ҳафиза сениб келган хушбўй атирининг ҳиди ҳам урилгандек бўлди. Уни пахтакорлардан, ишчилардан, олимлардан чиқиб табриклишди. Узбекистон Фан-

лар Академиясининг президенти ўз қўли билан унинг кўксига лауреатлик медалини тақиб қўйди.

Бирдан зални ларзага солиб кўтарилган қарсаклар садоси Умиднинг ширин хаёлларини тарқатиб юборди... Тор кўчадан ўтиб кетаётган оғир юк машинаси унинг деразаси тагидан вағиллаб ўтган эди. Навоий театри, одамлар, қарсаклар... бари-бари бирдан гойиб бўлди. Фақат Ҳафизизанинг кулиб турган сурати: «Умид ака, ҳали жуда эрта!» дегандек бўларди. Гўё унинг хаёлларини билиб қолгандек, Умид Ҳафизизанинг суратидан ҳам уялиб кетди» («Умид», 134—135-бетлар).

Умид ҳали замин билан осмон оралиғида, ҳозирча замин туйғуси кучлироқ, кўз олдидан Ҳафиза олис кетган эмас, унда орият, номус бор, ўзининг беҳуда хаёлларидан хижолат чекади.

Иигитнинг профессор хонадонидаги зиёфатдан кеиниги ҳолатини эслайлик.

«Анча вақтгача Умиднинг кўзинга уйқу келмади, у ўзининг бунчалик иззат-икром қилиниб, катта олимлар тўпига қўшилганидан ва бунинг устига жиндек кайфи ошиб қолган профессор Салимхон Обидий қадаҳ кўтаргандা «ўзининг энг яхши шогирди меҳнатсевар Умид» ҳақида ҳам ўз сўзида айтиб юборгани, умуман, бу хонадон унга ўз бағрини очганидан ниҳоятда мамнун эди. Ўнинг кўз олдида севикли Ҳафизаси ҳам пайдо бўлди, «мана менинг қалбимни профессор билди. Шунинг учун ҳам у профессор! Мен энди олимлар орасига ҳам кира бошладим, Ҳафиза! Эҳ, сен менинг бунда иззату икром қилинаётганимни кўрсанг эди! Жуда қувонардинг...» дерди кайфи ошиб қолган Умид тўшақда ётиб» («Умид», 149-бет).

Мана энди Умид қалбидаги адолат, виждон, номус туйғуси хира тортиб, унинг ўрнини худбиилик, шухрат-парастлик, манманлик эгаллаб олган, бояги уялишдан асар ҳам йўқ, текин баҳтидан ниҳоятда мамнун; энди унда ўзгаларни тушунишот күйвхосаси ҳам суст тортиб қол-

фожна, бу ҳикоя үтгаш уруш устидан чиқарылган ҳукм, зўр айбнома каби янграйди.

Кичкинтой Субҳия қисмати билан қария Эсон бува тақдиди орасида қандайдир муштараклик, ички алоқадорлик бор. Худди Субҳия сингари Эсон бува ҳам фожнага дуч келади. Эсон бува бошига тушган кулфатда ҳам манфур кимса Мусоват Қорининг қўли бор. Субҳия, бир чеккаси Қори ва шу типдаги одамларнинг совуқ-қонлиги, бепарвонлиги туфайли ҳалок бўлса, Эсон бува Қори уюштирган пинҳона фитнанинг қурбони бўлади.

Эсон бува ниҳоятда ёқимтой чол. Саксон тўртга қадам қўйган, соч-соқоли пахтадек оппоқ, хушфеъл, болаларга меҳрибон, кексалар ичида файзли, кўркам қарнган; қариндош-уруглар ичида кўрк, йигин-маъракаларда эътиборли кишилардан бири, зийрак ва донолиги туфайли ҳамма вақт иззату икромда, уруғ-аймоғидаги чақалоқларнинг танглайнин кўтарган ҳам шу қария; у пок-озода, тоат-ибодатни канда қилмайди, аммо ёшилангларга шарнату тариқатдан сафсата сотишни хуш кўрмайди, тақводорликка муқасидан кетган зоҳиду сўфиларни ёқтирамайди. Таҳорату номоз унинг тан соғлиғи учун зарурият, имон-эътиқод, дўст-акраболардан ажралиб қолмаслик воситаси. Уни кўрганда невара-эвараларнинг чиройи очилиб, полапон мусинча боласидай қанот қоқиб бобога талпинади, битта кўтаришини, соқоли билан гўдак томони тагини қитиқлаб кулдиришини, чўнтағидаги туршак-муршакдан беришини исташади. Мана, унинг неваралари билан мулоқатидан бир лавҳа:

«Эсон бува жойнамоз ёзиб, намоз ўқиб ўтирганида икки невараси рўпарасида, жойнамоз устида бувага бақрайиб қараб ўтиришарди. Буванинг барча хатти-ҳаракати фақат улар учун бўлаётгандай. Улар қиқирлаб кулиб, бува билан ўйнашарди, унинг чопонидан тортиб, овозини чиқаришини сўрашар, бува бўлса саждага бош қўйиш учун жой ~~төзиқишаёт~~ ~~кинфомият~~, ёнига эгилар,

«кетинглар», деб имо қилганига ҳам тушунишмасди. Икки гўдак меҳроб бўлиб, рўпарасида туришарди... «Худонинг ўзи кечирсин» — бува ҳар кунги одатини наридан-бери бажариб, кўнгли таскин топар, шундан сўнг яна гўдаклар билан турниаклаша бошларди». («Дегрез ўғли», 125-бет.)

Эсон бува маҳалла қарин-қартанглари ичидаги тўғри сўз, дўсари ва хушфеъллиги билан эътибор қозонган, у ўзининг меҳнаткаш, дўлоби, дегрезлар авлодидан экани, коммунист ишчи Нишон аканинг оғаси бўлганни билан фаҳрланади, носоз иш қилганларга сўз билан танбеҳ бериб, алам чекканлар пешонасини силайди. У кўп марта Мусоват Қорига ҳам танбеҳ берган, аччиқ ва ҳақ сўзи билан уни лол қолдирган. Аламзода Мусоват қори Эсон бувадан ўч олади, енгилтак мухбирни ишга солиб газетада Эсон буванинг диндан қайтгани ҳақида унинг тилидан мақола чиқаришга эришади. Бу воқеадан воқиғи бўлган қариянинг драматик ҳолати асарда бутун кескинлиги билан кўрсатилади:

«Эсон бува бақрайиб қотиб қолди. Унинг оғзи очи-либ, соқол-мўйловлари ҳам артистларникидай ёлғондан ёништириб қўйилгандек, илиниб тургандек эди.

— Ё қудратингдан! Бу қандоқ кун! — деди Эсон бува, — мен ҳеч кимга бунақа гапларни айтганим йўқ.

— Мана, қулоқ солинг, ока! «Мен саксон тўртга кирдим. Илгари золим бойлар замонида дегрез эдим, хозир ўз бахтимни топиб, қора ўтмишни лаънатлайман! Менким, Эсон бува Тешабоев, тушунган чолларданман. Диннинг ёмон кирдикорларини билиб, ундан чиқдим! Мен динсизман, худони танимайман! Мен атенистлар союзига ёзилдим, взносини вақтида тўлаб турибман. Мана энди бахтиёр чолман...» Эшиднингизми?

— Мен бунақа гапларни ҳеч кимга гапирганим йўқ, бошқа бир Эсон бува бордир, чалғитяпсизлар.

— Ёзганини ўқияпман. Эҳтимол, бошқа Эсон бува бордир. Ха, майли, ёзса ёзаверади-да.

— Йўқ, тўхтаб тур, Нишон! Бу қуруқ туҳмат-ку! Одамлар ўқибдими?

— Ўқиганда қандоқ! Шунинг учун гапиряпман-да, Одамлар ўқимаган бўлса, чойхонада гап бўлмаган бўлса, мен сизга буни олиб кириб ўтирарадим.

— Улимдан хабарим бор, бундан хабарим йўқ. Мен-ан бирор одам келиб ҳеч нима сурагани йўқ. Шунақа ам бўладими? Бирордан гап сўрамай туриб, газетага за берадими? Йўқ, бу туҳмат! Ёлғон гап! Мен ҳеч ким-а сўз айтган эмасман... Оёғимнинг боди қўзиб, иккита илдан бўён кўчага чиқолмайман. Белимдаги бод ҳам маҳкам чаигаллаб қолади, ахир ўзинг билмайсанми?

— Бодингизни биламан. Мен фақат ёзганини ўқиб ерепман, ока!

— Э, қўйсанг-чи! Бу нимаси ўзи! Шунақа ҳам бўладими! Бир кекса одамни динсиз, деб, «худодан кечди»: «еб ёзиш нимаси! Ундан кўра, имонсиз деб сўксалариниз бўлмайдими! Ахир, мен эртадан кечгача тоат-иботат қиласман, ҷевара-чевараларимнинг баҳтини худодан илаб, дуо қилиб ўтирган кишиман-ку! Мен сенинг Шўро ҳукуматнингга нима ёмонлик қилдим? Қани айт! Нима уноҳим учун мени газетага соласизлар! Ҳақсизларни солинглар, «унсурлар»ни солинглар! Троцкопларни солинглар, мендек бирорвага тили-оғзи тегмаган чолни уриб инқиши нимага керак! Тинч ўтирган одамга нега тегасизлар? Мени тинч қўясизларми, йўқми!» («Дегрез ўғли», 129—130-бетлар.)

Қариянинг алам-изтиробга тўла нидоси янада кескинлашади: «Бу нима деган гап? Одамларнинг юзига қандай қарайман! Беш кунлик қолган умримни мажусий бўлиб ўтказаманми? Охиратда нима деб жавоб бераман? Ҳар нима деб сўксаларинг, чидайман, лекин саксон тўртга борган бир чол одамни... имонсиз, динсиз деб ёзасанларми?! Бундан кўра тириклайн ерга кўмсаларинг бўлмасмиди!» — дея надомат чекади.

Оқибат қария кутгандан ҳам ёмонроқ бўлиб чиқади.

«Шу кундан бошлаб чақнаб юрган Эсон буванинг қовоғи солиниб, невара-чевараларига ҳам қарамай қўйди.

Шанба куни маҳаллада бир йигит уйланди — никоҳ тўйи бўлди. Аммо ҳеч ким Эсон бувани тўйга айтмади. Душанба куни Ҳайитбой оқсоқолнинг бир иниси вафот этди. Салла-калла қилиб чиққан Эсон бувага ҳеч ким қайрилиб қарамади. Маҳалла кексалари — қари-қартанг ошнолари ҳам унга қовоқларини солиб, индамай ўтиб кетишиди. «Ия, мен пес-мохов бўлиб қолдимми? Нега қирқ-эллик йиллик ошноларим қайрилиб қарашмайди! Эсон бува гангид қолди. Жума куни пешинга яқин намози жумага чиқди — яна ҳеч ким унга қайрилиб қарамади». («Дегрез ўғли», 131- бет.)

Охири сир ошкор бўлади, бу ишга хусумат аралашганини одамлар пайқаб қоладилар, қария кўнглини овламоқ пайига тушадилар, лекин вақт ўтган эди, уят, номус изтиробларига дош беролмаган қария дардга чалиниб оламдан ўтади.

Эсон буванинг аччиқ қисмати ўқувчини ларзага солади, инсон қалби, унинг нозик туйғулари билан ўйнашиш нақадар оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини бизга яна бир бор эслатади, бизни одам қалбига, эҳтиёткор бўлишга ундайди.

«Дегрез ўғли»нинг шу хил фазилатларини ва айни пайтда ишчи синфи ҳақида ёзилган яхши асар эканини ҳисобга олиб унга 1978 йили СССР Ёзувчилар Союзи ҳамда «Бутуниттифоқ касаба союзи»нинг мукофоти берилди.

#### ТАРИХНИ ВАРАҚЛАБ

«Дегрез ўғли» устида ишлаётганда ёзувчи кўнглида галдаги йирик асари — тарихий роман «Меъмор»нинг режалари шакллана бошлади, ҳали «Дегрез ўғли»га охирги нуқта қўйилмай турниб «Меъмор»нинг айрим

боблари қоғозга туша бошлади. Замонавий темада ёзилган «Дегрез ўғли»да яқин ўтмиш воқеаларининг кенг ўрин олиши, ўтмиш лавҳаларининг, оммавий саҳналарнинг ёрқинроқ чиқиши, халқ тарихи, маданий меросга оид баҳс-мулоҳазаларнинг мавжудлиги, бир чеккаси адибнинг ўша кезлардаги руҳий-ижодий ҳолати билан боғлиқ эди, бир хаёли тарих саҳифаларида юрган ижодкорнинг қалами ҳам тарих томон мойилроқ бўлиши, ўтмиш лавҳалари тасвирида равонроқ ҳаракат қилиши табиий эди. Мирмуҳсиннинг кичик асарлари, хусусан барча романлари замондошларимиз ҳақида. Айни пайтда у кўпдан бери тарихий ўтмиш мавзуига ҳам қизиқиб келади, унинг қадимий шарқ афсонаси материаллари асосида яратган «Широқ» поэмаси, Бобир ҳақидағи балладаси танқидчиликдан муносиб баҳо олди, халқи-мизнинг инқилобдан бурунги яқин ўтмишидан баҳс этувчи «Оқ мармар», «Чўри», «Тунги чақмоқлар» қиссалари ҳам китобхонлар диққатини жалб этди. «Меъмор»нинг туғилишида, шубҳасиз, шу тажрибалар қўл келди.

Романинг яратилиш сабаби хусусида автор шундай ёзади:

«Қадимги меъморлар санъати кўпдан мени қизиқтириб келарди. Кошинпазлик, кулолчилик касби менга ота мерос бўлиб, идишларга нақш солиш ишига болаликдан ошналигим, халқ усталарига ҳурмат ва эътиқодим улар ҳақида асар ёзиш ниятини туғдирди. Лекин ўз-ӯзидан аёнки, бу эзгу ниятни амалга ошириш учун юқоридаги омиллар кифоя қилмас эди. Ўтмиш меъморлари яратган ва ҳамон кишиларни ҳайратга солиб турган обидаларни бевосита кўриш билан бирга, уларга алоқадор мавжуд тарихий манбаларни ҳам қунт билан ўрганишга тўғри келди». («Меъмор», Тошкент, 1975, 373- бет.)

Шу тариқа XV аср ҳақида ўзига хос тарихий роман яратилди.

XV аср — ўзбек халқи тарихининг фоят мураккаб, зиддиятли даври. Бу асрга келиб, бир томондан, марказлашган феодал давлатини сақлаб қолиш учун қизғин кураш бошланади, иккинчи томондан, тож-тахтни деб ҳукмронлар ўртасида, ота билан бола, aka билан ука орасида қонли олишувлар авжга чиқади: бир томондан, маданият, фан, санъат, адабиёт анча ривож топади, бошқа томондан фан, санъат, маданият аҳли таъқиб ва сиқувга олинади; илғор тафаккур билан ислом мутаассиблиги, эркин фикр билан қолоқ тушунчалар орасида ги зиддият фоят кескинлашади. Улугбек фожиаси мана шу кураш ва зиддиятларнинг бир кўриниши эди.

XV аср драмалари ўша даврнинг тарих ва санъат асарларида ифода топа бошлаган эди, кейинги асрларда ҳам бу давр ҳодисалари кўплаб мутафаккирларнинг эътиборини тортди. Фақат совет йилларида гина бу тарихий давр чинакам илмий баҳосини ола бошлади, совет адиллари ўша давр халқ тарихининг ҳаққоний, реалистик манзарасини гавдалантиришга муваффақ бўлдилар. Ойбекнинг «Навоий» романи, Уйғун билан И. Султоннинг «Алишер Навоий» драмаси, С. Бородиннинг «Самарқанд осмонида юлдузлар» эпопеяси, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улугбек» трагедияси, Навоий ва Улугбек ҳақидаги кинофильмлар — яхлит ҳолда XV аср бадиий тарихининг муҳим қисмини ташкил этади.

70-йиллари улар ёнига уч йирик тарихий аср — О. Ёқубовнинг «Улугбек хазинаси», П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Мирмуҳсиннинг «Меъмор» романлари қўшилди.

«Меъмор»нинг мавжуд тарихий-бадиий асарлар билан ҳам муштарак, ҳам фарқли томонлари бор. Ўзбек тарихий драма ва романларига хос муҳим бир хусусият шуки, уларнинг кўпчилигига ўтмиш зулмати ичидаги нурлар кўрсатилади. Ўз даврининг билимдон, заковатли зиёлилари бош қаҳрамон қилиб олинади, ўша илғор,

маърифатпарвар шахсларнинг халқ билан алоқаси, тарихий тараққиётда тутган ўрни ва роли, мураккаб тақдирли авторларнинг диққат марказида туради. «Меъмор»нинг бош қаҳрамони ҳам ўз асрининг илфор зиёлиси, «ярқираб, фахр билан тилга олинадиган» заковатли кишиси.

Аввалги асарларда қаҳрамонлар ё исёнкор арбоб, ё маърифатпарвар олим, ё саркарда, фотиҳ бўлса, бу асарда бош қаҳрамон ўз номи билан меъмор. Тарихда айнан меъмор Нажимиддин Бухорий деган шахс ўтгани маълум эмас, аммо XV асрда ўнлаб машҳур меъморлар бўлгани аниқ. Ёзувчи Нажимиддин Бухорий тимсолида ўша тарихий шахсларнинг хислатларини, заковатини, орзу-интилишларини, машаққатли қисматини кўрсатмоқчи бўлган.

Айни пайтда меъморчилик — санъат, бинобарин, у хилма-хил ғоялар, майллар, синфий манфаатлар тўқнашадиган улкан майдон. «Меъмор» қаҳрамони характерини ёзувчи ана шу курашлар жабҳасида очишга, унинг ҳайтидаги бутун зиддиятларни асрининг улкан ғоявий курашлари билан туташ ҳолда талқин этишга тиришади.

Меъмор ўз даврининг кўпчилик улуғ кишилари каби, исломнинг бир қанча қолоқ ақидаларига қарши чиққан хуруфия гуруҳига мансуб шахс, унинг ота-боболари сарбадорларга алоқадор кишилар бўлган. Меъмор — ноёб истеъдод эгаси. Ҳукмдорлар ундан фойдаланиб қолмоқ, унинг истеъододи орқали ўз шон-шавкатларини ошироқ истайдилар, дарҳақиқат, меъморнинг бутун умри салтанат ҳузурида ўтади. Бироқ Меъмор хизмат юзасидан ҳукмдорлар билан маълум мулоқатда бўлсада, ғоявий жиҳатдан уларга ашаддий рақиб. Асарнинг асосий конфликтни мана шу ғоявий зиддият асосига қурилган.

Роман хуруфийлар томонидан Шоҳруҳга уюштирилган суиқасд ҳамда хуруфийларга қарши авж олган

шафқатсиз таъқиб тасвиридан бошланади. Хуруфийларга алоқадор бўлгани учун Меъморнинг ўғли Низомиддин ҳам ҳибсга олинади; ота ўғлини қутқариш учун кўп ҳаракат қилади, улуғ кишиларни, жумладан, мавлоно Лутфийни орага қўяди, бироқ саройдагилар гоявий рақибга заррача бўлса шафқат кўрсатишдан бош тортадилар, бутун умири сарой хизматида ўтган машҳур санъаткорнинг илтижоларини рад қилиб, ўғлини қатл этадилар. Меъмор ўзи қаттиқ таъқиб остига олинади, шаҳардан бадарга этилади, кетидан жосус қўйиб, йўқотиб юбормоқчи ҳам бўладилар, бадном қилиш учун туҳмат, бўхтонлар тарқатадилар.

Ёзувчи ҳукмдорлар билан ижодкорлар орасидаги зиддиятни ҳам бевосита, ҳам билвосита — жосус Қораилон, галамис Аҳмад Чалабий сингари воситачи персонажлар орқали ифода этишга интилади. Очиги, бош зиддиятнинг бевосита тасвири асарда изчил бўлса-да, оз ўрин тутади, билвосита кўриниши эса бир оз шартли, детектив саргузашт тусини олган; ёзувчи бутун асар давомида Қораилон билан Аҳмад Чалабийни ошкора қоралаш, масхаралаш билан банд бўлади. Бу икки салбий персонажнинг деярли бир хилда қора бўёқ билан таъриф-тавсиф этилиши уларнинг таъсир кучини сусайтирган, индивидуал қиёфасини хиралаштириб қўйган. Ҳаттоқи асарда кўп тилга олинган, ададсиз жиноий ишларга қўл урган Қораилонни жонли одам тарзида кўз олдимизга келтиролмаймиз.

Меъмор хуруфийлар тўдасига дахлдор шахс бўлсада, мумкин қадар ўзини «холис» тутишга тиришади. Бу бир жиҳатдан ўзини оқлади, мислсиз таъқиблар авж олган бир даврда саройга яқин турган одамнинг маслагини сир тутиши табиий. Бироқ «холис»лик таъқиблар сусайгандан кейин ҳам бирдек давом этаверади. Бунинг устига хуруфийлар мафкурасининг санъат, жумладан, меъморчилик ривожи, ундаги йўналишлар билан боғлиқ томонлари ҳам бор әдики, бундай масалалар ёзувчи

эътиборидан четда қолган. Ўша давр ғоявий оқимлари орасидаги курашнинг санъатдаги, меъморчиликдаги кўринишлари қаламга олингандা, шубҳасиз асарнинг қиммати ортган, асар конфликти ўtkирлашган бўларди.

Роман конфликтининг ўзига хос томони шундаки, асар можаронинг энг кескин онларидан бошланниб, се-кин-аста бартараф бўла боради, асосий можаро энди ечилай деб турганда, янги бир можаро бошланади, янги можаро ҳам аслида бош можаронинг ё давоми, инерцияси ёки янги бир кўриниши бўлиб чиқади; романнинг иккинчи қисмидаги Меъмор билан Қарши беги орасидаги муносабат — бекнинг Меъморни яхши қабул қилиб, ишга солиши, иш битгач совуқ муносабати; учинчи қисмидаги Улуғбек билан учрашув, Абу Саид билан тўқнашув воқеалари ҳам Шоҳруҳдан бошланган рақобатнинг бошқачароқ кўринишларидир. Шоҳруҳ билан Меъмор орасидаги зиддиятнинг ўзиёқ бир роман учун кифоя қиласар эди, бироқ автор бу билан чекланмай, Меъморни, бошқа ҳукмдорлар ҳузурига ҳам етаклаган экан, бунда қисман бошқа мақсадларни ҳам назарда тутган; дарҳақиқат, галдаги можаролар бош қаҳрамон характеристининг баъзи жиҳатларини тўлароқ намоён этишга хизмат этган. Чунончи, бек билан бўлган можарода Меъмордаги меҳнаткаш халқа яқинлик бўртиб кўринади, бекнинг мунофиқлиги Меъморни ортиқча ташвишга солмайди, чунки чўлда у қурган сардобадан ҳукмдорлар эмас, аввало оддий меҳнат аҳли манфаатдор, Меъмор бу билан фахрланади: Меъмор Улуғбекни энг адолатпарвар, маърифатпарвар шоҳ деб билади, бироқ бу адолатпарвар мирзога ҳам у кек сақлайди; Меъмор ўғли Низомиддин хусусида Улуғбекка арзнома юборган, лекин арз жавобсиз қолган, Улуғбек фармойиши билан Самарқанддаги ғайридинларга қарши уюштирилган қатли омда Меъморнинг энг яқин кишиси моҳир уста Жўржий ўлдириб юборилган. «Меъмор ва мунахжим» бобида мана шу мураккаб зиддиятли ходисаларнинг илдиз-

лари очилади. (Шуни айтиш керакки, Меъмор ва му-  
нажжим учрашуви пайтида Улугбек йигирма тўрт-йи-  
гирма беш ёшларда бўлган. Ёзувчи тасвирида эса Улуг-  
бекнинг ўша ёшдаги ҳолатини, кайфият ва фикрлаш  
тарзини етарли ҳис этмаймиз, ёзувчи уни каттароқ ёш-  
даги одам сифатида тақдим этади.)

Меъмор ва Меъмор авлодларининг Абу Сайд даври-  
даги қисматига оид охирги икки боб, бизнингча, асар  
учун ортиқча. Қирқ учинчи бобга қадар воқеалар уч-  
тўрт йил ичида бўлиб ўтади ва узлуксиз давом этади,  
шу бобга келиб ёзувчи бирдан қирқ йил кейинги ҳодиса-  
ларга кўчади, орадаги катта узилишни тўлдириш ни-  
ятида ўтган ҳодисаларни қисқача баён этиш билан банд  
бўлади, натижада бадиийлик заинфлашади, асарнинг  
композицион яхлитлигига маълум даражада путур ета-  
ди; Абу Сайд давридаги драмалар бошқа бир асарнинг  
материали экани билиниб турибди. Бу икки бобдаги  
баъзи зарур фикрларни «Хотима»да айтиш ҳам мумкин  
эди.

Романдаги бош қаҳрамон билан боғлиқ бир қанча  
ёрқин лавҳаларни эслатиб ўтишни истардик. Меъмор-  
нинг ўғли ҳибсга олингандан, айниқса, қатл қилингани  
маълум бўлгандан кейинги оғир руҳий ҳолати таъсири-  
чан ифода этилган; унинг Хиротдан бадарға бўлиш ол-  
дida шаҳар билан, ўзи қурган кошоналар билан видо-  
лашув онлари ҳаяжонли чиққан: икки-уч ўринда санъат  
кишисининг ижод психологияси яхши очилган; бадиий  
ижод ғоят сирли, сеҳрли жараён, ижодий фикр осойиш-  
та лирик дақиқаларда ҳам, баъзан даҳшатли драматик  
онларда ҳам туғилавериши мумкин. Даشتдаги кечки  
осойишта бир пайт тасвирини эслайлик. Меъмор ижод-  
ий хәёл оғушида:

«Меъморнинг мағриб томонда, тепаликлар устида  
ярқираб турган ярим ой ўроғига кўзи тушди. Ой жуда  
ҳам катта бўлиб, тепалик устига тушиб қолгандай тур-  
арди. Бундай манзарани Меъмор шунча ёшга кириб

биринчи марта кўриб, таажжубланди. У бир муддат ойга тикилди; худди Жомий масжиди гумбази устидаги ойнинг ўзи! Аммо у кумушранг, бу ой ҳақиқий олтин. У чоғроқ эди, бу эса улкан... Меъмор икки кафтини ёзиб, ойга тикилган ҳолда юрт қаторида ўзига ҳам яхшиликлар тилаб дуо ўқиб, юзига фотиҳа тортди. Унинг кўнгли анча ёришгандай бўлди. Оlam қайта яшараётгандай кўриниб кетди-да, бу тоңг отардаги айни манзара қалбида бетакор туйғулар уйғотиб юборди. Унинг кўзига ўша шарқ томонда қандайдир бир гумбаз қўриниб кетди. Қандайдир меъмор қўли билан бино этилган гумбазга ўхшарди. Тепаликлар секин-аста ўша бинонинг гиштин деворлари, равоқу пештоқлари тусиға кира бошлади». («Меъмор», 230—232-бетлар.)

Саҳрода қум бўрони туриб, жамики тирик жонни ўз комига тортишга чоғланётган бир пайт. Барчада жон қайғуси-ю, Меъморда ижод туйғуси:

«Халач бўрони уларни дарё бўйига ҳам етказмай, қум остида таққа тўхтатди. Меъмор фидиракка ёпилган намат орасидан узоқ-узоқларга боқарди; ҳаммаёқ сариқ чанг, аммо баъзида гарб томонда фалакка устун бўлиб турган гирдиводлар ҳам анча яқин келиб қолган эди. Бу «устун»лар орасида мовий гумбазлар ҳам унинг кўзларига кўриниб кетгандай бўлди. Фалакка бўй чўзган аллақандай буюк қаср рўпарада намоён бўлиб, Меъморнинг хаёлини олиб қочди. У хаёл ичиди араваларни, наматларни тортқилаб, ғувиллаётган Халач бўронини сезмас, унинг кўз олдида гирвату бўрон кашф этган мислсиз бир қаср турарди. Бу қаср ўзининг улкан равоқу гулдасталари, гумбазу дарвозалари билан Оқ саройдан ҳам, Боги Жаҳоноро қасридан ҳам буюк эди». («Меъмор», 218-бет.)

Бўрон қутуриб хуружга минади, одамлар бўрон билан мардона олишади. Меъмор эса ярим қоронғи арава тагида кўз очирмаётган чангу гард орасида қўлидаги

тошқалам билан хаёлида қад күттарган қаср манзараси-  
ни қорозга тушириб қолишга шошилади...

Мирмуҳсин бош қаҳрамонлар тақдирі, тарихий во-  
қеалар тасвири билан ёндош ҳолда оддий халқ ҳәётининг  
этнографик тафсилотлари — майшати, касб-кори, түй,  
базмлари, маъракаю маросимлари ифодасынга кенг үрин  
беради. Хиротдаги равонч сайли, сардоба қурилишидагы  
халқ ҳашари, қурилиш шарафига уюштирилган зиёфат,  
халқ бахшиларининг нағмаю куйлари, меъморчилик  
меҳнатига оид маълумотлар, Меъморнинг шогирдларни  
синовдан ұтказиш удуми ва ҳоказолар мароқ билан  
ұқилади. Лекин тафсилотлар керагидан ортиқроқ чўзи-  
либ кетган, «Қобус дарди» бобида эса бу дард ҳарак-  
теристикасига оид гап-сўзлар бадииятдан холи бўлиб  
қолган.

«Умид», «Дегрез ўғли» романларидан биламизки,  
Мирмуҳсин эпизодик персонажлар яратишга анчагина  
моҳир. Адибнинг шу хислатини «Меъмор»да ҳам кўра-  
миз. Ундаги грузин уста Жўржий, сахий қалб эгаси —  
оддий саҳро одами Чўли бобо, тажанг, девонасифат  
«бичилган қул» Тожи қиёфаси, малик ул-калом Лутфий  
портрети китобхон хотирида сақланиб қолади.

«Меъмор» романининг Тошкент Давлат университе-  
ти студентлари муҳокамасида нотиқлардан бири: «Мен-  
га умуман роман қанчалик таъсир қилган бўлса «Бичил-  
ган қул» бобидаги Тожининг мудҳишиб қисмати тасвири  
ҳам шунчалик кучли таъсир қилди, шу бобининг ўзи бу-  
тун бошли романга арзиди», — деган эди. Оддий бир  
китобхонда романдаги шу кичик бир эпизодик образ-  
нинг бу қадар кучли таассурот қолдириши тасодифий  
эмас. Дарҳақиқат, ноҳақ туҳмат туфайли салтанатдан  
мислсиз жафо кўрган, кўз олдида жуфти ҳалолининг  
номуси топталган, сўнгра ўзининг эрлик шаъни барбод  
этилган одамнинг қисмати, мана шу мудҳишиб кўргилик  
тарихи билан танишганда ҳар қандай тошбагир одам  
кўзига ҳам беитиёр ёш келади.

Фақат шу боб, эпизодик персонажгина эмас, романдағи биш қаҳрамон меймандин Бухорий тақдирі, хусусан унинг асар биш қисмидаги оғир руҳий драмаси ҳам ёзувчининг энг яхши асарларига хос чуқур дард, катта әхтирос билан тасвир этилган, Мирмуҳсин маҳорати, айниқса, үша ўринларда яққолроқ намоён бўлган.

. Романдаги етакчи персонажлар орасида Бадиа алоҳида ажралиб туради. Бу персонаж талқинида ёзувчи ҳалқ романтик достонлари анъаналари йўлидан боради, лекин муҳаббат билан қаламга олинган бу персонажда негадир инсоний жозиба етишмайди. Эҳтимол ёзувчи унинг жасурлигини таъкидлайман, деб аёллик нафосатини етарли очиб беролмаганимкан?.. Ёки ўта романтик бўёқлар туфайли ундаги реал инсоний қиёфа хираклашиб қолганимкан?.. Ҳар икки тахмин учун ҳам маълум асослар бор. Масалан, равоч саили пайтида Бадиа ўзига тажовуз қилган давангидай йигитни чавоқлаб ташлайди, шу даҳшатли ҳодисадан кейиншоқ ҳали кийимиға теккан қон қуримай туриб севикли йигитига бўса ҳадя этади. Асар охирида Бадиа Абу Саид қўшинларига қарши жангга киради ва мислсиз қаҳрамонлик кўрсатади. Бу кезларда у кексайиб қолган, аммо тасвирда ёзувчи унинг ёшини унутиб қўяди, аёлни «қандайдир келишган, ингичка бел, елкаю кўкси кенг» деб таърифлайди, унинг «оппоқ юзи, тўзиган соchlари ва қонли қўлларига қарамай, учиб кетаётган қалдирғочдек қошлари» ҳақида ёзади, уни кўрган Абу Саид «аёлнинг қандайдир аслзодалар оиласиданмикан ёки бу Улуғбек Мирзонинг ё кичик қизи, ёки неварасимикан» деган хаёлга боради.

Бу хилдаги катта-кичик нуқсонларидан қатъи назар «Меъмор» романы XV аср тарихи, у даврдаги маданият, санъат, ғоявий курашлар, ҳалқ ҳаёти ҳақидаги тасаввурларимизни бойитадиган, үша оғир замонларда қаттиқ сиқувларга қарамай ажойиб обидалар яратган

санъат аҳлига, меъморлар жасоратига, оддий халқ меҳнати ва заковатига кўнглимизда ҳурмат-эҳтиром туйфусини уйғотадиган асадир.

«Меъмор» ҳақида кўп илиқ гаплар айтилди. Жумладан, академик Воҳид Зоҳидов «Меъмор» мавзу материали жиҳатидан тарихий романчилигимизда янгилик эканини алоҳида уқтиради<sup>1</sup>; профессор F. Қаримов «Меъмор»да воқеаларни туғдирувчи тарихий фон жуда яхши очилгани, унда бошдан-оёқ халқ руҳи ҳукмронлик қилишини айтиб, буларни асарнинг энг муҳим ютуғи сифатида баҳолайди<sup>2</sup>. Замонамизнинг машҳур меъморларидан Қодиржон ота Ҳайдаров ёзувчига йўллаган мактубида: «Меъмор» худди менинг аждодларим ҳақида айнан ёзилган асадай туюлди»,— дейди, асар қаҳрамони бобосига исмдош эканини, тақдирларида ўхшашлик борлигини айтади; «Сиз, севимли Мирмуҳсин, меъморларнинг фахрланиб, ғуурланиб кўз-кўзлайдиган бобосини яратдингиз»,— дея авторга ташаккурини изҳор этади<sup>3</sup>. Қодиржон отанинг юрак сўзларидан қувонган адаб дейди: «Мен Қодир отанинг ажойиб санъатини, довругини яхши билар эдиму бу одамнинг шахсий ҳаёти, аждодлари тарихидан бехабар эдим. Отанинг мактубидаги баъзи гаплар, ростини айтсам, бир чеккаси, мени қувонтиради, иккинчи томондан, бадииятнинг сеҳрли бир кучи олдида лол қолдиради. Сен бир одам тақдирини ҳикоя қиласан, бу тақдирда ўнлаб, юзлаб одамлар ўз тақдирини, фақат тақдирини эмас, ўйларини, ўзининг кучли ва заиф томонларини кўради...»

<sup>1</sup> В. Зоҳидов. «Меъмор», «Совет Узбекистони», 1975 йил 1 апрель.

<sup>2</sup> F. Қаримов. Прозамизда тарихий тематика. «Шарқ юлдузи», 1979, № 3, 197-бет.

<sup>3</sup> Қодиржон ота Ҳайдаров. Мирмуҳсинга мактуб. «Узбекистон маданияти», 1975 йил 2 сентябрь.

«Мемор» яна кўп фикр олишувларга озуқ бериши турган гап. Асар ёзувчининг катта ижодий имкониятларидан яна бир бор далолат беради.

### ҲАЁТ МУРАККАБЛИГИ, МУАММОЛАРИ ВА ҚАҲРАМОН ҲАРАКТЕРИ

«Меъмор»дан сўнг Мирмуҳсин яна замонавий мавзуга қайтиб «Чотқол йўлбарси» романини яратди. Уни «Чиникиш», «Дегрез ўғли» асарларининг мантиқий давоми деб аташ мумкин, роман аввало ишчи-қурувчилар ҳаётига бағишиланган. Айни пайтда бу романни «Умид» билан туташтирадиган томонлари ҳам мавжуд, асарда зиёлилар ҳаёти кенг ўрин олган, асар бош қаҳрамони Қоражон Мингбоев зиёли — инженер, етакчи персонажлардан Музаффаров — олим, академиянинг мухбир аъзоси, Амир Равноқ — шоир, Гулгун — медицина институтининг талабаси, медик... Агар «Чиникиш» «Дегрез ўғли» воқеалари уруш даври ва урушдан кейинги йилларда рўй берса — «Чотқол йўлбарси» романи 60—70-йилларни қамраб олади; бинобарин бу даврдаги ишчи меҳнатининг ҳарактери тубдан ўзгарган, фан-техника революцияси ишчилар ҳаётида ҳам чуқур из қолдирган, ишчи меҳнати зиёли меҳнатига яқинлашган, ишчи фаолиятида интеллектуал сфера салмоғи ошган бир давр, ҳаётдаги мана шу ҳол «Чотқол йўлбарси»да ҳам ўз ифодасини топган, «Чиникиш» ва «Дегрез ўғли»дан фарқли ўлароқ, бу ерда ишчи қаҳрамоннинг зиёли қиёфасига кириши, ишчи билан зиёли ҳаётининг туташиб-чатишиб кетиш боиси ҳам аслида ана шунда.

Шуниси қизиқки, Мирмуҳсин романларининг бош қаҳрамонлари асадан асарга ёш жиҳатдан улгайиб борадилар. «Чиникиш»даги Алижон ҳали йигирмага етмаган ўспирин, галдаги роман қаҳрамони Умид олий ўқув юртини эндиғина тамомлаб мустақил ҳаётга йўл-

ланма олган йигит, «Дегрез ўғли»даги Арслон ҳаётнинг мураккаб сўқмоқларидан ўтиб тобланган катта ёшдаги киши; «Чотқол йўлбарси» қаҳрамони гўё асарда Арслон бориб етган нуқтадан ўз фаолиятини бошлайди, ёзувчи бош қаҳрамон Қоражоннинг қирқ билан эллик ёш орасидаги ҳаётини акс эттиради, агар аввалги романларда қаҳрамонларнинг балоғат, мустақил ҳаёт йўлидаги изланиш машаққатлари, илк севги, унинг ташвиш ва қувончлари, ана шу синовларда чиниқиб тобланиши асар мундарижасини ташкил этса, «Чотқол йўлбарси»да ўзгача: ёзувчини қаҳрамоннинг ёшлиқ, ўспиринлик, мустақил ҳаётга қадам қўйиш, илк севги дамлари учча қизиқтиравермайди, улар ҳақида шунчаки йўл-йўлакай гапириб ўтади, асосан автор катта ҳаёт тажрибасига эга қирқ ёшлиқ қаҳрамоннинг кечинмалари, иккинчи муҳаббатнинг қувонч ва изтироблари муаммолари таҳлили билан банд бўлади. «Чотқол йўлбарси» бош қаҳрамони ҳаёти тасвиридан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, инсон ҳаёти гоят мураккаб, киши учун фақатгина мустақил ҳаётга қадам қўйиш, илк севги дамларигина масъулдор синов онлари бўлиб қолмасдан, ундан кейинги паллалар ҳам бирдек масъулиятлидир, инсон ҳаёти узлуксиз синовлардан иборат; Қоражондан ташқари асарда ёшини яшаб, ошини ошаб қўйган, «пенсия гашти»ни сурисб юрган Музаффаров билан Амир Равнақнинг мураккаб тақдири тасвири кенг ўрин олганки, бу тасодифий эмас, бу ҳол худди ўша романдаги етакчи концепция — ҳаёт узлуксиз синовдан иборат, деган фикрининг яна бир тасдигидир.

«Чотқол йўлбарси» масала кўтаришга, фалсафий мушоҳадаларга мойиллиги билан ажралиб туради. Агар ёзувчининг аввалги романларида қаҳрамон тақдири, ҳаёт йўлини ҳикоя қилиш, характеристика бериш устун турса, бу асарда шулар билан баробар қаҳрамон хатти-ҳаракатининг фалсафий моҳиятини очишга, қаҳрамонларнинг ўзаро мулоқатлари воситаси

да хилма-хил ҳаётий масалаларни күтаришга интилиш кучли.

Бу жиҳатдан олим Музаффаров билан Амир Равнақ образлари ёзувчига ишоятда қўл келган. Бу икки қадр-дон қариянинг ҳар бир учрашуви ҳаёт ва унинг муаммалари хусусидаги қизгии баҳслардан иборат, улар баҳслашадиган муаммолар доираси эса жуда кенг: фантехника асри ва жаҳон тақдирни, маданий мерос ва ҳозирги маданият, оталар хизмати ва ёшлар тарбияси, табиат, атроф-муҳит муҳофазаси ва адабиёт, санъат ривожи, қолоқ қарашлар ва яхши миллий удумлар, мансаб муаммоси ва шахс табиати, меҳнат аҳли, пахтакор қадри ва шу каби жуда кўп масалалар уларнинг суҳбатида тилга олиниди.Faқат икки қария эмас, асардаги бошқа етакчи персонажлар, хусусан Қоражон фаолиятидаги ҳаётга қизгии фаол муносабат, масалага шунчаки аралашиш эмас, балки масала тагига етишга интилиш ҳам асардаги мулоҳазакорлик, проблематик-лик руҳини кучайтирган. Шуниси муҳимки, роман қаҳрамонларини қийнаган, ўйга толдирган муаммолар айни китобхон дилидаги гаплардир; ёзувчи Одил Ёқубов «Чотқол йўлбарси» романининг фазилатлари ҳақида тұхталиб, асарнинг худди шу хислатига алоҳида урғу берishi, ундаги қаҳрамонларни «ўйлантирган муаммоларга, шодлик ва изтиробларга беихтиёр шерик бўлиб қоламиз»,— деб ёзиши тасодифий эмас<sup>1</sup>.

Романга мушоҳадакорлик, фалсафийлик хислати бахш этган омиллар етакчи персонажлар фаолиятидаги фаоллик, уларнинг ўзаро мулоқатида тилга олинган ҳаётий муаммолардангина иборат бўлмай, бевосита ёзувчининг романда тутган ўрни, ҳодисаларга фаол аралашуви, шарҳлари, лирик, публицистик чекинишлари

<sup>1</sup> Одил Ёқубов. Давр билан ҳамнафас. «Шарқ юлдузи», 1978, № 6, 201-бет.  
www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам бу борада катта роль ўйнаган. Роман тұғридан-тұғри мана бундай лиропублицистик чекиниш, инсон ҳаётининг маъноси ҳақидаги мушоҳада билан бошлади:

«Моддий дунё доимо ҳаракатда, ўзгаришда — биров келади, биров кетади. Ҳаётни бир ерда ушлаб туриб бўлмаганидек, ҳар бир туғилиш уни қайтадан яшартира беради. Елиб-югуриб ўқисан, ишлайсан, қарийсан, вақти келиб ёруғ дунё билан видолашасан... Бу, табиятнинг ўзгармас азалий бир қонунидирки, бўйсунмай иложинг йўқ. Бир ҳисобда шундай бўлгани, яъни ҳаёт дарёсининг айқириб оққани маъқул. Муҳими шуки, сен жамият учун иш қилиб, одамлар корига ярадингми? Ёки?.. Мана шу «ёки»дан кейин келадиган ҳаёллар ғоятда даҳшатли! Дабдабалар, тўю ҳашамлар — бари ўтади! Ёшингни яшаб, ошингни ошаб, пилла қуртидек вақти етгач, ўзингни турмушнинг ипак иплари билан ўраб, бу ҳаётни ёш авлодга қолдириб кетаётганингда кечмиш-кечирмишларингни бир лаҳза бўлса ҳам ҳаёлингдан ўтказасан. Қилган меҳнатинг, яхшиликларинг, садоқату олижанобликларинг учун одамлар сенга ташаккур айтиётгандек бўлади, қувонасан, ўлим ҳам бир ухлаш каби енгил ўтади. Шодлик билан туғилиб, обрў билан кетишдек толега мушарраф бўласан. Аммо, хиёнатинг, пасткашликларинг... ёмон от қолдириб кетиши даҳшати танингга чирмашган дард азоби билан қўшилиб, сени бўғиб тишлиайди, бу бир оний азоб умринг бўйи кўрган роҳату фарогатларингни йўқ қиласди!» («Чотқол йўлбарси», 1977, 5-бет.)

Асар охирига бориб бўлиб ўтган ҳодисалар хулоаси сифатида шу — бошдаги фалсафий мушоҳадалар янада яйнан келтирилади. («Чотқол йўлбарси», 356—357-бетлар.) Ана шу хилдаги лирик чекинишларга, фалсафий мушоҳадаларга асар давомида кўп марта дуч келамиз. Ёзувчи бирон ҳодисани тасвирлай туриб бирданига китобхон билан суҳбатга ўтади. Мисол тариқасида ро-

маннинг «Пол остидан топилган одам склети ёки озги-на олди-қочди саргузашт гап» деган бобини олиб қарайлик. Унда ҳикоя қилинишича, зилзила пайтида вайрон бўлган, асар персонажларидан бири Гулгун яшаган хонадаги тупроқ уюмлари орасидан одам сүяклари чиқиб қолади, айрим шошқолоқ кимсалар бундағавғо чиқариб Гулгунни иокулай аҳволга солиб қўяди-лар, кейинроқ маълум бўлишича, бу сүяклар қандайдир жиноят изи эмас, студент қиз тажриба учун уйга олиб келган одам склети намуналаридан экан... Шу ҳодиса тасвиридан сўнг ёзувчи китобхонга мурожаат этиб ёzáди:

«Ҳурматли китобхон! Бу бобда айтилган гаплар бўлган воқеа. Бу англашилмовчиликни ёзишдан мақсад — чуқур ўйламай, ҳовлиқиши одамларни қийнаб қўяди, но-розилик туғдириши мумкин, деган гапни айтмоқчиман. Баъзан расмият тўсиқларини бузиб, камтару меҳрибон-лик билан одамлар кўнглига йўл топиш жаҳолат ва тұхмат илонларининг бош кўтаришига йўл қўймайди. Улуғ ўзгариш жараёнида яхшилик ва илгор фикрлар мустаҳкамлиги синовдан ўтади, файриинсоний одатлар, тұхматчилар ўлаётган илондек, минг буралиб, тўғри келган кишини чақади. Баъзан эса у то боши мажақлан-гунича қиласиган ишини қилиб қўяди». («Чотқол йўл-барси», 279-бет.)

Баъзан эса ёзувчи лирик-публицистик чекинишлар пайтида қизғин баҳсларга киришиб кетади. Чунончи «Табиат тасвири» бобида Чотқолнинг гўзал табиат ман-зараларини тасвиrlай туриб: «Бу бобнинг романга ҳеч даҳли йўқ, дейди албатта бир адабий танқидчи, мутла-қо қисқартириб ташлаш керак! Йўқ! Сизга қолса тош-дан-тошга ўрилиб, буралиб оқаётган сойларнинг ҳам четини суваб, «қоидангиз»га тўғрилайсиз. Серқирра чўқ-қиларни, тепаликларни рандалайсиз. Бофистон, Хумсо-ну Сижжак каби қишлоқларни қисқартириб ташлайсиз. Биргина Наволисой тасвирига умр бағишиласа арзийди.

Хўжакентдаги минг ёшли чинорларни олинг, сиз чинору сойлар, табиатимиз гўзаллигини сеза олмасангиз, бундай завқу муҳаббатдан маҳрум бўлсангиз, мен нима қилай?! Бу манзаралар одамлар учун жуда керак!» — деб ёzáди. («Чотқол йўлбарси», 194- бет.)

Ёзувчи, бир томондан, ҳодисаларга ўзининг фаол, қайноқ муносабати, иккичи томондан, етакчи персонажларнинг эҳтиросли баҳслари орқали кўп ўринда меҳнат аҳлига чуқур меҳр-муҳаббатини, айни пайтда мешчанлик ботқоғига ботиб қолган, тўраларча ҳаёт кешириш йўлига кирган кимсаларга, маънавий тубанлика, бузуқлик, пасткашликка кескин нафратини изҳор этади; асардаги маънавиятга онд талай ошкора баҳслар миллий ифтихор туйғуси билан йўғрилган. Бироқ ҳодисаларга авторнинг бу хилдаги аралашуви — изоҳлари лирик, публицистик чекинишлари, фалсафий мушоҳадалари, афсуски, баъзан меъёридан ошиб кетган, публицистик чекинишлар пайтида ўринисиз таъна-дашномлар, асардаги етакчи тасвир руҳига ёпишмайдиган бўшгина шеърий парчалар ҳам учрайди, персонажларнинг ўзаро мулоқатларида тилга олинган айрим жиддий ҳаётий гаплар асарнинг бадиий тўқимасига етарли сингмай сувдаги кўпикдай юзада қалқиб қолади. Бу нарса баъзан романнинг бош фикри, бош йўналишидан чиқиб, бошқа томонларга кириб қолиш ҳолларига ҳам сабаб бўлганиким, романдаги бу камчиликни Одил Ёқубов юқорида тилга олинган мақоласида тўғри кўрсатиб ўтган.

«Чотқол йўлбарси» романининг энг муҳим ютуғи қаҳрамонлар ҳаёти ва характерларининг мураккаблилиги, зиддиятлари билан ҳаққоний кўрсатилганлигига ҳамда авторнинг, одатдаги деқ, персонажлар тақдирига, улар бошига тушган ташвиш ва қувоҷвларга китобхонни шерик эта олганлигидадир.

Инсон табиати ҳақида сўз борар экан, асарда «одамни тамоман ёмон ва тамоман яхши дейиш тўғри эмас» (216- бет). «Ҳар қандай ёмон одамни ҳам мутлоқ ёмон

қилиб қўрсатиш түғри эмас», «шу қора деб тушунилган кимсанинг ҳам феълу ишидаги йилтираган томонларни айтиш ибратлидир» (236-бет), «киши баъзан иккинчи бир одамдаги нуқсонни ҳам сезиб, уни йўқотиш йўлларини қўрсатиб маслаҳат беради. Лекин киши ўзининг «станқидбоп» томонларини кўп вақт кўролмайди» (122-бет) сингари инсон табиатининг мураккаблигини таъкидлашга қаратилган мулоҳазалар неча бор тилга олиниди. Ёзувчи бевосита қаҳрамонлари характери таҳлилида шу мулоҳазалардан келиб чиқиб иш кўради.

Бош қаҳрамон Қоражоннинг ўтмиш тарихи, таърифи шундай. У Чотқол дарёси қўйи оқимида, тоғ бағридаги кичик Ёнқўргон қишлоғида туғилган. Унинг ота-боболари шу ерда яшаб чўпонлик билан умр ўтказгандар. Бобоси Мингбой чўпони бу ерликларга «Чирчиқ бува» номи билан машҳур бўлган. Ана шу Мингбой бува на-сабидан бўлмиш Қоражон басавлат йигит бўлиб етишади. Унинг лаблари шерникидек қалин, соchlари тип-ратикон, муштлари сўйилдек залварли, қорамагиз, ўт-кир кўзлари ёниб туради... Қади расо, куч-қудратда бениҳоя... Афсуски, унинг мана шу кўркам йигитлик ҳусни кўпга бормайди, уруш уни ҳуснидан жудо этади, ташк жангиди, фашист билан олишувда куйиб юзининг чап томони, қошининг ярми, чап қулоғи, ияги ва бўйни чандиқ бўлиб қолган, ўнг елкасини ўқ ялаб кетган. Уруш туфайли ҳуснидан жудо бўлган одамнинг руҳий драмасини ифода этувчи қатор асарлар бор, А. Толстойнинг «Рус характери» ҳикояси китобхонларга яхши таниш. Мирмуҳсин шундай кўргилликка мубтало бўлган одам руҳияти ва тақдирини ўзига хос йўл билан талқин этади. Қоражон иродали йигит. Оғир кўргилликка чидайди, ўзини овунтиради. «Мен яна ўз юртимга келама ёр-биродарларимни, онаизоримни кўраман, деб ўйламаган эдим. Омон қолишим — ўлжага қолган умр. Узоқ вақт госпиталда ётдим, жарроҳлар ҳаётимни қайтариб беришди-ю, лекин ҳуснимни сақлаб қолишолмади. Сен

жасур солдатсан, деб Ватан кўксимга Қизил Юлдуз ордени тақиб қўйди. Мана ҳамма гап... Мен безорилик қилиб мажруҳ бўлганим йўқ!» Унинг дилидан шу хилдаги гаплар ўтади. Лекин ҳаёт мураккаб. Мажруҳлик унинг ҳаётини хийла чигаллаштириб юборади, мажруҳлик туфайли дилига кўп озор етади. Урушдан бурун унаштирилган қиз афтидан чўчиб ташлаб кетади, бошқа қизлар ҳам ундан қочади. Хотин зотининг илтифотига ташна йигит маккор аёл Наима тузогига илиниб кўп кулфатларга дучор бўлади... Бу кулфатлар ҳам ортда қолади, институтни тугатиб етук инженер, бунёдкор ташкилотчи бўлиб етишади, ақл-идрок, куч-қувват жойида, тўрт мучаси соғ, бироқ тақдир ҳусндан сиққан, шу туфайли аёллар яқинига йўлолмайди, мана қирққа кириб танҳо ўтятти... Шу орада Қоражонга бирдан баҳт кулиб боқади, Гулгун исмли тоғ қизига кўнгил кўяди, аста-секин Гулгунда ҳам унга меҳр уйғонади. Роман худди мана шу севги тарихи тасвиридан бошланади, юқорида биз келтирган Қоражон ҳаётига оид маълумотларни эса автор йўл-йўлакай ўтган воқеаларни эслатиш тарзида ифодалайди.

Қоражон билан Гулгун орасидаги муҳаббат тарихи ҳам хийла зиддиятли. Қоражон Гулгунга тўйда дуч келади, Гулгунга кўзи тушади-ю, оромини йўқотади. Қизининг ҳам кўзи Қоражонга тушади, лекин у ўзгача хаёлда. Гулгун билан дугонаси орасида Қоражон хусусида шундай гап бўлиб ўтади.

«— Бўйни, юзлари чандиқ-ку?! Вуй, одам қўрқади!— деди дугонаси астойдил Қоражонга тикилиб,— қарагин бир хунук, лаблари ҳам тўрсайган, тишлариям сўлоқ-мондай... Шу аҳволда мунча тикиляпти-я! Бўйни чандиқ — лунжига от тепганми?! Ҳи-ҳи-ҳи-ҳи!

— Ха-ха-ха-ха! — қийиқ кўз беихтиёр кулиб юборди,— уша от сал берироғига тепганида кўр қилиб қўяқоларди-ю, кўча-кўйда хотин-қизларга тикилмасди!..

— От тепганга ўхшамайди! — деди пучуқ.

— Нимага ўхшайди? — қиқирлаб, оғзини бекитиб кулди қийиқ күз.

— Юзини бир томони ямоқ, бўйни, қулоги чандиқ... Вуй, одам ҳам шунаقا хунук бўладими?! Тушимга кирса қўрқиб чиқаман. У нега ҳадеб бизга қарайпти! Жуда ҳам турқи совуқ-а! Юзлари йўлбарсга ўхшайди-я,— деди яна қиз ҳаяжонланиб». («Чотқол йўлбарси», 10—11-бетлар.)

Қоражон қизлар сухбатини эшитгани йўқ, лекин гап нима ҳақида кетаётганидан хабардор. Шундай бўлса-да, қиздан кўз узолмайди. Шунда жуда кўнгилсиз ҳодиса рўй беради:

«Чандиқ йигит ҳадеб тикилавергач, қийиқ кўзли қиз унга қараб, лабини чўччайтириб, тилини чиқариб кўрсатди. Бу билан у Қоражонни масҳара қилиб: «Менга кўп тикилаверма!» — дегандек бўлди. Қоражон индамай мийигида кулиб қўйди. Қизга ўзининг асло ёқмаётгани ва ҳатто кўзига хунук кўринаётганини пайқади. У беихтиёр ўша гўзал юзга яна бир қараганида, қийиқ кўз ўз башарасини бужмайтириб, бурнини жийирди. Бу энди жуда ҳам ёқмаётганини билдирувчи аломат эди. Ширакайф Қоражон ўзининг беихтиёр қарашлари билан унга озор бермаслик учун ённаги ошналарига узр айтиб, ўринидан турмоқчи, тўйдан чиқиб кетмоқчи бўлиб турган эди, ундан олдин ўша қийиқ кўз икки дугонаси билан ўринидан дик туриб, тўйхонадан чиқиб кетди. У юзини тескари қилиб, Қоражон ўтирган томонга назар ҳам солмади. Қоражон бу ҳолни кўриб жуда афсусланди. Уларга суқли боқишилари билан тинчлик бермаганидан хижолат бўлди...

Қоражон Гулгуннинг кетидан тикилиб қараб қолди У жуда ўксинди; ҳамма баҳтли, ҳамма ўз хотини билан ќуша қариб юрибди. Биргина унинг омади келмаган». («Чотқол йўлбарси», 11-бет.)

Қоражон билан Гулгун орасидаги севги тарихи ҳам қувонч, ҳам дилсиёҳлик билан бошланади. Қоражон

оромини йўқотади, қийиқ кўз ишқида оҳ уради, ҳуснисизлик баланд девор бўлиб йўлини тўсади, аммо у қиз томон талпинаверади. Қиз эса ундан ўзини олиб қочади, ҳатто тушида уни кўриб қўрққанидан лабларига учук тошади; айни пайтда Қоражонни ўйлайдиган бўлиб қолади, қалбida қандайдир ўзи тушумайдиган сирли, сеҳрли туйгу пайдо бўлади, лекин барнибир Қоражондан жирканади. Бу ҳол йигитни қаттиқ изтиробга солади. У алам-изтироб оловида қоврилади:

«Мен бедавоманми? Мен шу даражада хунук одамманми? Мен бирон кимсани яхши кўриб, ололмайманми? Мендан ҳазар қиладиларми? Наҳотки, ҳусн ҳамма нарсадан муҳим бўлса?! — Қоражон бошига бостириб кийиб олган шапкасини диванга отди. Костюмини ечиб, ойна ёнига яна ҳам яқинроқ борди. У чап юзи ва бўйниларининг чандигига жон-жаҳди билан тикилди. Күйиб яримта бўлиб қолган қоши — қора булутлар ичига кираётган ойни эслатарди. Қўзининг эгаси бор, дейдилар, ўшанда кўзи ҳам кўрмай қолиб, госпиталда очилган бўлса ҳам эти куйиб, кўз омон қолган эди. У яна ўзига-ўзи хитоб қилди: «Демак, мен бир бедаво одамман, мендан ҳамма қочади, мен севган одамимга етишишим мумкин эмас. Мен номига хотин деган кимса билан умр ўтказишм керак... Мен текис йигитлар, чиройли қиз-жувонлар тўпига қўшила олмайман! Мендан ҳамма қочади! Узумнинг яхсисини улар ейдилар! Ҳусн деган нарса фақат шунииг учун керакми? Мақсад фақат «узум ейиш»дан иборат эмас-ку!» («Чотқол йўлбарси», 23-бет.)

Бироқ у ўзини камситишга йўл қўя олмайди, унда инсоний ғурур кучли, ўзини севишга, севилишга ҳар жиҳатдан ҳақли деб билади:

«Мен бедаво эмасман! Бу гапни ўша қизга қандай тушунтирай?! Шиддатли жангда, танк ичиди ёнганимни қандай айтаман. Ахир онам юндулай чандиқ туғмаган-

ку! Урушга бормасдан аввал мен ҳам силииқина йигит-ча эдим-ку!» («Чотқол йўлбарси», 24-бет.)

Аёл зоти атрофида парвона бўлиб юргаи одамга, ким бўлишидан қатъи назар, бефарқ қарай олмайди. Бу хислат Гулгун учун ҳам ёт эмас. Йигитнинг қизга астойди эътибори у ҳақда жиддийроқ ўйлашга ундайди. Қиз ўзининг Қоражонга қўпол муомаласидан секин-аста хижолатга тушади, кўнгли негадир шу йигит томон талпинади.

Секин-аста Гулгун Қоражон ҳақида кўп нарсани билib олади: уруш инвалиди бўлмиш азиз отасини ўз жонини таҳликага қўйиб қутқариб олган одам, Гулгун йўллаган миннатдорлик изҳори битилган қийиқча эгаси — нотаниш йигит шу Қоражон бўлиб чиқади. Қоражоннинг урушдаги мардлиги, жасорати, меҳнат жабҳасидаги жонбозлиги, энг муҳими, унинг олижаноб қалби унга аён бўлади. Қиздаги қизиқиш, интилиш секин-аста улкан меҳрга айланана боради. Гулгун бир бор севгида адашган, нобоп эр жабрини тортган аёл, у ҳам улкан меҳрга муҳтоҷ бир кимса. Бу ҳол ҳам Гулгуннинг Қоражон билан яқинлашувинга сабаб бўлади... Асаддаги бош қаҳрамон билан боғли севги можароси, драмаси шу тариқа ҳал этилади.

Севги саргузашти, драмаси билан ёndoш ҳолда ёзувчи бош қаҳрамоннинг меҳнатдаги шижаоату машаққатларини ҳам кенг тасвир этади. Қоражоннинг меҳнат фаолияти йўлидаги энг катта гов — Қиёмхўжа Ҳазратов. «Дегрез ўғли»дан фарқ қиласроқ, бу ерда бош қаҳрамон қаршисида турган рақиб хийла мураккаб, салобатли шахс. Улар орасидаги зиддият асоси ҳам пухта, ишонарли. Қиёмхўжа Қоражоннинг бирга ўқишган ошнаси, лекин ҳар жиҳатдан Қоражоннинг зидди. Мана унинг таърифи:

«Қиёмхўжа қирқ бешларга борган, кўркам, сарбаст киши. Ён жувонлар унинг чертиб галириши, салобати, кўркамлиги олдида сеҳрланар, унинг атрофидан кетол-

май қоларди. Баъзи ёш-яланглар бу серсавлат одам олдида тортиниб, гапларини ҳам йўқотиб қўярди. Меҳрибон, осуда бўлиб кўринган кўзлари баъзан маккорона чақнаб қоларди; оқ айиқнинг ғазабини ҳам, шодлигини ҳам юзидан билиб бўлмаганидек, Ҳазратов ҳар қандай оғир лаҳзани гарчи ичидан қиринди ўтса ҳам билдирамаслик «санъати»га эга. У ўзини бепарводек тута оларди. Жанжалли ишларга бениҳоя кўп дуч келганими, ўйнашларининг макру ҳийалаларига бардош беравериб қашқатаёқ бўлиб кетганими, ҳар қалай, ногаҳоний ташвишда ўзини қўлга олиб, сабот билан ўтказарди. Чертеб-чертеб гапирав, японларга ўхшаб энг қайғули хабарни ҳам тишининг оқини кўрсатиб, ҳа-ҳа-ҳа, деб кулиб, нописандлик билан қарши оларди». («Чотқол йўлбарси», 55-бет.)

Таъриф-тавсиф давом этади. Қиёмхўжа ўзига етгунча серфикр, мулоҳазакор, камгап, сипо одам, унчамунча гап билан уни кулдириш қийин. У бирон нима демаса, киши ундан ҳайиқиб туради; шунга қарамай қўли очиқ, дастурхони тўкин, меҳмонлар олдида ширинзабон; ширин сўзи, тўкин дастурхони, қўлидаги дутори билан ҳар қандай одамни эрита олади.

Шу тариқа кўз олдимиизда мураккаб, салобатли бир кимса гавдаланади, ёзувчи бизни унинг хонадонига бошлаб киради, нафталин ҳиди анқиб турган, ҳар хильжиҳозлар билан тулиб кетган складни, ажойибхона, музейни эслатадиган уйи, танноз уй бекаси Гулбаданбегим билан танишитиради, унинг оиласвий тарихи, илк севгига, хотини, болаларига хиёнати, ҳамон бузуқ ишлар билан машғул бўлиши, Обакиҳон сингари жувонларни йўлдан ўриши ва бошқа қингир қилмишлари ҳақида маълумот беради. Қиёмхўжа ўта устамон одам, шунча қилғиликларни қилиб сувдан қуруқ чиққан, эгнига гард юқтирамаган.

Қиёмхўжа олдин Чортокдаги сув омбори қурилишида бошлиқ бўлиб ишлаган, ҳозир трест бошлиғи ўрини

босари. Тинчгина ишини қўйиб Чорвоқ сув омбори қурилишига, курсдош дўсти Қоражон ҳузурига ишга бормоқчи. Қоражонни авраб муддаога эришади. Чорвоққа келади. Бу ерда унинг асл муддаоси маълум бўлади. Чорвоқдаги қурилишда орденга илиниб мазахўракка ўрганган Қиёмхўжа Қоражон бошқараётган вазифага зимдан кўз олайтира бошлайди; чунки Қоражоннинг иш жойи катта қурилиш комплексининг асосий участкаларидан бири, қурилиш битса бу участка бошлиғи мукофот рўйхатларидан четда қолмаслиги «аксиома» эканлигини Қиёмхўжа билади. Унинг фикру ёди шунда бўлиб қолади.

Шу ниятда у фаоллашади, аввал ўз «санъатини», қолаверса Ишларбекка ӯхшаш гумашталарини, Обакиҳон сингари енгил аёлларни ишга солиб, бор пулини сафарбар этиб Қоражонга қарши ҳам пинҳона, ҳам ошкора ҳужумга ўтади, Қоражон, унинг жуфти халоли Гулгун, яқин кишиси олим Музаффаров теварагида ёмон гаплар тарқатади, уларни чалгитиб дилларига озор етказади, ўта ноқулай аҳволга солиб қўяди, усталик билан Садовников сингари алломаларни ўз томонига оғдиради, ишдан илги топиб Қоражонни ўз мансабидан четлатишга эришади.

Ёзувчи Қоражоннинг ана шу кўргуликлар гирдобидаги руҳий ҳолатини, драмасини анча батафсил беради. Лекин негадир мана шу драматик лавҳалар китобхонни етарли даражада ҳаяжонга солмайди, бу руҳий ҳолат ифодаси янгилик эмасдай, «Дегрез ўғли» қаҳрамони ишдан четлатилган пайдаги тасвирнинг бошқачароқ қайтариғидай тююлади. Пировардида қаллоблар қилмишининг барбод бўлиб, ижобий қаҳрамонларнинг тантана қилиши ҳам енгилроқ кўчгандай, «Дегрез ўғли»даги усулнинг такоридай кўринади.

Романдаги муваффақиятли чиққан образлардан бири — олим Музаффаров. Бу одамни таниширишда ҳам ёзувчи севган усулини қўллайди — аввало характер-

ни таърифлайди, йўл-йўлакай қисқача тарихини айтиб беради: «У баланд бўйли, барваста одам. Кўзида кўзойнақ, бирон одам билан жиддийроқ гаплашганда кўзойнаги тепасидан мўралаб туради. У, откалла, тепакал одам. Орқа бўйнида қолган жонсиз укпардеккина сочини авайлар, у аввал оқариб, кейин саргайиб кетган эди. Орқа бўйни ҳам юмшоқ ҳилвираган этдан иборат— йиллар ўз ишини қилиб, чандир-пайларни ҳам бўшаштириб қўйган. Кўзойнаги юзининг ҷузинчоқлигини қис, қартириб, бир қадар ҳусн қўшиб туради. Кўзойнак унинг жисмидаги яна бир аъзосига айланиб кетган — баъзан каравотда ёстиққа бош қўйганида шу кўзойнакнинг борлигини сезиб, тумбочкага олиб қўймаса, бошқа вақт бурни устидан жилмайди. У турмушнинг аччиқ-чучугини татиган, бу дунёда кўрмаган нарсаси қолмади... Баъзан бундоқ қараб туриб, умри бекорга ўтмагани, анча-мунча ишлар қилиб бергани, юрти мартаbatisini баланд қилиб, мукофотлару унвонлар олгани, шахсий ҳаётда ҳам баҳт топгани — икки қиз, икки ўғил кўргани, бир қиз ва икки ўғилдан неваралар борлиги билан фахр этарди. Аммо ҳамма ишларни тартибга солиб, баҳтга етдим, деганда бундоқ кўзини очиб қараса, ёш ўтиб кетиб, бедармон бўлиб қолганидан ҳам ачиниш, ҳам пушаймон чангали юрагини ғижимларди». «...Лекин кексалик инжиқликлари билан шафқатсиз жанг қилас, қувноқлик, меҳрибонликни доимий одат этиб, устидаги озодалик «хилқати» яшнаб турарди». («Чотқол йўлбарси», 84—85- бетлар.)

Дастлабки таъриф-тавсифлардан маълум бўляптики, Музаффаров ҳаётини беҳуда ўтказган эмас, у меҳнатда ҳам, шахсий ҳаётда ҳам баҳт топган қария, энди у бир чеккада пенсия олиб тинчгина қарилек гаштини суриб юравериши мумкин. Бироқ бу одам ундай қишлолмайди, қувноқлик, осойишталикини ўзи учун доимий одат қилишга ҳар қанча уринимасин дунё ташвишларидан четда туролмайди, у ҳамиша ўзини ҳаёт ичига ура-

ди, кундалик турмуш муаммолари унинг оромини олади. Хоҳ онлада, хоҳ кӯчада, хоҳ таңдо, хоҳ хотини, хоҳ дўстлари билан мулоқатда бўлсин, ҳамиша уни қизғин баҳс-мунозаралар устида учратамиз. Бу унга теккан касал. Табиати, дили жиҳатидан унга ниҳоятда яқин дўсти шоир Амир Равнақ: «Биз қалам аҳли индамай ўтолмаймиз, бу бизга теккан касал. Шу тилимиз ўлгур қичиб, баъзан балога қоламиз»,— деганида Музаффаровни ҳам назарда тутади. Бу хил баҳслар пайтида у ўзининг баъзан майдалашиб кетаётгандигини ҳам ҳис этади. «Пенсионерлик ҳам жонга тегди! Доим меҳнат қилиб юрган одамларнинг пенсияга чиққани унча бўлмас экан... Гидростанция қуриб юрган бизга ўхшаганлар уйда қолиб майда гап бўлиб қолдик. Фақат қорани кўрамиз, тажанг бўламиз. Нурли нарсаларни кўрмаймиз. Баъзиларимиз очиқдан-очиқ шикоятбозга ўхшаб қолдик. Дам у ташкилотга, дам бу ташкилотга ариза ёзамиз. Ёшларга ишончсизлик ва ёмон назар билан қараймиз, гўё улар бошқачароқ бўлиб кетаётгандай. Бундоқ эмас! Ҳамма нарса жойида, еганим олдимда, емаганим кейинда, бола-чақадан тиндим, обрўйим баланд... Аммо нимадир етишмайди. Дунёнинг иши доимо бир кам, деб ўзимга ўзим далда бераман. Лекин ётиб-ётиб яна юрагим шопириб кетади. Нимадир етишмайди, ҳаётимнинг бир ери кемтикдек...» («Чотқол ўлбарси», 152-бет.).

Музаффаров ҳаётининг шу кемтик жойига даво ахтариб катта билими, бой тажрибасини меҳнат аҳли билан баҳам кўриш ниятида қурилишга келади, катта куч-гайрат, илҳом билан ишга киришиб кетади. Ҳаёт муаммоларининг, турмуш можароларининг чеки йўқ. Музаффаров эндиGINA ишда дардига малҳам топганида янги ташвишларга дуч келади, Ҳазратов сингари фалзмисларнинг қилмиши дилини хира қилади, ўғли Хайрушка билан Гулгун орасида бўлиб ўтган гап-сўз уни хижолатга солади, ниҳоят Хайрушканинг жиноят қилиб қама-

лиши уни ададсиз алам-изтироблар гирдобига солиб қўяди. Ёзувчи ҳалол, покиза, ҳаётини эл-юрт ишига фидо этган, бутун умри давомида юзи ёруғ, қадди расо, тили узун бўлиб ўтган одамнинг шахсий, оилавий фожиасини, қалб драмасини бутун кескинлиги билан кўрсатади.

«Чотқол йўлбарси»даги бошқа етакчи персонажлар ҳам характер ва тақдирларининг мураккаблиги билан ажралиб турадилар. Шулардан иккитаси — Амир Равнақ билан Садовников образлари устида озгина тўхталиб ўтайлик. Амир Равнақ кўп жиҳатдан ижобий шахс, айни пайтда хатоларга ҳам йўл қўяди. Ёзувчи бу одамни хатолари учун қоралаб, ер билан яксон қилиб ташлашга шошилмайди. Уни шу кўйларга солиб қўйган омилларни очиб беришга интилади. Бу одам аслида Музаффаров сингари ҳалол, покиза, социалистик идеалларга содик, бутун ҳаётини шу идеаллар йўлида фидо этган одам. Бироқ у — шоир, унда ҳиссият, эҳтирос кучли, ҳаётдаги чигалликларга, муаммоларга дуч келганда бирдан ловиллаб кетади, ҳаёт мураккабликлари олдида довдираф, баъзан улардан бирёклама хулоса чиқариб қўяди, ўткинчи муаммоларга бағишлаб кескин шеърлар ёзид юборади. Автор Амир Равнақ характерини сувга чўккан қишлоққа муносабатда яхши очиб беради. Амир Равнақ Чорвоқ сув омборни саёҳати пайтида бирдан сув остида қолган, бир йил бурун ўзи меҳмон бўлган хонадонга кўзи тушиб қаттиқ ҳаяжон ичида қолади:

«Амир Равнақ тепаликдан сувга, улкан ложувард шишиага тикилди — шиша остида худди шу тепалик пастидаги Чоршанба отанинг ҳовлиси, хонанинг фиштин пойдеворлари, нураган тандибу ўчоқ қолдиқлари, айвон устунлари остидаги харсанглар, тош ётқизилган йўлаклар шундоқ қўриниб турарди. Амир Равнақ бошқа ҳовлиларга, деворларга, иморатларнинг қолдиқларига ҳам тикилди. Гўё айвон устунларини маҳкам қучоқлаб сув остида ётган Чоршанба отани ҳам кўргандек бўлди. Ўз

ерини жондан ортиқ севувчи бу қария ҳовлисими ташлаб бошқа жойга кетишини ақлига сүғдиролмаган Амир Равнаққа сув остида чангак бўлиб ётгандек туюлди». («Чотқол йўлбарси», 229- бет.)

Унинг ҳис-ҳаяжонлари тилига кўчади, ҳолатидан ажаблангандарга қаратади: «Мен сув остида халқимни, киндиқ қонимиз тўкилган еримизни кўярпман... Сизлар, ўзбеклар қандай қилиб бу ишга рози бўлдингизлар? Мана, божам академияга мухбир аъзо, Ватанимизни фашизмдан сақлаб қолгандарнинг бири. Қандай қилиб аждодлар қабрини сув остида қолдириб, таҳқир этишга рози бўлдингизлар?!» — дея ҳайқиради. Кўнглидаги бу гапларни эса кўп ўтмай шеърга солади. Шоирнинг ташвишларига маълум асослар бор. Бу фан-техника асрининг тезкор ривожи туфайли юз бераётган ҳаётий зиддиятларнинг шоир қалбидағи бир акс садоси. Айни пайтда шоир ижтимоий прогресс маълум йўқотишлар ҳисобига бўлаётганлигини, сувда қолган қишлоқ ўринига юзлаб янги қишлоқлар барпо этилаётганини ҳисобга олмайди.

Езувчи Амир Равнақнинг мана шу хато шеърига жамоатчилик муносабатини кўрсатиш орқали ҳозирги адабий ҳаётга хос характерли бир тенденцияни яхши ифода этган; шоир хатоси принципиал танқид қилинади, айни пайтда жамоатчилик уни асраш-авайлаш ғамини ейди...

Садовников ўзбек адабиётида яратилган кўплаб рус кишиси образлари орасида муносаби ўрин эгаллади, ҳам кучли, ҳам қисман ожиз томонлари билан жонли гавдалантирилган бу ёқимтой одамни китобхон севиб қолади. Садовников — қурилиш бошлиғи, ажойиб ишбилармон раҳбар. Унинг ўзи ҳам, отаси ҳам Тошкентда туғилиб шу ерлик бўлиб кетишган. Ҳатто унинг қария отаси Рязанга, қариндош-уруглари хузурига борадиу, у ерда бегонасираб, ўзбек қадрдонларини қўмсаб тезгина Тошкентга қайтиб келади. Садовников ўзбек тилин www.ziyouz.com kutubxonasi

ни яхши билади. Баъзан қочириқлар қилиб ҳам қўяди. Ўзбек урф-одатларини ҳурмат қиласди, ўзбек классик куйларини мароқ билан тинглайди; қисқаси у ўзбеклар билан иноқлашиб, ўзбек ҳаётига сингиб кетган, ниҳоятда кўнгилчан, бу халқ учун жонини, жаҳонини беришга тайёр. Бунинг устига Садовников ҳам «темирдан ясалган робот эмас, ҳамма инсонларга хос кайфу айш суриш унга ҳам бегона эмас. Унинг ҳам нафси, фурури бор...» Бу одамнинг шу томонлари Ҳазратов сингари ғаламислар учун ниҳоятда қўл келади, ширин сўзи, сохта илтифотлари билан бу сoddадил, олижаноб одамни чалғитади, унинг табаррук қўллари билан олов ушламоқчи бўлади...

Хуллас, «Чотқол йўлбарси» асари ҳаёт қаърига чуқурроқ кириб бориш, ҳаётий муаммоларни қаламга олиш, инсон шахси ва қалбини мураккаблиги билан кўрсатиш сингари фазилатларига кўра ёзувчининг романчилик йўлидаги янги қадами бўлди.

### ИЖОДНИНГ ДАВОМИ

Биз бу ишимизга атайи хотима боби ёзмадик. Чунки ёзувчимиз ижод этишда давом этяпти, унинг хаёлида кўплаб ижодий режалар, иш столи устида ҳали охирига етмаган шеър, достон, қисса ва романлар; у ҳозир кўпроқ «Илдизлар ва япроқлар» деб аталган кўп жилдлик эпик асарини поёнига етказиш билан банд. Умид қиласми, бу режалар рӯёбга чиқади, қўлёзма устидаги ишлар поёнига етади, китобхонлар кетма-кет унинг янги асарларини ўқиши шарафига мусассар бўлади, адаб ҳали эришмаган янги ижодий манзилларни забт этади, шу тариқа ишимизга янги боблар ҳам қўшилаверади.

1979 йил

## **МУНДАРИЖА**

БИРИНЧИ БЎЛИМ	
Замии шеърияти . . . . .	3
ИҚКИИНЧИ БЎЛИМ	
Наср кўлами . . . . .	80

*На узбекском языке*

**У. НАРМАТОВ, О. АБДУЛЛАЕВ,  
КРЫЛЯ ТВОРЧЕСТВА**

Творчество Мирмухсина

Редактор *К. Кодиров*  
Рассом *В. Немировский*  
Расмлар редактори *А. Пономарев*  
Техн. редактор *У. Ким*  
Корректор *Ш. Соатова*

ИБ № 1420

Босмахонага берилди 05. 12. 1980 й. Босишига рухсат этилди 05. 03. 1981 й.  
Р-14198. Формати 70×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози № 1. Адабий гарнитура. Юқо-  
ри босма. Шартли босма л. 8,22. Нашр л. 8,41. Тиражи 5000. Заказ № 49.  
Бахоси 75 т.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашириёти. 700129. Тошкент. На-  
войй кӯчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб  
савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб  
чиқарыш бирлашмасининг 2- босмахонаси. Янгийўл ш., Самарқанд. 44.

5